

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ФАРМОНИ

**2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили» да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида**

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг камровли ислохотларни халқ манфаатлари йўлида изчил давом эттириш мақсадида 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили» да амалга оширишга оид давлат дастури лойиҳаси кенг жамоатчилик иштирокида атрофлича муҳокама қилинган ҳолда тайёрланди.

Муҳокамалар жараёнида халқимиз, фуқаролик жамияти институтлари фаоллик кўрсатиб, мингдан ортиқ теле- ва радиоканаллар орқали тўғридан-тўғри эфирларда улар билан бевосита мулоқотлар ташкил этилди, фуқароларимиз билдирган таклиф-тавсиялар тегишли соҳа мутахассислари ва экспертлар иштирокида чуқур таҳлил қилинди.

Хусусан, жамоатчилик муҳокамаси доирасида уч мингдан ортиқ таклифлар келиб тушди, улар асосида Давлат дастури лойиҳасига юзга яқин концептуал ва таҳририй ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Шунингдек, кўпчилик таклифлар муҳокама учун эълон қилинган Давлат дастури лойиҳасидаги чора-тадбирларни қўллаб-қувватлаш ва уларни амалга ошириш жараёнларини такомиллаштиришни назарда тутди.

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ижросини таъминлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси, парламент палаталари қўшма мажлиси ва ташкилий йиғилишларида белгиланган вазифаларни самарали ва ўз вақтида амалга ошириш мақсадида:

1. 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили» да амалга оширишга оид давлат дастури (кейинги ўринларда — Давлат дастури) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш соҳасида:

2020 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати фаолиятида фуқароларнинг Интернет тармоғидаги мурожаатлари асосида парламент ва депутат сўровларини шакллантириш, сайловчилар билан бевосита мулоқот қилиш мақсадида электрон портал ва мобиль иловадан фойдаланиш имконини берувчи «Электрон парламент» тизими жорий этилсин;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида йил якунига қўра қабул қилинган ҳар бир қонун халқ томонидан қандай баҳоланганини ва унинг самарадорлик даражасини мониторинг қилиш ҳамда мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича тегишли чораларни кўриш амалиёти шакллантирилсин;

2020 йилда Самарқанд вилояти халқ депутатлари Кенгашининг фаолиятини «намунали Кенгаш» сифатида йўлга қўйиш бўйича амалий ташкилий чора-тадбирлар кўрилсин ҳамда маҳаллий вакиллик органлари фаолиятида Кенгаш сўрови институти жорий қилинсин;

2020 йил 1 июлдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси мажлисларида давлат органлари ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг ўз фаолияти бўйича, шунингдек, Ҳукумат аъзолари ва тармоқлар раҳбарларининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Барқарор ривожланиш мақсадларини бажариш, илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишлар тўғрисидаги ахборотларини мунтазам равишда эшитиш тартиби амалиётга татбиқ қилинсин;

2020 йил 1 августдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида Ўзбекистоннинг хорижий давлатлардаги элчилари ҳисоботини эшитиш, шунингдек, аҳолини ташвишга солаётган муаммоларни тезкорлик билан ҳал қилиш мақсадида ўрганилган масалалар бўйича бевосита жойларга бориб, вазирлик ва идоралар раҳбарлари иштирокида Сенат кенгаши ва қўмиталарининг сайёр мажлисларини ўтказиш тизими йўлга қўйилсин;

2020 йил 1 июлга қадар «Mening fikrim» веб-порталининг мобиль иловасини ишга тушириш чоралари кўрилсин, шунингдек, веб-порталга келиб тушаётган мурожаатларни депутатлар, мутахассислар ва кенг жамоатчиликни жалб қилган ҳолда оммавий ахборот воситаларида муҳокама қилиш ташкил этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари ва Вазирлар Маҳкамасига манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ушбу йўналишда белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида бажарилишини, шу жумладан парламентнинг қонун ижодкорлиги ва назорат фаолиятини кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар дастури, тўғридан-тўғри амал қилувчи қонунларни ишлаб чиқиш бўйича «Йўл харитаси», Аҳолининг электорал маданиятини юксалтириш концепцияси ҳамда Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг ўрта ва узок муддатли истиқболга мўлжалланган стратегияси қабул қилинишини таъминлаш тавсия этилсин.

3. Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш соҳасида:

2020 йил 1 майдан бошлаб суд ҳукмлари, қарорлари, ажримлари ёки ҳал қилув қарорлари қонуний кучга кирган ишларни прокурор томонидан томонларнинг (прокурордан ташқари) мурожаати мавжуд бўлгандагина суддан талаб қилиб олиш тартиби амалиётга жорий этилсин;

2020 йил 1 апрелдан бошлаб 1995 йилгача Ўзбекистонга келган ва шундан буён фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномаси асосида доимий истиқомат қилаётган ҳамда Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлиш истагини билдирган шахсларни Ўзбекистон Республикаси фуқароси деб тан олиш тартиби жорий этилсин;

2020 йил 1 ноябрга қадар одил судловга эришиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида апелляция ва кассация инстанциялари ислоҳ қилиниб, назорат тартибида иш юритиш институти бекор қилинсин;

2020 йил 1 июнга қадар тадбиркорлик соҳасидаги ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят турлари декриминализация қилинсин, шунингдек, божхона соҳасидаги қонун ҳужжатларини бузиш жиноятини биринчи марта содир этган, товар учун тўловни ихтиёрий равишда тўлаган ва божхона расмийлаштирувини амалга оширган шахсларни жиноий жавобгарликдан озод қилиш тартиби жорий этилсин;

2020 йил 1 декабрдан бошлаб маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколати жиноят ишлари бўйича судлар ваколатига ўтказилсин;

2020 йил 1 декабрдан ҳуқуқбузарликларни содир этган шахс томонидан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг тегишли моддаси санкциясида назарда тутилган жаримани суд ва ваколатли идораларда иш кўрилгунга қадар ихтиёрий тўлашни рағбатлантириш тизими жорий этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Судьялар олий кенгаши, Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги га манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ушбу йўналишда белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида бажарилишини, шу жумладан

тизимлаштирилган «Судлар тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳрири, шунингдек, судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятини тартибга солувчи ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва Жиноят-процессуал кодекслари, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари кафолатларини кучайтиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчаларни киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳалари ишлаб чиқиши таъминлаш топширилсин.

4. Кенг жамоатчилик истақларини ва халқаро эксперт жамоатчилиги тавсияларини инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Вазирлар Маҳкамаси ва Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказининг қуйидаги таклифларига розилик берилсин:

2020 йил 1 апрелдан бошлаб Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида кўчмас мулкни олишда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун ушбу ҳудудларда доимий пропискага эга бўлиш талаб қилинмаслигини кўзда тутувчи тартибни жорий этиш;

Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи ва республиканинг бошқа минтақаларида доимий пропискага эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидаги янги қурилган уйларда кўчмас мулк олди-сотдиси шартномаларини расмийлаштириш учун давлат божининг алоҳида ставкасини бекор қилиш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

а) 2020 йил 1 апрелга қадар қонун ҳужжатларига мазкур банддан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритилишини таъминласин, унда, шу жумладан қуйидагиларни назарда тутсин:

доимий пропискага қўйишда Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодексининг бир киши учун турар-жой майдонининг ижтимоий нормаси тўғрисидаги қоидаларига риоя этиш бўйича талабларни;

пропискага қўйиш билан боғлиқ жараёнлар ва уларни «ягона дарча» тамойили асосида амалга ошириш механизмлари рақамлаштирилишини таъминлашни;

ҳудудларда олий таълимнинг талаб юқори бўлган йўналишларида ўқитишни ташкил этиш, шу жумладан Тошкент шаҳрида жойлашган етакчи олий таълим муассасаларининг филиалларини очишни;

б) Ўзбекистон Республикасида 2030 йилгача урбанизацияни ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқишда республика аҳолиси учун Тошкент шаҳри билан бир қаторда қўшимча равишда «ўзига тортувчи марказлар»ни яратиш мақсадида табиий ва ижтимоий-иқтисодий салоҳиятга эга энг йирик шаҳарларни белгилашни назарда тутсин.

5. Иқтисодий ривожлантириш ва инвестицияларни фаол жалб қилиш соҳасида:

2020 йилдан бошлаб пахта хом ашёси ишлаб чиқариш ва мажбурий сотиш режасини, унинг нархини давлат томонидан белгилаш амалиёти бекор қилинсин ва давлатга мажбурий ғалла сотиш ҳажми 25 фоизга камайтирилсин;

2020 йилда солиқ тўловчилар томонидан ортиқча тўланган солиқ суммаси белгиланган муддатда қайтарилмаган ҳолда ушбу сумма учун солиқ тўловчиларга бюджет ҳисобидан Марказий банкнинг асосий ставкасига тенг миқдорда фоизлар тўлаш ҳамда ички бозорда сотилган маҳсулот бўйича қўшилган қиймат солиғининг бир қисмини қайтариш тартиби самарали йўлга қўйилсин;

2020 йилда лицензиялар ва бошқа рухсат берувчи ҳужжатлар камида икки бараварга қисқартирилсин;

2020 йил 1 июндан бошлаб давлат улушига эга бўлган банклар трансформацияси бўйича «йўл харита»ларини амалга оширишга киришилсин, шу жумладан аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларга кўрсатилаётган банк хизматлари сифатини ошириш ҳамда замонавий чакана банк хизматлари турларини кўпайтириш чоралари кўрилсин;

2020 йил 1 июнга қадар экспортни олдиндан молиялаштиришга қаратилган Экспорт-кредит агентлиги ташкил қилинсин;

2020 йилда «рақамли маркировка ва онлайн касса» лойиҳасини ўз вақтида ва тўлиқ бажариш ҳамда «Э-омбор» товарларни ҳисобга олишнинг электрон тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича амалий чоралар кўрилсин;

2020 йил 1 июндан бошлаб маҳаллий экспорт қилувчиларга юкларни автомобиль ва ҳаво транспорти орқали экспорт қилиш харажатларининг бир қисмини давлат томонидан қоплаш, шунингдек, тадбиркорларнинг инфратузилма барпо этиш бўйича харажатларининг бир қисми учун компенсация тўлаш механизмлари жорий этилсин;

2020 йилда камида 800 мингта кенг полосали Интернет портлари яратилсин ва 12 минг км оптик толали алоқа линиялари ётқизилсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Марказий банки, Ҳисоб палатаси, Савдо-саноат палатасига манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ушбу йўналишда белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида бажарилишини, шу жумладан «Давлат молиявий назорати тўғрисида»ги, «Давлат қарзи тўғрисида»ги ва «Расмий статистика тўғрисида»ги қонун лойиҳалари, Автомобиль йўлларини ривожлантириш ва Молиявий хизматлар оммабоплигини ошириш стратегиялари, Ташкил иқтисодий фаолиятни тартибга солиш ва Сув хўжалигини ривожлантириш концепциялари, Қишлоқ хўжалигида рақамли технологияларни кенг жорий этиш бўйича амалий чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқиши таъминлаш топширилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

икки ой муддатда ҳар бир ҳудудда тадбиркорликка ўқитиш курсларини ташкил этиш бўйича «йўл харита»сини ва мазкур курсларнинг битирувчиларига энг илғор лойиҳа учун грантлар ажратиш тартибини тасдиқласин;

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тасарруфига ўтказилган 30 та коллеж базасида, шунингдек, Тошкент шаҳрининг ҳар бир туманида камида биттадан «Ишга марҳамат» мономарказлари ва касбга тайёрлаш марказларини ташкил этиб, уларда, биринчи навбатда, ишсизлар ва камбағал оилалар аъзоларининг тадбиркорлик асослари бўйича ва касбга ўқитилишини таъминласин.

Худди шу каби мономарказлар ва касбга тайёрлаш марказлари Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг шаҳар ва туманларида ҳам босқичма-босқич ташкил этилиши таъминлансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий ва саноат вазирлиги ҳузуридаги Кичик бизнесни ривожлантириш агентлиги, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Савдо-саноат палатаси ва Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда касбга ўқиш истагини билдирган ёлғиз ва кўп болали аёллар, ишсизлар, ёшлар учун қундалиқ ҳаётда эҳтиёж юқори бўлган соҳалар, хусусан тикувчилик, пазандалик, сартарошлик ва бошқа йўналишлар бўйича касбга ўргатиш курсларини ташкил этиш чораларини кўрсин.

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда «Маҳалла гузарларида касбга ўқитиш дастури»ни ишлаб чиқиб, талабгорлар рўйхатини шакллантирсин.

Белгилансинки, касбга ўргатиш курслари доирасида ўқитилган ёлғиз ва кўп болали аёллар, ишсизлар ва ёшлар каби аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари учун Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси ҳисобидан Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда маблағ ажратилади.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) ҳокимлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан биргаликда:

бюджет маблағлари ҳисобидан илғор тадбиркорлик лойиҳаларига грантлар ажратиш тизимини йўлга қўйсин;

2020 йил 1 майга қадар ҳар бир ҳудудда камида биттадан «Энг яхши касбга тайёрлаш ўқув дастури» бўйича нодавлат ташкилотлари ўртасида танлов ўтказиб, унинг ғолибларига ўз ишини ташкил қилиш учун Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасидан грант ажратиш тартибини ишлаб чиқсин.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда тадбиркорлик яхши ривожланган ва аҳоли зич жойлашган ҳудудлар атрофида қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ва бўш турган ер майдонларини аниқласин ҳамда уларда кичик саноат зоналарини ташкил этиш ва уларни инфратузилма билан таъминлаш учун лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш чораларини кўрсин.

Белгилансинки:

янги ташкил этиладиган кичик саноат зоналарига барча зарур инфратузилмаларни етказиб бериш учун кичик саноат зоналарини бошқариш дирекцияларига Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағларидан 100 миллиард сўм ажратилади;

янги ташкил этилган кичик саноат зоналаридаги ер участкалари тадбиркорларга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда хусусийлаштирилиб берилади ва бундан тушган маблағлар кичик саноат зоналарини бошқариш дирекциялари томонидан янги кичик саноат зоналарини барпо этишга сарфланади.

10. Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда бир ой муддатда ҳар бир туманда деҳқончилик билан шуғулланиш истагини билдирган аҳоли рўйхатини шакллантирсин, қишлоқ хўжалиги оборотидан чиқиб кетган ерларни талабгорларга тақсимлаб берсин ва уларни кооперацияларга бириктирсин. Бунда, мазкур шахсларга қонунчиликда назарда тутилган имтиёзлар тақдим этилсин ва ерларни оборотга қайтариш учун барча зарур чора-тадбирлар кўрилинсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузуридаги Кичик бизнесни ривожлантириш агентлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги икки ой муддатда бизнесга ҳамда тадбиркорликни бошлаш истагидаги фуқаролар ва ўзини ўзи банд қилмоқчи бўлганларга сервис кўрсатувчи интерактив мобил иловалар яратиш учун танловлар эълон қилиб, энг яхши лойиҳаларга грантлар ажратиш тизимини йўлга қўйсин.

*Олдинги тахрирга қаранг.*

12. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги Молия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда, шунингдек, Жаҳон банки, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт дастури ва бошқа халқаро ташкилотларни жалб этган ҳолда 2020 йил 1 октябрга қадар қуйидагиларни назарда тутувчи Камбағалликни қисқартириш дастури лойиҳасини ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

*(12-банднинг биринчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 мартдаги ПФ-5975-сонли Фармони тахририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 27.03.2020 й., 06/20/5975/0377-сон)*

камбағаллик тушунчасини, уни ҳудудий хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда аниқлаш методологияси ва мезонларини ишлаб чиқиш; аҳолида, айниқса, ёшлар ва аёлларда бизнес юритиш ва тадбиркорликнинг замонавий кўникмаларини шакллантириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

энг аввало, жойлардаги ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш имконини берувчи тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлашнинг самарали механизмларини жорий этиш;

тадбиркорлик субъектларига молиявий ресурслардан, шу жумладан микромолиялаштириш хизматлари ва давлат харидларидан фойдаланишда кенг имкониятлар бериш учун шароит яратиш;

банд бўлмаган аҳолини қайта тайёрлаш ва ишсиз фуқароларни талаб юқори бўлган касбларга ўқитиш бўйича кенг қамровли дастурларни амалга ошириш.

13. Белгилансинки, 2020 йил 1 июндан бошлаб тадбиркорлик субъектларига лицензиялар ва рухсат этиш хусусиятига эга бошқа ҳужжатларни беришда кадрларнинг профессионал малакаси, тақдим этилган ҳужжатлар ва дастурларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга, бино ва иншоотларнинг — санитария-эпидемиологик талабларга ва ёнғин хавфсизлиги талабларига жавоб бермаслиги сабабли рад этишга йўл қўйилмайди.

Бунда, ваколатли давлат органлари тадбиркорлик субъектларига малакали кадрларни излаш, ҳужжатлар ва дастурларни қайта ишлаш учун мутахассисларни жалб қилиш ҳамда лицензиялар ва рухсат этиш хусусиятига эга бошқа ҳужжатларни олиш учун бошқа зарур шарт-шароитларни яратишда ёрдам беришлари лозим, талабгорнинг таклиф этилган ёрдамни рад қилиш ҳоллари бундан мустасно.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги уч ой муддатда ушбу бандда белгиланган тартибни жорий этиш бўйича таклифларни киритсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги Адлия вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда «UzTrans» ягона интерактив ахборот тизимида ташувчилар фаолиятини мониторинг ва назорат қилишнинг замонавий усулларини қўллашни ҳисобга олган ҳолда Вазирлар Маҳкамасига:

юк ташишни амалга оширишнинг бошланиши тўғрисида хабардор қилиш ва юкларни халқаро ташишни амалга оширувчи транспорт воситаларини «онлайн» рўйхатдан ўтказиш тартибини жорий этиш орқали автомобиль транспортида юкларни шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича ташишни амалга ошириш;

жисмоний шахсларга автомобиль транспортида йўловчиларни шаҳарда, шаҳар атрофида ва шаҳарлараро йўналишлар бўйича ташиш ҳуқуқини бериш бўйича таклифларни киритсин.

15. Ижтимоий ривожланиш соҳасида:

2020 йил охирига қадар 6 ёшли болаларни мактабга тайёрлаш тизимини жорий этган ҳолда, мактабгача таълим билан қамраб олиш даражасининг 60 фоизга етказилиши таъминлансин;

2020/2021 ўқув йилидан бошлаб умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчиларининг юкларини мақбуллаштирилсин, шунингдек, олий таълим муассасаларида асосий мутахассисликка алоқаси бўлмаган фанлар сони икки бараварга қисқартирилсин;

2020/2021 ўқув йилидан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига давлат гранти асосида ўқишга қабул қилиш бўйича давлат буюртмаси параметрлари босқичма-босқич икки бараварга оширилсин;

2020 йилда камида 5 та олий таълим муассасасини конкурс асосида танлаб, нуфузли хорижий олий таълим даргоҳлари билан ҳамкорликда уларни трансформация қилиш чоралари кўрилинсин;

2020 йилда математика, кимё-биология, геология каби йўналишларда фундаментал ва амалий тадқиқотлар фаоллаштирилиб, олимларга барча шарт-шароитларни яратиш чоралари кўрилсин;

2020 йил 1 сентябрга қадар илм-фаннинг ишлаб чиқариш билан фаол интеграциялашувини таъминлаш мақсадида фундаментал ва инновацион тадқиқотлар учун мақсадли грант маблағларини ажратиш механизми тубдан қайта кўриб чиқилсин;

2020 йилда мажбурий тиббий суғурта тизимини жорий этишга тайёргарлик ишлари якунига етказилсин ва келгуси йилда ушбу тизим тажриба тариқасида Сирдарё вилоятида ишга туширилсин;

2020 йилда давлат тиббиёт ташкилотлари ва аҳолини дори воситалари ҳамда тиббиёт буюмлари билан таъминланиши ўтган йилга нисбатан 1,3 бараварга кўпайтирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ушбу йўналишда белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида бажарилишини, шу жумладан Уй-жой кодексининг янги таҳрири, Экология кодекси лойиҳаси, «Сув таъминоти ва оқава хизматлар тўғрисида»ги ва «Кинематография тўғрисида»ги қонун лойиҳалари, Аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил этиш давлат дастури, Китобхонлик маданиятини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш миллий дастури, Илм-фан соҳасини ривожлантириш, Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, Ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимини ривожлантириш концепциялари, Қурилиш соҳасини ривожлантириш стратегияси ишлаб чиқилишини таъминлаш топширилсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда Ёшлар таълими ва аёллар бандлиги бўйича «Беш ташаббус» лойиҳаси доирасида 2020 йил 1 сентябрдан бошлаб алоҳида умумтаълим муассасаларида болаларни мактаб фанларига электрон ўқитиш бўйича, шу жумладан электрон синф журнали, ўқувчилар кундаликларини рақамлаштириш ва электрон материаллар кутубхонасини (дарслиklar, видео дарслар, виртуал лабораториялар ва бошқалар) ўз ичига олган тажриба тариқасида ахборот тизимларини қўғоз ҳужжатларни бекор қилган ҳолда жорий этсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда экспертлар, шу жумладан хорижий экспертлар иштирокида маълумотлар ҳақидаги фан, улкан маълумотлар, сунъий интеллект каби йўналишларда кадрлар тайёрлашни назарда тутган ҳолда, ахборот-коммуникация технологиялари ва рақамли иқтисодиёт соҳасидаги ўқув дастурлари қайта кўриб чиқилишини таъминласин.

18. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб республика олий таълим муассасалари талабаларига ўқув йили давомида тенг уллушларда камида тўрт маротаба ўқиш учун тўловларни амалга ошириш имконияти тақдим этилишини таъминласин.

19. 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети, Тошкент давлат юридик университети ва Тошкент давлат педагогика университетида тажриба тариқасида босқичма-босқич масофавий ўқитиш шакли жорий этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Адлия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 2020 йил 1 августга қадар масофавий ўқитиш шаклини амалга ошириш тартибини белгилаш, дастурий-аппарат комплексини яратиш, тегишли олий таълим муассасаларининг ўқув жараёнига масофавий ўқитиш платформасини жорий этиш ва ўрнатилган тартибда зарур бўлган ускуналар билан жиҳозлашни таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2021 йил 1 январга қадар тажриба натижаларини инобатга олган ҳолда олий таълим тизимига масофавий ўқитиш шаклини жорий этиш тўғрисидаги таклифларни ўқитишнинг ушбу шаклини амалга киритишнинг олий таълим муассасалари ва таълим йўналишлари кесимидаги графиги билан биргаликда киритсин.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 31 октябрдаги ПҚ-4502-сон қарорига асосан 2020 йил 1 январдан кейинги давр учун пенсияни ҳисоблашда меҳнат стажини тасдиқлаш ва иш ҳақи миқдорини белгилаш «Ягона миллий меҳнат тизими» идоралараро дастурий-аппарат комплексида мавжуд маълумотлар асосида амалга оширилиши маълумот учун қабул қилинсин.

Шундай тартиб жорий этилсинки, унга мувофиқ пенсияни ҳисоблаш учун меҳнат стажини тасдиқлаш ва иш ҳақи миқдорини белгилашда архив маълумотларини тақдим этмасдан:

2005 — 2016 йиллар даври учун жамғарилиб бориладиган пенсия тизимига мажбурий бадаллар тўғрисидаги маълумотлардан;

2016 — 2018 йиллар даври учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига ўтказилган суғурта бадалларини яқка тартибда ҳисобга олишнинг марказлаштирилган электрон реестри маълумотларидан;

2019 йил учун фуқаролар иш ҳақининг яқка тартибдаги ҳисобини юритишнинг марказлаштирилган электрон реестри маълумотларидан фойдаланилади.

Ушбу бандда кўрсатилган даврлар учун архив маълумотларидан фақат тизимларда зарур маълумотлар мавжуд бўлмаганда ёки фуқаронинг мурожаати асосида фойдаланилади. Фуқаро томонидан тақдим этилган ҳужжатларни текшириш ҳамда қўшимча архив маълумотларини талаб қилиб олиш зарурати бўлганда, фуқарога пенсия минимал миқдор бўйича сиртдан расмийлаштирилади ва кейинчалик қайта ҳисоб-китоб қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Молия вазирлиги ва Адлия вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда:

«Ягона миллий меҳнат тизими» идоралараро дастурий-аппарат комплекси орқали 2020 йил 1 январгача бўлган давр учун зарур маълумотларни ягона тизим орқали йиғиш мақсадида манфаатдор идораларнинг тизим ва маълумотлар базалари билан интеграция қилиниши, шунингдек, ушбу тизим тўлиқ ишлашини таъминлаш учун маълумотларни рақамлаштириш чораларини кўрсин;

фуқаролар учун уларга тайинланган пенсия тўловлари тўғрисидаги тегишли маълумотлар билан танишиш, шу жумладан автоматик ҳисоблаш имкониятини яратишни инобатга олган ҳолда пенсия тайинлаш ва тўлаш тартибини такомиллаштириш бўйича таклифларни киритсин.

21. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Адлия вазирлиги билан биргаликда, шунингдек, фуқароларнинг мурожаатлари ва иқтисодиётни рақамлаштириш бўйича вазифаларни ҳисобга олган ҳолда икки ой муддатда ўзини ўзи банд қилаётган фуқароларга вақтинчалик меҳнат гувоҳномалари бериладиган фаолият турлари (хизматлар, ишлар) рўйхатини қайта кўриб чиқиш, мазкур жараёнларни рақамлаштириш, «фрилансинг» (масофадан туриб ишлаш) имкониятларини оммалаштириш бўйича «йўл харитаси»нинг киритилишини таъминласин.

22. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2020 йил 1 ноябрдан «Давлат фуқаролик хизмати ягона электрон ахборот-таҳлилий тизими» дастурий-аппарат комплексини (кейинги ўринларда — дастурий-аппарат комплекси) жорий этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги билан биргаликда дастурий-аппарат комплексининг Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали ва бошқа зарур тизимларга интеграциялашувини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси, Олий аттестация комиссияси ва республикадаги олий таълим муассасалари раҳбарлари идоравий ахборот тизимлари ўз вақтида ва сифатли ишлаб чиқишини, уларнинг дастурий-аппарат комплекси билан интеграция қилинишини, шунингдек, ушбу тизим тўлиқ ишлашини таъминлаш учун маълумотларни рақамлаштириш чораларини кўрсин.

23. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда «Рақамли Ўзбекистон — 2030» дастури лойиҳасини ишлаб чиқишда бошқа масалалар билан бир қаторда қуйидагиларни назарда тутсин:

а) «Электрон ҳукумат» тизимини ривожлантириш йўналишида:

ахборот технологиялари соҳасида инсон капиталини ривожлантириш, кадрларни тайёрлаш ва улар малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш;

давлат хизматларини рақамли шаклга трансформация қилиш ва ахборот экотизимини ривожлантириш;

давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш;

б) маҳаллий IT-технологиялар бозори салоҳиятини ошириш йўналишида:

ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотларга қўйиладиган асосий функционал талабларнинг ягона реестрини белгилаган ҳолда давлат органлари ва ташкилотларида ушбу маҳсулотлардан фойдаланишга ўтиш;

ўрнатилган функционал талабларга мувофиқ келадиган маҳаллий ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотларнинг ягона базасини шакллантириш;

салоҳияти мавжуд олий таълим муассасаларида ахборот технологиялари ва дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш соҳасида лабораториялар, жумладан халқаро тан олинган илғор IT-компанияларни жалб қилган ҳолда ташкил этиш;

маҳаллий ахборот технологиялари ва дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқишни янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш;

в) давлат маълумотларини бошқариш тизимини яратиш йўналишида:

давлат бошқаруви соҳасида маълумотларни шакллантириш ва қайта ишлашга стандартлаштирилган ёндашувни жорий қилиш;

маълумотларни шакллантириш ва янгилаш бўйича жавобгарлик давлат органлари бўйича тақсимланган ҳолда, маълумотлар фақат битта давлат органи ёки унинг бўлинмаларида шакллантириладиган «маълумотларнинг ягона манбаи» тамойилини жорий этиш;

ҳужжатга йўналтирилган тизимдан маълумотларнинг реестр ёзувиغا асосланган тизимга босқичма-босқич ўтиш.

24. Давлат органлари, идоралар, барча корхона ва ташкилотларга «рақамли иқтисодиёт», замонавий ахборот технологиялари ва коммуникацияларини жорий қилиш ва ривожлантиришга масъул бўлган ходимларни хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчиларнинг касблари классификатори таълимнинг минимал даражаси ва касб бўйича малакавий разрядлар қисмига амал қилмаган ҳолда ишга жалб қилишга рухсат берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда ахборот технологиялари соҳасида халқаро сертификатга эга бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш тизимини яратиш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Бунда, ахборот технологиялари соҳасида халқаро сертификат олиш имтиҳонларини муваффақиятли топширган шахсларга харажатларни давлат томонидан қоплаш, ахборот технологиялари соҳасида халқаро сертификатга эга бўлган шахсларнинг республика олий таълим муассасаларида таълим олиш имкониятларини кенгайтириш назарда тутилсин.

25. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда «Беш ташаббус» лойиҳасини молиялаштириш доирасида «Рақамли технологиялар ўқув марказлари»да, «Ишга марҳамат» мономарказларида ва «Ёшлар технопарк»ларида ёшларга рақамли технологияларни ўргатиш бўйича махсус курсларни ташкил этиш чораларини кўрсин.

26. Инновацион ривожланиш вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи билан биргаликда рақамли иқтисодиётни ривожлантиришга ёшларнинг энг илғор лойиҳаларини жалб этиш мақсадида Тошкент шаҳрида «Халқаро ёшлар инновация форуми»ни ўтказиш ҳамда форум доирасида «Энг яхши лойиҳалар» танловини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

27. Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда қуйидагиларни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони ва қарори лойиҳаларини киритсин:

рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукумат ташкилий-институционал асосларини танқидий қайта кўриб чиққан ҳолда соҳада давлат бошқарувини такомиллаштириш;

«Электрон ҳукумат» тизимини такомиллаштириш йўналишида идоралараро электрон ҳамкорликни ривожлантириш, кўрсатилаётган электрон давлат хизматлари сифатини ошириш ва рўйхатини кенгайтириш, аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари билан бевосита алоқасиз ўзаро муносабатларни амалга ошириш шаклларини кенг қўллаш;

иқтисодиётнинг реал сектори тармоқларига ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотларни кенг жорий қилиш йўналишида молия-хўжалик фаолияти, маъмурий тартиботлар, ишлаб чиқариш, технологик ва бошқарув жараёнларида рақамли технологиялар ва автоматлаштирилган тизимларни яратиш;

телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш йўналишида Интернет тармоғидан кенг поласали фойдаланишни кенгайтириш, мобиль алоқа тармоғи ва бошқа замонавий телекоммуникация хизматларини ривожлантириш ва модернизация қилиш;

рақамли иқтисодиёт соҳасидаги лойиҳаларнинг амалга оширилишини молиялаштириш тизимини такомиллаштириш.

28. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ давлат хизматларини кўрсатувчи давлат органлари ва ташкилотларида ахборотларни шакллантириш, сақлаш ва қайта ишлаш «Электрон ҳукумат» тизимининг ягона идентификаторларини қўллаган ҳолда амалга оширилади.

29. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг Электрон ҳукуматнинг идоралараро ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотлари ягона реестрини (кейинги ўринларда — Ягона реестр), шунингдек, давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот тизимлари ва ресурсларида қўлланилиши мажбурий бўлган «Электрон ҳукумат» тизимининг ягона

идентификаторларини, маълумотномалар ва таснифлагичларнинг рўйхатларини (кейинги ўринларда — рўйхатлар) жорий этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

30. Белгилансинки:

Ягона реестрга идоралараро интеграциялашган ахборот тизимлари ва ресурслари, шунингдек, давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг манфаатлари йўлида ишлаб чиқиладиган бошқа дастурий маҳсулотлар киритилади;

давлат органлари ва бошқа ташкилотлар Ягона реестрга киритилган идоралараро интеграциялашган ахборот тизимлари ва ресурслари ҳамда бошқа дастурий маҳсулотларни жорий этиши ва улардан самарали фойдаланиши шарт.

31. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, «Ўзкомназорат» давлат инспекцияси, Киберхавфсизлик маркази икки ой муддатда Ягона реестр ва рўйхатларни шакллантириш ҳамда юритиш тартиби тўғрисидаги низом лойиҳасини тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин, бунда реестр ва рўйхатларнинг долзарб версияларини «Электрон ҳукумат» тизимига тақдим этиш учун масъул давлат органлари ва ташкилотлари кўрсатиб ўтилсин.

32. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси илм ва маърифат, ахборот технологиялари, меҳнат муносабатлари ва тадбиркорликни ривожлантириш учун зарур бўлган ахборотларни олиш имконияти асоссиз равишда чекланишига йўл қўймаслик мақсадида, шунингдек, халқаро стандартларни инобатга олган ҳолда 2020 йил 1 сентябрга қадар давлат сири деб ҳисобланган маълумотлар рўйхатини қайта кўриб чиқиш ҳамда кейинчалик уни махфийликдан чиқариш чораларини кўрсин.

33. Маълумот учун қабул қилинсинки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари ва Адлия вазирлиги томонидан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхоналари билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти тузилмасида парламентаризмни ривожлантириш бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ўқув марказини ташкил этиш масаласи ишлаб чиқилган бўлиб, у қуйидаги мақсадларга йўналтирилган:

хорижий мамлакатларнинг парламентлари ва бошқа манфаатдор давлат органлари билан биргаликда депутатлик корпуси ва сенаторлар ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари мутахассисларининг кўникмалари, малакаси ва салоҳиятини ошириш бўйича ўқув дастурларини рўйга чиқариш;

конун ижодкорлиги, парламент назорати, фуқароларнинг манфаатларини ифода этиш ва халқ билан очик мулоқотни йўлга қўйиш, конун ҳужжатларининг тартибга солиш таъсирини баҳолаш, норматив-ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш юқини маъқуллаштириш;

тегишли йўналишлар бўйича Ўзбекистон Республикаси ичида ва унинг ташқарисида масофавий ўқитиш учун таълим модуллари ва дастурларини ўз ичига олган ҳамда «Электрон парламент» тизими билан интеграциялашган «онлайн» тизим яратиш.

Белгилансинки, ўқув марказининг фаолият юритиши, таҳсил олувчилар ва хорижий давлатлар экспертларининг мамлакатда бўлиши билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети, халқаро ташкилотлар ва донорлар маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ушбу бандда қўзда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш учун 2020 йилги Давлат бюджети параметрлари доирасида белгиланган тартибда молиявий маблағлар ажратилишини таъминласин, 2021 йилдан эса ҳар йили бюджет маблағлари ажратилишини назарда тутсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига мазкур институтни ислоҳ қилишнинг ҳозирги босқичини ҳисобга олган ҳолда, унинг фаолияти самарадорлигини ошириш тўғрисида қўшма қарор қабул қилиш тавсия этилсин.

34. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири лавозимига номзод кўриб чиқиладиганда ва тасдиқланаётганда Вазирлар Маҳкамасининг яқин муддатга ва узоқ истиқболга мўлжалланган Ҳаракатлар дастури тақдим этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳар чорақда тегишли йил учун Давлат дастури билан узвий боғлиқликда Ҳаракатлар дастурининг вазирликлар, идоралар ва ҳудудлар кесимида бажарилиши ҳолатини ўз мажлисларида танқидий муҳокама қилиб борсин.

35. Ташқи ишлар вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ҳафта муддатда хорижий мамлакатлар билан 2020 йилда савдо-иқтисодий, инвестициявий, илмий-маърифий, маданий-гуманитар ва сиёсий соҳаларда, шунингдек, хавфсизлик соҳасида ҳамкорликни фаоллаштиришга қаратилган, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ва тадбиркорлик субъектлари учун тартиб-таомилларни соддалаштириш ва махсус қулай режимлар тақдим этишни назарда тутувчи аниқ чора-тадбирлар бўйича таклифларни киритсин.

36. Тўғридан-тўғри инвестицияларни, илғор тажриба ва замонавий технологияларни кенг жалб этиш учун қулай шарт-шароитларни яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, манфаатдор идоралар билан биргаликда Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик миссияларини фаол жалб этган ҳолда жаҳон мамлакатлари билан кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтириш, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг муассасалари, етакчи халқаро институтлар ва молия тузилмалари, шунингдек, минтақавий бирлашмалар билан узоқ муддатли шерикликни чуқурлаштириш юзасидан аниқ таклифлар ва амалий чора-тадбирларни тайёрлашни таъминласин.

37. «Юксалиш» умуммиллий ҳаракати ва «Тараққиёт стратегияси» марказининг қуйидагиларни амалга оширувчи «Халқаро мунозара клуби»ни ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин:

маҳаллий ва хорижий экспертларни жалб қилган ҳолда, ислохотларни амалга оширишнинг муҳим масалалари бўйича жамоатчилик муҳокамасини ўтказиш ва оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти самарадорлигини доимий равишда баҳолаб бориш тизимини йўлга қўйиш мақсадида аҳоли ва экспертлар ўртасида сўровлар ва ўрганишлар ўтказиб бориш;

илгари суриладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари бўйича уларнинг жамоатчилик муҳокамасини ҳисобга олган ҳолда асосланган таклифларни ишлаб чиқиш;

давлат органлари ва ташкилотларининг аҳоли олдидаги ҳисобдорлигини ошириш мақсадида жамоатчилик эшитувини мунтазам равишда ташкил этиш.

Белгилансинки, «Халқаро мунозара клуби» «Юксалиш» умуммиллий ҳаракати ҳузурида ташкил этилади.

38. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги «Юксалиш» умуммиллий ҳаракати ҳамда «Тараққиёт стратегияси» маркази билан биргаликда:

Давлат дастури амалга оширилишининг боришини тизимли мониторинг қилиш, уни сифатли ва ўз вақтида бажариш учун қўшимча чоралар кўриш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш;

Давлат дастури амалга оширилишининг бориши тўғрисидаги ахборотни ҳар ойда умумлаштириш ҳамда яқунларини аниқ кўрсаткичлар ва эришилган ижобий ўзгаришларни акс эттирган ҳолда ўз веб-сайтларида жойлаштириш;

мониторинг натижалари тўғрисидаги ахборотни ҳар ойда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиш;

Давлат дастурини амалга ошириш яқунларига бағишланган ахборот-таҳлилий шарҳларни тайёрлаш, уларни хорижий тилларда эълон қилиш ва кенг тарқатишни таъминласин.

39. Давлат дастури бандларини изчил ва ўз вақтида амалга оширилишини назорат қилиш куйидаги тартибда амалга оширилади:

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоят, туман, шаҳар халқ депутатлари Кенгашилари ўз ҳудудларида Давлат дастурини амалга ошириш бўйича ўн кун муддатда чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқади ва ҳар ойда ўз мажлисларида муҳокама қилиб боради;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳар ойда Давлат дастури бажарилишини Бош вазир ўринбосарлари ва маслаҳатчилари ҳузурида танқидий кўриб чиқади, ҳар чоракда Ҳукумат мажлисларида муҳокама қилиб боради ҳамда ўз вақтида ва тўлиқ бажарилмаган тадбирлар юзасидан масъул вазирлик ва идоралар раҳбарларига нисбатан тегишли чоралар кўради;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари ҳар чоракда Бош вазир ва Ҳукумат аъзоларининг Давлат дастури бажарилиши юзасидан ахборотларини эшитиб боради ҳамда бу борада Ҳукумат фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган таклифларни ишлаб чиқади;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Ҳисоб палатаси билан биргаликда ҳар ойда Давлат дастури бажарилишини назорат қилиб боради ҳамда унинг ўз вақтида ва тўлиқ ижро этилишини таъминлайди.

40. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Халқаро пресс-клуб, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси билан ҳамкорликда:

ушбу Фармоннинг мақсад ва вазифалари оммавий ахборот воситалари ва Интернет тармоғида кенг тушунтирилишини;

Давлат дастури амалга оширилишининг бориши тўғрисидаги ҳолис ва тўлиқ маълумотнинг кенг жамоатчиликка тезкорлик билан етказилишини таъминласин.

41. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда конун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

42. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2020 йил 2 март,  
ПФ-5953-сон

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил  
2 мартдаги ПФ-5953-сон Фармониغا  
ИЛОВА

**2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид**

**ДАВЛАТ ДАСТУРИ**

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, қутилаётган натижа
<b>I. ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙўНАЛИШЛАРИ</b>						
<b>1.1. Демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда Олий Мажлис палаталари, сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш</b>						
1.	Олий Мажлис Сенатининг конун ижодкорлиги ва парламент назоратидаги ролини ошириш.	2020 йил 1 июнь	Олий Мажлис Сенати (келишув асосида), халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашилари, ТИВ, Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти	—	—	Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари. Лойиҳаларда: Сенатга келиб тушган конуннинг жойлардаги муҳокамасини ташкил этишга оид аниқ механизмни белгилаш; Ўзбекистоннинг хорижий давлатлардаги элчилари ҳисоботини эшитиш амалиётини йўлга қўйиш; Сенат томонидан вазирлик ва идоралар раҳбарларининг долзарб ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича ҳисоботини мунтазам муҳокама қилиш амалиётини йўлга қўйиш;

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтилаётган натижа
						<p>парламент ва сенатор сўрови юборилган мансабдор шахнинг ўзи томонидан сўровга жавоб бериш тартибини белгилаш;</p> <p>сўровларни ҳудудлар манфаатидан келиб чиқиб шакллантириш, унинг натижасига оид ахборотни қўмита ва ялпи мажлисларда муҳокама қилиш тизимини жорий этиш;</p> <p>Сенатга маҳаллий Кенгашлар томонидан қабул қилинган қонунга зид қарорларни бекор қилиш ваколатини бериш;</p> <p>Сенатнинг ҳар бир қўмитаси ўз фаолият режасини ҳудудий муаммолардан келиб чиқиб шакллантириши амалиётини кенг йўлга қўйиш;</p> <p>аҳолини ташвишга солаётган муаммоларни тезкорлик билан ҳал қилиш мақсадида ўрганилган масалалар бўйича бевосита жойларга бориб, вазирлик ва идоралар раҳбарлари иштирокида Сенат кенгаши ва қўмиталарининг сайёр мажлисларини ўтказиш тизимини жорий этиш;</p> <p>БМТ Барқарор ривожланиш мақсадларини бажариш бўйича тасдиқланган индикаторларга эришилиши устидан мониторинг олиб бориш;</p> <p>Сенат томонидан ёшлар ва таълим масалалари бўйича тегишли чораларни белгилаш назарда тутилади.</p>

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтилаётган натижа
2.	Олий Мажлис Сенатининг маҳаллий Кенгашлар билан ҳамкорлигини янада кучайтириш.	2020 йил 1 июнь	Олий Мажлис Сенати, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари, Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти, Адлия вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, МТРК	—	—	Чора-тадбирлар дастури. Дастурда: Сенатда доимий асосда ишлайдиган сенаторларни маҳаллий Кенгашларга бириктириш; жорий йилда Самарқанд вилояти халқ депутатлари Кенгашининг фаолиятини «намунали Кенгаш» сифатида ташкил этиш; ижро органларини жойларда фаол ишлатиш мақсадида сенаторларнинг жойлардаги раҳбарлар ҳисоботини эшитиш, республика даражасида халқ қилинадиган масалаларни Сенат муҳокамасига киритиб боришни жорий этиш; Сенатда жорий этилган мажлисларни жонли эфир орқали намойиш қилиш борасидаги амалиётни маҳаллий Кенгашлар фаолиятига ҳам жорий этиш; маҳаллий Кенгашларда «Сенаторлар хонаси»ни ташкил этиш назарда тутилади.
3.	Сенатнинг Давлат бюджетини шакллантириш ва ижро жараёнлари устидан ҳудудлар манфаатидан келиб чиққан ҳолда назорат олиб бориш фаолиятини кучайтириш.	2020 йил 15 март	Олий Мажлис Сенати (келишув асосида), Вазирлар Маҳкамаси, Молия вазирлиги	280 млн сўм	Давлат бюджети маблағлари	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси. Лойиҳада: Олий Мажлис Сенатининг Давлат бюджети ижроси устидан назорат олиб бориши механизмини белгилаш; Олий Мажлис Сенатида давлат бюджети, иқтисодиёт, пул-кредит сиёсати масалаларида сенаторларга профессионал ва ҳолис ахборот-таҳлилий, экспертлик хизматини кўрсатувчи алоҳида тузилма ташкил этиш; ушбу тузилмага юқори малакали кадрларни жалб қилиш, 2020 йилда тузилманинг жорий таъминоти, ҳошимлар меҳнатига ҳақ тўлашга маблағ ажратиш назарда тутилади.

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтилаётган натижа
4.	Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фаолияти самарадорлигини янада ошириш.	2020 йил 1 май	Олий Мажлис Қонунчилик палатаси (келишув асосида), Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти	—	—	<p>Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва чора-тадбирлар дастури лойиҳалари.</p> <p>Лойиҳаларда:</p> <p>Қонунчилик палатаси ташкилий тузилмасини, хусусан унинг бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича тегишли тадбирларни белгилаб бериш;</p> <p>Қонунчилик палатаси мажлисларида давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг ўз фаолиятига доир масалалар юзасидан ахборотини эшитиш тизимини жорий қилиш;</p> <p>БМТ Барқарор ривожланиш мақсадларини бажариш, илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида Ҳукумат аъзолари ва тармок раҳбарларининг хисоботини мунтазам эшитиб бориш;</p> <p>инсон ҳуқуқларини химоя қилиш бўйича халқаро ташкилотлар тавсиялари ижросини таъминлаш юзасидан «йўл хариталари»ни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;</p> <p>йил якунига қўра қабул қилинган ҳар бир қонун халқ томонидан қандай баҳоланганини ва унинг самарадорлик даражасини мониторинг қилиш ҳамда мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича тегишли чораларни кўриш амалиётини шакллантириш;</p> <p>қонун лойиҳаларининг халқаро шартномаларга, Ўзбекистоннинг халқаро рейтинглардаги ўрнини яхшилаш бўйича тавсияларга мослигини ўрганиш амалиётини йўлга қўйиш назарда тутилади.</p>

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтилаётган натижа
5.	Тўғридан-тўғри амал қилувчи қонунларни қабул қилиш амалиётини кенгайтириш, ижтимоий муносабатларни қонунлар билан тартибга солиш даражасини ошириш.	2020 йил 1 апрель	Олий Мажлис палаталари (қелишув асосида), Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти, Адлия вазирлиги	—	—	Олий Мажлис палаталари Кенгашларининг қўшма қарори лойиҳаси. Лойиҳада Олий Мажлис палаталарининг «Тўғридан-тўғри амал қилувчи қонунларда тизимлаштирилиши ва унификация қилиниши лозим бўлган қонун ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш бўйича «йўл харитаси»ни бугунги кун талаблари асосида қайта кўриб чиқиш ва тасдиқлаш назарда тутилади.
6.	Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларнинг фаоллигини ошириш.	2020 йил 1 май	Олий Мажлис Қонунчилик палатаси (қелишув асосида), Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти	—	—	Чора-тадбирлар дастури. Дастурда: сайловолди учрашувларда аҳоли томонидан кўтарилган долзарб масалаларни ҳал этиш бўйича аниқ дастур ва «йўл харита»ларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни мутасадди идоралар билан ҳамкорликда тўлиқ амалга ошириш; фракцияларнинг қонун ижодкорлиги фаолияти бўйича жорий ва истиқболли дастурларини ишлаб чиқиш; илгари сурилаётган ҳар бир таклифни сайловчилар билан муҳокама қилиш тизимини йўлга қўйиш масалалари назарда тутилади.
7.	Парламент текшируви институтидан самарали фойдаланишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш.	2020 йил 1 апрель	Олий Мажлис палаталари (қелишув асосида), Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти	—	—	Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси. Лойиҳада Қонунчилик палатаси ва Сенатга ўзларининг алоҳида қарори билан парламент текшируви ўтказиш ва тегишли комиссиялар тузиш ваколатини бериш назарда тутилади.

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтилаётган натижа
8.	Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектларининг қонун ижодкорлиги жараёнидаги ташаббускорлиги ва масъулиятини ошириш.	2020 йил 1 июнь	Олий Мажлис Қонунчилик палатаси (қелишув асосида), Адлия вазирлиги, Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари	—	—	Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси. Лойиҳада: қонунчилик ташаббуси ҳуқуқини амалга оширишнинг аниқ тартибини белгилаш; қонун лойиҳалари биринчи ўқишда қабул қилинаётганда маъруза билан чиқиш вазифасини, қонун тартиқасида, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъекти ёки унинг вакили зиммасига юклаш; мазкур қондани амалга ошириш механизмини белгилаш, жумладан ташаббускор идора қонун лойиҳасининг аҳамиятини депутатлар олдида асослаб бера олмаган ҳолларда лойиҳани кўриб чиқишни рад этиш тартиби назарда тутилади.
9.	Олий Мажлис палаталари фаолиятдан жамоатчилик хабардорлигини ошириш ишларини тизимли йўлга қўйиш.	Йил давомида	Олий Мажлис палаталари (қелишув асосида), МТРК	—	—	Амалий чора-тадбирлар. Бунда парламентнинг ҳар бир тадбири ҳақидаги ахборотлар палаталарнинг расмий веб-сайтлари ва бошқа оммавий ахборот воситаларида тизимли ёритилишини таъминлаш назарда тутилади.

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтилаётган натижа
10.	«Электрон парламент» тизими лойиҳаларини амалга ошириш.	2020 йил 1 май	Олий Мажлис палаталари (келишув асосида), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги, Молия вазирлиги	Ҳисоб-китобларга асосан	Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатига ажратилган бюджет маблағлари, Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси	Чора-тадбирлар режаси. Режада Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатиди: парламент ва депутат сўровларини жамоавий мурожаатлар асосида Интернет тармоғида шакллантириш имкониятини яратиш; депутатларни ўз сайловчилари билан боғлаш, шу жумладан улар билан тўғридан-тўғри мулоқот олиб бориш, амалга оширилаётган ишлар, кўриб чиқиладиган ҳужжатлар ва сайловчиларни қийнаётган муаммоларни муҳокама қилиш имкониятини берадиган электрон портал ва мобиль иловаларни ишга тушириш; тизимда депутатларни аниқ бир округга бириктириш, округ доирасидаги фаолияти бўйича ҳисобот бериб боришни йўлга қўйиш ҳамда уни Ўзбекистон Республикаси Президенти Виртуал ва Халқ қабулхоналарининг ахборот тизимлари, бошқа интерактив порталлар билан интеграция қилиш; Сенатнинг расмий веб-сайтини такомиллаштириш, унда фуқаролар томонидан сенаторга электрон мурожаат юбориш ва фуқаролар билан «қайта алоқа» имкониятларини яратиш назарда тутилади.
11.	«Электрон парламент» тизими доирасида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича баҳолаш ва рейтинг тизимини жорий этиш.	2020 йил 1 август	Олий Мажлис Қонунчилик палатаси (келишув асосида), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги, Молия вазирлиги	—	—	Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Кенгаши қарори лойиҳаси. Лойиҳада депутатларнинг конун ижодкорлиги ва парламент назорати соҳасидаги фаолиятини баҳолашнинг электрон тизимини ишлаб чиқиш ва «Электрон парламент» тизимига жорий этиш назарда тутилади.

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтиллаётган натижа
12.	Олий Мажлис ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари парламент тадқиқотлари институти фаолиятини тубдан такомиллаштириш.	2020 йил 1 май	Олий Мажлис палаталари (келишув асосида), Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти, Молия вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги	Ҳисоб-китобларга асосан	Давлат бюджети маблағлари	Олий Мажлис палаталари Кенгашларининг қўшма қарори лойиҳаси. Лойиҳада: институтнинг ташкилий тузилмасини қайта кўриб чиқиш; малакали мутахассис ва олимларни жалб қилиш учун зарур шароитларни яратиш, шу жумладан институтнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида алоҳида бино билан таъминлаш; Қонунчилик палатасига киритилган ҳар бир қонун лойиҳаси юзасидан Институтнинг илмий-ҳуқуқий хулосасини олиш амалиётини кенг жорий қилиш; олимлар, фуқаролар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари ўртасида биринчи ўқишдан ўтган қонун лойиҳалари бўйича жонли муҳокамани ўтказиш юзасидан платформа ташкил этиш; қабул қилинган қонунларнинг амалиётдаги таъсирчанлигини ўрганиб бориш, жумладан муайян соҳадаги қонунчиликни ўрганишда жамоатчилик орасида сўровлар ўтказиш амалиётини йўлга қўйиш; «Қонунчилик муаммолари ахборотномаси» даврий нашрини ташкил этиш назарда тутилади.

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтилаётган натижа
13.	Хорижий мамлакатлар билан муносабатларни ривожлантиришда парламентнинг ролини янада кучайтириш.	2020 йил 1 сентябрь	Олий Мажлис палаталари(келишув асосида), ТИВ, Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти, Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси, Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти	—	—	Олий Мажлис палаталари Кенгашларининг қўшма қарори лойиҳаси. Лойиҳада: Парламент дипломатияси концепциясини тасдиқлаш; хорижий давлатлар билан ҳамкорлик масалаларида хар йиллик дастурларни қабул қилиш ва уларнинг ижросини қатъий назоратга олиш амалиётини жорий этиш; Парламентлараро Иттифок, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Парламент ассамблеяси, МДХ парламентлараро ассамблеяси билан ўзаро ҳамкорликнинг аниқ ва узоқ муддатли иш режаларини тасдиқлаш назарда тутилади.
14.	Қонун нормаларининг Конституцияга мувофиқлигини ўрганиш юзасидан Конституциявий судга мурожаат қилиш тартибини соддалаштириш, унинг субъектлари доирасини кенгайтириш.	2020 йил 1 июль	Конституциявий суд, Олий Мажлис палаталари (келишув асосида), Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти	—	—	Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси. Лойиҳада: Конституциявий судда қонунларнинг Конституцияга мувофиқлигини кўриб чиқиш учун масала киритиш ҳуқуқига эга бўлган субъектлар қаторига фуқаролар ва юридик шахсларни; Конституциявий судда ўрганиб чиқиш учун масала киритиш ҳуқуқига эга бўлган субъектлар қаторига Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий марказини киритиш назарда тутилади.

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтиллаётган натижа
15.	Халқ депутатлари Кенгашларининг фаолиятини кучайтириш ва назорат соҳасидаги ваколатларини кенгайтириш.	2020 йил 1 июль	Олий Мажлис Сенати (келишув асосида), халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари, Адлия вазирлиги	—	—	<p>Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси.</p> <p>Лойиҳада:</p> <p>вилоят ва туман ҳокимлари ўз дастурлари ва уларнинг ижроси тўғрисида халқ депутатлари вилоят Кенгашларида ҳисобот беришини назарда тутувчи тизимни жорий қилиш;</p> <p>маҳаллий Кенгашларга вазирлик ва идоралар ҳудудий бўлинмалари раҳбарларининг ўз лавозимига лойиқлиги юзасидан тегишли вазирлик ва идораларга таклиф киритиш ваколатини бериш;</p> <p>маҳаллий вакиллик органлари фаолиятида Кенгаш сўрови институтини жорий қилиш;</p> <p>маҳаллий Кенгашларнинг доимий асосда ишлайдиган қотибиятларини ташкил этиш;</p> <p>вилоятлар ва туманлар ҳокимлари томонидан ижтимоий-иқтисодий дастурларни тегишинча Сенат ва маҳаллий Кенгашларда муҳокамадан ўтказиш ва ҳимоя қилиш амалиётини жорий қилиш;</p> <p>концепция, стратегия ва бошқа қарорлардаги индикаторлар ва мақсадли параметрлар ижроси бўйича ҳокимларнинг оммавий ахборот воситалари ва жамоатчиликка мунтазам ахборот бериши;</p> <p>маҳаллий Кенгашлар фаолиятининг очиқлигини таъминлаш чораларини кўриш назарда тутилади.</p>

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтиллаётган натижа
16.	Аҳолининг электорал маданиятини юксалтириш концепциясини ишлаб чиқиш.	2020 йил 1 октябрь	Адлия вазирлиги, Марказий сайлов комиссияси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти, Фуқаролик жамиятини ривожлантириш маркази, Давлат бошқаруви академияси	—	—	Чора-тадбирлар дастури. Дастурда: сайловчиларнинг сайлов жараёнида фаол иштирокини таъминлашга қаратилган сиёсий-ҳуқуқий маданиятини оширишнинг устувор йўналишлари; «Бир сайловчи — бир овоз» тамойили асосида кўпчилик учун овоз бериш амалиётига чек қўйишга қаратилган чора-тадбирлар; сайловчилар томонидан Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати тизимида ўзига оид маълумотларни текшириш, сайлов участкасини аниқлаштиришга доир интерактив давлат хизматларидан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш бўйича тадбирлар назарда тутилади.

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтилаётган натижа
17.	Сайлов тизимини янада такомиллаштириш чораларини кўриш.	2020 йил 1 июнь	Марказий сайлов комиссияси, Олий Мажлис палаталари (қелишув асосида), Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги	—	—	<p>Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси. Лойиҳада: сайловларни молиялаштириш манбаларини кенгайтиришга оид масалаларни ўрганиш ва мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича парламент комиссияларини тузиш; маҳаллий ва хорижий экспертлар, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда сайлов тизимини янада такомиллаштиришга оид форумлар ўтказиш; маҳаллий Кенгашларга сайлов ўтказишнинг уч поғонали тизимини оптималлаштириш масалаларини ўрганиш; хорижда овоз бериш жараёнини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва амалга киритиш; туман ва шаҳар сайлов комиссияларининг ролини ошириш; халқаро ташкилотлар ва кузатувчиларнинг таклиф ва тавсияларини чуқур ўрганиб, сайлов жараёнини такомиллаштириш бўйича аниқ таклифларни ишлаб чиқиш; сайлов жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллаш назарда тутилади.</p>

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтилаётган натижа
18.	Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати ва Сайлов жараёнини бошқариш ахборот тизимини такомиллаштириш.	2020 йил 1 ноябрь	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Давлат персоналлаштириш маркази, Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги, Ички ишлар вазирлиги, «Давергеодезкадастр» қўмитаси, Адлия вазирлиги, Марказий сайлов комиссияси, вазирлик ва идоралар	—	—	Чора-тадбирлар дастури. Дастурда: Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатидаги маълумотларни янгилаб бориш регламентини тасдиқлаш; вазирлик ва идораларнинг маълумотлар базалари билан интеграциялашувини тўлиқ яқунлаш; реал вақт режимида маълумотлар алмашинувини йўлга қўйиш орқали Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатидаги маълумотлар долзарблигини таъминлаш; вилоят ва туман (шаҳар) сайлов комиссияларининг аъзолари, депутатлар, шунингдек, сертификатланган тренерлар ҳақидаги маълумотларни киритиш, жамлаш ва сақлашни назарда тутувчи модулларни ишлаб чиқиш; ишлаб чиқилган модуллар ёрдамида барча турдаги статистик маълумотларни шакллантириш ва юклаб олиш, бўшаб қолган депутатлик ўринларига сайловлар ўтказиш назоратини амалга ошириш имкониятини яратиш назарда тутилади.
19.	Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат ноғижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди фаолияти такомиллаштириш.	2020 йил 1 июль	Олий Мажлис палаталари (келишув асосида), Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги	—	—	Олий Мажлис палаталари Кенгашларининг қўшма қарори лойиҳаси. Лойиҳада: жамоат фондининг ташкилий тузилмасини қайта кўриб чиқиш; ижтимоий шериклик механизмларини фонд фаолиятида кенгайтириш; жамоат фонди томонидан грант лойиҳаларни жалб қилиш тартибини такомиллаштириш назарда тутилади.

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтилаётган натижа
20.	«Mening fikrim» веб-портали фаолиятини янада такомиллаштириш.	2020 йил 1 май	Олий Мажлис палаталари (келишув асосида), Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти, Молия вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги	Ҳисоб-китобларга асосан	Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари	Олий Мажлис палаталари Кенгашларининг қўшма қарори лойиҳаси. Лойиҳада: «Mening fikrim» веб-портали орқали электрон жамоавий мурожаат қилиш ва уларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги, шу жумладан ташаббусларни кўриб чиқиш, қабул қилиш ва рад этиш жараёнининг шаффофлигини таъминловчи янги низомни тасдиқлаш; веб-порталнинг ҳисоботлар ва статистика модулини такомиллаштириш, фойдаланувчиларга қулайлик яратиш мақсадида веб-порталнинг мобиль иловасини яратиш ва порталдан фойдаланиш тартибини соддалаштириш; веб-порталга келиб тушаётган мурожаатларни оммавий ахборот воситаларида депутатлар, мутахассислар, кенг жамоатчилик иштирокида муҳокама қилиш учун кўрсатув ва эшиттиришлар ташкил этиш назарда тутилади.
21.	Ёшларнинг қонун ижодкорлиги жараёнидаги иштирокини янада кенгайтириш.	2020 йил 1 июнь	Олий Мажлис палаталари (келишув асосида), Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти	—	—	Олий Мажлис палаталари Кенгашлари қарорлари лойиҳалари. Лойиҳаларда: Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузурида ҳамда Сенати ҳузурида Ёшлар парламентларини ташкил этиш ва уларнинг таркибларини шакллантириш тартибини белгилаш; Ёшлар парламентларининг Олий Мажлис палаталари кўмиталари билан ўзаро алоқасини йўлга қўйиш; Ёшлар парламентлари аъзоларининг қонунчилик ҳамда парламент назоратини амалга ошириш жараёнларида фаол иштирок этишини таъминлаш назарда тутилади.

**1.2. Давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш**

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтилаётган натижа
22.	Давлат фуқаролик хизматини ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирларни ишлаб чиқиш.	2020 йил 1 апрель	Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги, Меҳнат вазирлиги, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги	Ҳисоб-китобларга асосан	Давлат бюджети маблағлари	Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳаси. Лойиҳада: давлат фуқаролик хизмати жорий қилинадиган давлат органлари ва ташкилотлари рўйхатини тасдиқлаш; давлат фуқаролик хизмати лавозимларининг давлат реестрини тасдиқлаш; давлат фуқаролик хизмати лавозимлари классификаторининг тузилиши (матрицаси)ни белгилаш; лавозимлар ва таркибий бўлинмаларнинг номланишига оид ягона талабларни жорий этиш; кадрлар бўлинмаларининг номланиши, тузилиши ва штат бирликларини унификациялаш; давлат фуқаролик хизматчиларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини жорий этиш; тажриба тариқасида қатор вазирлик ва идораларда: давлат фуқаролик хизматини ўташ тартибини; давлат фуқаролик хизматчилари вакант лавозимларини эгаллаш учун танлаб олиш тизимини; давлат фуқаролик хизматчиларининг унификациялашган меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини жорий этишни белгилаш назарда тутилади.

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтилаётган натижа
23.	Мутахассисларни хорижда тайёрлашни ташкил этиш тизимини тубдан такомиллаштириш ва давлат фуқаролик хизматчилари салоҳиятини ривожлантириш бўйича янги механизмни йўлга қўйиш.	2020 йил 1 апрель	Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги, «Эл-юрт умиди» жамғармаси, вазирлик ва идоралар	Ҳисоб-китобларга асосан	Давлат бюджети, Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси. Лойиҳада: хорижда мутахассисларнинг таълим олишини ташкил этиш тизимини тубдан оптималлаштириш; таълим дастурлари бўйича номзодлар танлови мунтазам асосда ва Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари учун, уларнинг республикадаги иш ва ўқиш жойидан қатъи назар очиқ тарзда амалга ошириш; малака ошириш бўйича таълим дастури республика вазирликлари, идоралари ва ташкилотларининг тўғридан-тўғри бунёдлари асосида истиқболли ва талаб юқори бўлган мутахассисликлар бўйича амалга ошириш; 2020 йилдан бошлаб соҳадаги илғор хорижий таълим технологиясидан фойдаланган ҳолда ҳамда давлат хизматчиларини 6 ойгача бўлган муддатда хорижий тилларга интенсив равишда ўқитиш бўйича янги таълим дастурини жорий этиш назарда тутилади.

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтилаётган натижа
24.	Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси фаолиятини тубдан такомиллаштириш.	2020 йил 1 апрель	Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги, Давлат бошқаруви академияси, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги	Ҳисоб китобларга асосан	Давлат бюджети маблағлари	Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони лойиҳаси. Лойиҳада: Академиянинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишларини такомиллаштириш; Давлат фуқаролик хизматчиларининг малакасини ошириш ташкилий-услубий марказини ташкил этиш; Академияда ўқув жараёнига халқаро таълим стандартлари ва замонавий ўқитиш усулларини жорий этиш; ҳар йили Академия магистратураси ва қайта тайёрлаш курсларига давлат грантлари бўйича умумий қабул квоталарининг камида 30 фоизи аёллар учун ажратилиши; давлат фуқаролик хизматчиларини белгиланган квоталардан ташқари очиқ танлов йўли орқали тўлов-контракт асосида Академияда тайёрлаш ва қайта тайёрлаш назарда тутилади.

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтилаётган натижа
25.	Ёшларни давлат хизматида кизиштириш орқали ватанпарвар ёш кадрлар захирасини шакллантириш.	2020 йил 1 апрель	<p>Давлат хизматларини ривожлантириш агентлиги, Ёшлар иттифоқи, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари</p>	—	—	<p>Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳаси. Лойиҳада: ёшлар, хусусан мактабнинг юқори синф ўқувчилари, лицей, коллеж ва олий таълим муассасалари талабаларининг давлат хизматида кизиқшини ошириш; ёшларнинг онгида давлат хизмати жозибдорлигини ошириш, уларда бу бўйича амалий кўникма ва дастлабки билимларни ошириш; ёшларда ватанга садоқат ва хизмат руҳини вужудга келтириш орқали келгуси ватанпарвар ёш давлат хизматчилари қатламини шакллантириб бориш; ёшлар учун ўзи кизиққан йўналишдаги назарий билимларини амалиётда қўллаш учун республика ва ҳудудий давлат ташкилотларида ўз хоҳишига кўра қўнгилли сифатида икки ҳафталик амалиёт ўташига ушбу ташкилот раҳбарлари томонидан имконият яратиб бериш; ёшлар билан бевосита давлат ташкилотлари раҳбарлари ўртасида ташкилотга ёшларнинг ташриф буюриши орқали ўзаро муҳокама ва савол-жавобларга асосланган учрашувлар ҳамда ташкилот бўйлаб экскурсиялар ташкил этиб бориш назарда тутилади.</p>

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтилаётган натижа
26.	Вазирлар Маҳкамаси фаолиятида халқ билан мулоқот қилишнинг «қайта алоқа» воситаларини кенг жорий қилиш.	2020 йил 1 апрель	Вазирлар Маҳкамаси, Адлия вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, вазирлик ва идоралар	—	—	Чора-тадбирлар дастури. Дастурда: Ҳукумат қарорлари ижросини ташкил этишда кенг жамоатчилик фикрини ўрганиш амалиётини йўлга қўйиш; ижтимоий тармоқларда Ҳукумат қарорлари ижроси бўйича аҳоли фикрини ўрганиш учун махсус саҳифалар очиш; ҳокимларнинг тадбиркорликка оид қарорларини Ҳукумат томонидан мониторинг қилиб бориш ва унинг натижалари юзасидан тегишли чораларни кўриш механизмларини ишлаб чиқиш назарда тутилади.
27.	Тармоқ ва ҳудуд раҳбарлари фаолиятини самарали ташкил этиш учун илғор хорижий тажриба асосида замонавий менежмент тизимини жорий этиш.	2020 йил 1 июнь	Вазирлар Маҳкамаси, Давлат хизматларини ривожлантириш агентлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Адлия вазирлиги, Меҳнат вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	—	—	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси. Лойиҳада: ҳар бир соҳани ўрта ва узоқ истиқболда ривожлантириш бўйича аниқ режа ва дастурларни ишлаб чиқиш; вазирлик ва идоралар кўрсаткичлари билан биргаликда ҳар бир вилоят ва тумандаги ижро органлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини жорий этиш; Вазирлар Маҳкамасининг иқтисодий-ижтимоий ривожланиши муҳим масалаларига оид йўналишларида ҳокимлар ва ҳудудий идоралар раҳбарлари фаолиятининг самарадорлигига баҳо бериш тизимини яратиш; ушбу тизимни халқаро рейтинг ва индекс кўрсаткичлари билан уйғунлаштириш назарда тутилади.

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтиляётган натижа
28.	Маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш чораларини кўриш.	2020 йил 1 июль	Олий Мажлис Сенати (келишув асосида), Вазирлар Маҳкамаси, Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт ва sanoat вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	—	—	Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари. Лойиҳаларда: ҳокимларнинг ваколатларини қайта кўриб чиқиш ва уларга хос бўлмаган ҳамда такрорланувчи функцияларни тегишли органларга ўтказиш; ҳокимлар ва уларнинг ўринбосарлари, ҳокимлик аппарати таркибий бўлинмалари функционал вазифаларининг намунавий Низомларини тасдиқлаш; ҳокимлар фаолиятини баҳолаш бўйича аниқ мезонларни ва мақсадли вазифаларни ишлаб чиқиш; маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолиятини комплекс баҳолаш тизимини яратиш мақсадида Худудларнинг ривожланиш индексини ишлаб чиқиш; мазкур индексдан келиб чиқиб, худудларга оид сиёсатни белгилаш, маҳаллий бюджетларга молиявий кўмак бериш ҳамда раҳбарларни рағбатлантириш масалаларини ўрганиш назарда тутилади.
29.	Қонун ҳужжатлари ижросини назорат қилиш тизимини ва бу борадаги ёндашувларни такомиллаштириш, вазифа ва топшириқлар натижадорлигини танқидий таҳлил қилишнинг таъсирчан механизмларини жорий қилиш.	2020 йил 1 апрель	Вазирлар Маҳкамаси, Адлия вазирлиги, Ҳисоб палатаси	—	—	Амалий чора-тадбирлар режаси. Бунда: ҳар бир топширикнинг ижро этилгани эришилган пировард натижага қараб баҳолаш механизмлари; қонун ҳужжатлари ижросини тўғри ташкил этиш орқали амалга ошириляётган ислохотларнинг ҳар бир туман ва кишлоққа, чекка худудларгача етиб боришини таъминлаш тизими; барча даражадаги ижро органларида интизомни кучайтириш, белгиланган вазифа ва топшириқлар натижадорлигини танқидий таҳлил қилишнинг таъсирчан механизмларини жорий этиш назарда тутилади.

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтилаётган натижа
30.	Республика даражасида қарорлар қабул қилишда маҳаллий ҳокимликларнинг иштирокини таъминлаш.	2020 йил 1 апрель	Вазирлар Маҳкамаси, Адлия вазирлиги	—	—	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси. Лойиҳада ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва маҳаллий дастурларга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан келишиш тартибини жорий қилиш назарда тутилади.
31.	Самарасиз фаолият юритаётган идоралараро коллегиял органлар ишини қайта кўриб чиқиш.	2020 йил 1 сентябрь	Адлия вазирлиги, вазирлик ва идоралар	—	—	Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари. Лойиҳаларда: комиссиялар ва ишчи гуруҳлар самарадорлигини таҳлил қилиш ҳамда натижаси бўйича уларни келгусида қисқартириш ва оптималлаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш; самарасиз фаолият юритаётган идоралараро коллегиял органларни қисқартириш назарда тутилади.

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтирилган натижа
32.	Давлат органлари фаолияти ҳамда амалга ошириладиган ислохотларнинг оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминлаш.	2020 йил 1 апрель	Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, МТРК, Ўзбекистон Ахборот агентлиги, вазирлик ва идоралар	—	—	Чора-тадбирлар дастури. Дастурда: ижро ҳокимияти органлари иқтисодий, ижтимоий ва маънавий соҳалардаги ислохотлар, қабул қилинаётган ҳужжатлар мазмун-моҳияти ҳамда уларнинг ижроси ҳақида халқимизга содда ва раван тилда тушунтириш; оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар, веб-сайтлардан кенг фойдаланиш, матбуот анжуманлари, брифинглар, медиа-турлар ташкил этиш; ҳукумат, вазирлик ва идоралар, ҳудудлар раҳбарлари оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқларда қўтирилаётган долзарб масалалар бўйича тезкор чоралар қўриши ва уларга принципиал муносабат билдириш тизимини йўлга қўйиш; маълумотлар очиқлиги борасидаги ишларни танқидий қўриб чиқиб, веб-сайтлар ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларда маълумотларни мунтазам жойлаштириш ва янгилаб бориш; мазкур йўналишдаги ишларни самарали ташкил этиш учун ҳар бир идора ўзининг медиа дастурини ишлаб чиқиши ва Ҳукумат томонидан уларнинг ижросини қатъий назорат қилиш назарда тутилади.
33.	Тадбиркорлар муурожаатларини қўриб чиқиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Бош вазири виртуал қабулхонаси ахборот тизими — «business.gov.uz» Ягона интерактив портални моддий-техник жиҳатдан такомиллаштириш.	2020 йил 1 июль	Вазирлар Маҳкамаси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги, Молия вазирлиги	Ҳисоб-китобларга асосан	Бюджет маблағлари, грантлар ва бошқа маблағлар	Чора-тадбирлар режаси. Режада: портални модернизация қилиш бўйича техник талабларни ишлаб чиқиш; тизим ва мобиль илованинг талабларини ўрганиш ва таҳлил қилиш; ўтказилган ўрганишлар асосида талабларни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш назарда тутилади.

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтилаётган натижа
34.	Давлат мукофотлари билан тақдирланганлар орасида энг обрўли ва хурматга эга шахсларнинг фаолияти, эришган ютуқлари ва ҳаётий тажрибасини кенг жамоатчилик, айниқса ёшлар ўртасида тарғиб қилиш тизимини йўлга қўйиш.	2020 йил 1 июль	Республика Маънавият ва маърифат маркази, Маданият вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, «Ўзбеккино» Миллий агентлиги, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Журналистлар уюшмаси, МТРК, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ёшлар иттифоқи	—	—	Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси. Лойиҳада: «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони ва юқори даражадаги орденлар соҳиблари ҳаёти ва фаолиятига бағишланган манзилли тарғибот-ташвиқот тадбирларини ўтказиш; «Мустақил Ўзбекистон Қаҳрамонлари» номли альбом-китоб тайёрлаш; таълим муассасалари ўқувчилари ва талабалари ўртасида «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони ва юқори даражадаги орденлар соҳиблари ҳаёти ва фаолиятига бағишланган танловларни ўтказиш; бугунги кун қаҳрамонлари ҳаёти ва фаолиятига бағишланган телекўрсатувлар тайёрлаш, радиовикториналар ўтказиш, хужжатли фильмлар яратиш, юртимиз музейларида фото-кўргазмалар ташкил қилиш, уларни республика микёсида кенг ёритиш; ижтимоий тармоқларда Ўзбекистон Қаҳрамонлари фаолиятини ёритишга қаратилган веб-сайтлар яратиш ва бошқа тадбирларни амалга ошириш назарда тутилади.
<b>1.3. Жамоатчилик бошқаруви тизимини такомиллаштириш</b>						
35.	Жамоатчилик назоратини янада кучайтириш, давлат ва жамият ўртасида ўзаро яқин ҳамкорликни ўрнатиш.	2020 йил 1 июнь	Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича маслаҳат кенгаши, Адлия вазирлиги, Олий Мажлис палаталари (келишув асосида), Фуқаролик жамиятини ривожлантириш маркази	—	—	Норматив-ҳуқуқий хужжат лойиҳаси. Лойиҳада: Жамоатчилик палатасини ташкил этиш ва унинг функционал вазибаларини белгилаш; мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётига оид ва жамоатчиликда алоҳида қизиқиш уйғотадиган ўта муҳим масалаларга доир қарорларни қабул қилишда жамоатчилик билан маслаҳатлар, жамоатчилик эшитувларини ўтказиш амалиётини йўлга қўйиш назарда тутилади.

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтилаётган натижа
36.	Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг ўрта ва узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган стратегиясини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	2020 йил 1 май	Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича маслаҳат кенгаши, Фуқаролик жамиятини ривожлантириш маркази, «Юксалиш» умуммиллий ҳаракати, Адлия вазирлиги	—	—	Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони лойиҳаси. Лойиҳа билан қуйидагиларни назарда тутувчи фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг ўрта ва узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган стратегияси тасдиқланади: фуқаролик жамияти ривожланишининг назарий, концептуал ва методологик асослари; Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг миллий модели; фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг стратегик йўналишлари ва бошқалар.
37.	Давлат органларида халқ билан мулоқот ва мурожаатлар билан ишлаш тизими самарадорлигини ошириш.	2020 йил 1 август	Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Олий Мажлис палаталари (келишув асосида), Вазирлар Маҳкамаси, Адлия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	—	—	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси. Лойиҳада: давлат бошқаруви органлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарларининг мурожаатлар билан ишлаш ҳолати бўйича ҳисоботларини парламент ва маҳаллий Кенгашларда мунтазам равишда эшитиш тартибини жорий қилиш; ҳар бир депутат томонидан Халқ қабулхоналари билан доимий ҳамкорлик ўрнатиб, ўз ҳудудида яшаётган аҳоли муаммоларини ечишда фаол иштирок этиш амалиётини йўлга қўйиш; давлат органларида халқ билан мулоқот ва мурожаатлар билан ишлаш тизими самарадорлигини баҳолаш механизмини ишлаб чиқиш; давлат органлари раҳбарлари ва ҳокимларнинг мурожаатлар билан ишлаш бўйича ҳисоботини парламент ва халқ депутатлари

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтилаётган натижа
						<p>кенташларида мунтазам эшитиш тизимини йўлга қўйиш;</p> <p>мавжуд штат бирликлари доирасида барча давлат органларида бевосита раҳбарга бўйсунувчи муружаатлар билан ишлаш бўйича алоҳида бўлинмалар ташкил этиш;</p> <p>муружаатлар билан ишлаш бўлинмалари ходимларини ҳар уч йилда бир марта аттестациядан ўтказиш;</p> <p>давлат органларининг муружаатлар билан ишлаш бўлинмаси ходимларини лавозимга тайинлаш ва озод этиш масалаларини тегишли равишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги Халқ қабулхоналари билан мажбурий тартибда келишиш;</p> <p>давлат органлари томонидан ҳар чорак якуни бўйича муружаатлар билан ишлаш натижалари тўғрисидаги маълумотларни ўз расмий веб-сайтларига жойлаштириш назарда тутилади.</p>

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтилаётган натижа
38.	Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли)ни сайлаш жараёнини янада демократлаштириш.	2020 йил 1 июнь	Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Адлия вазирлиги, вазирлик ва идоралар	—	—	Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси. Лойиҳада: фуқаролар йиғини сайлаш муддатини узайтириш; фуқаролар йиғини раиси сайловини ўтказиш жараёнини такомиллаштириш ва очиқлигини таъминлаш; фуқаролар йиғини раисини кун давомида сайлаш тартибини жорий этиш; фуқаролар йиғинлари раислари сайловини ташкил этиш ва ўтказишга қўмаклашувчи комиссияларнинг фаолиятида ошкораликни кенгайтириш; фуқаролар йиғини раиси сайловида иштирок этадиган фуқаролар вакилларининг минимал сонини қўпайтириш назарда тутилади.
<b>II. ҚОНУН УСТУВОРЛИгини таъминлаш ва СУД-ХУҚУҚ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ИСЛОХ ҚИЛИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ</b>						
<b>2.1. Суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, суднинг нуфузини ошириш, суд тизимини демократлаштириш ва такомиллаштириш</b>						

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтилаётган натижа
39.	Судьяларнинг мустақиллигини тўлиқ таъминлашга қаратилган кафолатларни янада кучайтириш, судьялар мақомининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш.	2020 йил 1 октябрь	Олий суд, Судьялар олий кенгаши, Адлия вазирлиги	—	—	Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси. Лойиҳа билан «Судлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг янги таҳририни қабул қилиш назарда тутилади. Лойиҳада: судлар раисларининг судьялар фаолиятини баҳолаш, уларга нисбатан интизомий иш кўзгагишдаги иштирокини қайта кўриб чиқиш; судьяларни интизомий жавобгарликка тортиш ҳақидаги қарор устидан шикоят қилиш механизмини такомиллаштириш; судьяларнинг ваколатларини тўхтатиб туриш ҳамда тугатиш асослари ва тартибини халқаро стандартларга мослаштириш; судьяларнинг мақомини белгиловчи нормаларни такомиллаштириш ва истёфодаги судьянинг ҳуқуқий мақомини белгилаш; судьяларни ротация қилишнинг аниқ ва шаффоф механизмини жорий этиш; судлар фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатларини тизимлаштириш; суд мустақиллигига дахл қилиш билан боғлиқ ҳар қандай ҳолат юзасидан судья томонидан бевосита ва тезкор хабар бериш имкониятини кўзда тутовчи тизимни яратиш; ушбу масалаларни қонуности ҳужжатлари билан тартибга солиш тартибини бекор қилиш назарда тутилади.

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтилаётган натижа
40.	Судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини шакллантириш.	2020 йил 1 октябрь	Судьялар олий кенгаши, Олий суд	—	—	Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси. Лойиҳада: судьялар ҳамжамияти тушунчаси, судьялар ҳамжамияти органларининг суд тизимидаги ўрни; судьялар ҳамжамияти органларининг вазифалари, функциялари ва ваколатлари; судьялар ҳамжамияти органларини шакллантириш, шу жумладан ушбу органларга номзод кўрсатиш тартиби; судьялар ҳамжамияти органларининг суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашдаги роли назарда тутилади.
41.	Судьяларнинг малака ҳайъатлари фаолиятини демократик тарзда ташкил этиш, уларнинг ҳолислиги ва беғаразлигини таъминлашга қаратилган кўшимча ҳуқуқий чораларни ишлаб чиқиш.	2020 йил 1 октябрь	Олий суд, Судьялар олий кенгаши	—	—	Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси. Лойиҳада: судьяларнинг олий малака ҳайъатини шакллантириш ваколатини судьялар ҳамжамияти органига ўтказиш; судьяларнинг малака ҳайъатлари таркибини амалдаги судьялар ҳамда жамоатчилик асосида фаолият юритувчи аъзолар (собик судьялар, суд органлари фахрийлари) ҳисобидан шакллантириш; судьяларнинг малака ҳайъатлари раислари, ўринбосарлари ва аъзоларини сурункасига икки муддатдан ортиқ бўлмаган муддатга яширин овоз бериш йўли билан сайлаш тартибини жорий этиш; судьяларнинг олий малака ҳайъати, жойлардаги судьялар малака ҳайъатларининг раиси лавозимига ўтказиладиган сайловларда ушбу судлар раисларининг номзодини кўрсатмаслик назарда тутилади.

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтилаётган натижа
42.	Суд қарорларини?г қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини қайта кўриб чиқиш институтини такомиллаштириш.	2020 йил I сентябрь	Олий суд, Бош прокуратура, Адлия вазирлиги, Адвокатлар палатаси	—	—	Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси. Лойиҳада: суд қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини қайта кўриб чиқиш тартибини илғор хорижий тажрибадан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш; фуқаролар учун одил судловга эришиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида апелляция ва кассация инстанцияларини ислох қилиш, назорат тартибида иш юритиш институтини бекор қилиш назарда тутилади.

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтилаётган натижа
43.	Судларнинг моддий-техник шароитларини яхшилаш ва судьялар фаолиятининг ижтимоий кафолатларини кучайтириш.	2020 йил 1 май	Олий суд, Молия вазирлиги	Ҳисоб-китобларга асосан	Давлат бюджети маблағлари	<p>Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси.</p> <p>Лойиҳада:</p> <p>2021 йилдан судьялар ва суд ходимларига иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни тўлик Давлат бюджети ҳисобидан молиялаштириш чораларини кўриш, бунинг учун бюджетда алоҳида сатрни ажратиш;</p> <p>судьялар ва суд ходимларининг иш ҳақини ошириш, уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш нормаларини қайта кўриб чиқиш ва халқаро стандартларга мослаштириш;</p> <p>янги қурилиши режалаштирилаётган суд биноларини илғор халқаро тажриба асосида лойиҳалаштириш, суд биноларини қуриш, капитал таъмирлаш ва реконструкция қилиш бўйича дастурни тасдиқлаш;</p> <p>судьяларни қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича қурилган хизмат уй-жойи олиш ҳуқуқига эга бўлган раҳбарлар рўйхатига киритиш;</p> <p>судлар фаолиятини молиялаштириш ва моддий-техник базасини яхшилашга қаратилган манзилли чора-тадбирлар назарда тутилади.</p>
<b>2.2. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш</b>						

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтилаётган натижа
44.	Прописка тизимини ислох қилиш.	2020 йил 1 апрель	Олий Мажлис палаталари (келишув асосида), Вазирлар Маҳкамаси, ИИБ, ТИБ, Иктисодиёт ва саноат вазирлиги, Адлия вазирлиги, вазирлик ва идоралар	—	—	Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаси. Лойиҳаларда: 2020 йил 1 апрелдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида кўчмас мулкка эга бўлишда доимий прописка мавжудлиги ҳақидаги талабни бекор қилиш; Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи ва республиканинг бошқа минтақаларида доимий пропискага эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароларидан Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида янги қурилган кўчмас мол-мулкни олди-сотди шартномаларини тасдиқлаганлик учун ундириладиган давлат божининг алоҳида ставкасини бекор қилиш; илғор хорижий тажрибани ўрганган ҳолда, асосий ишчи кучи яшайдиган ва иш ўринлари яратилаётган ҳудудлар ўртасида тафовутни бартараф этиш ва ички миграцияни эркинлаштириш нўқтаи назаридан, прописка тизимини ислох қилиш назарда тутилади.
<b>2.3. Маъмурий ва жиноят қонунчилигини такомиллаштириш</b>						
45.	Жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш босқичига «дастлабки эшитув» институтини жорий этиш.	2020 йил 1 декабрь	Олий суд, Бош прокуратура, ИИБ, ДХХ, Адлия вазирлиги	—	—	Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси. Лойиҳада: жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш босқичида иш юзасидан қарорларни тортишув принципига риоя этган ҳолда тарафлар иштирокида қабул қилиш тартибини белгилаш; жиноят ишини умумий тартибда кўриб чиқилишига тўсқинлик қилувчи омиллари тезкорлик билан аниқлаш ва бартараф этиш тартибини белгилаш назарда тутилади.

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш мuddати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтиллаётган натижа
46.	Жиноят иштини юретишда суриштирув, дастлабки тергов ва суд муҳокамасида процессуал ҳаракатларни амалга оширишнинг соддалаштирилган тартибини такомиллаштириш.	2020 йил 1 октябрь	Бош прокуратура, Олий суд, ИИВ, ДХХ, Адлия вазирлиги	—	—	Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси. Лойиҳада: гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчи айбига тўлиқ иқрорлик билдирган ва айблаш учун етарли далиллар бўлган ҳолларда иш юретишнинг соддалаштирилган тартибини жорий этиш; соддалаштирилган тартибда иш юретиш ҳақида илтимоснома бериш ҳимоячи иштирокида амалга оширилиши мажбурийлигини ҳамда енгилроқ жазо тайинлаш тартибини белгилаш назарда тутилади.
47.	Суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида далилларни тўплаш ва мустаҳкамлаш тартибини илғор хорижий тажриба асосида янада такомиллаштириш.	2020 йил 1 ноябрь	Бош прокуратура, Олий суд, ИИВ, ДХХ, Адлия вазирлиги	—	—	Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси. Лойиҳада: шахснинг ҳуқуқий мақомидан келиб чиққан ҳолда кўрсатувлардан келгусида далил сифатида фойдаланиш асосларини аниқлаштириш, жумладан шахсни жиноят иши бўйича айбланувчи сифатида жалб қилиш учун муқаррар ва етарли асослар бўлганда уни гувоҳ сифатида сўроқ қилишга имкон берувчи нормаларни танқидий қайта кўриб чиқиш; жиноятга алоқадор далилларни тўплаш учун ўтказиладиган тергов ҳаракатлари доирасини кенгайтириш; ҳолислар институтини илғор хорижий тажриба асосида янада такомиллаштириш ҳамда тергов ҳаракатларини видеоёзув орқали қайд этишнинг замонавий механизмларини белгилаш назарда тутилади.

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтилаётган натижа
48.	Тадбиркорлик соҳасидаги жиноятлар учун жавобгарлик асосларини қайта кўриб чиқиш, айрим жиноят турларини декриминализация қилиш.	2020 йил 1 апрель	Олий суд, Бош прокуратура, Давлат божхона қўмитаси, ДХХ, Адлия вазирлиги, Бизнес-омбудсман, Савдо-саноат палатаси	—	—	Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси. Лойиҳада: божхона соҳасидаги қонун ҳужжатларини бузиш жиноятини биринчи марта содир этган ва товар учун тўловни ихтиёрий равишда тўлаган ҳамда божхона расмийлаштирувини амалга оширган шахсларни жиноий жавобгарликдан озод қилиш тартибини жорий этиш (божхона чегараси орқали олиб ўтиш чекланган ва тақиқланган товарлар билан боғлиқ бўлган жиноятлар бундан мустасно); тадбиркорлик субъекти ҳисобланган юридик шахсларнинг фақат ташкилий-ҳуқуқий шаклига асосланиб уюшган гуруҳ ва жиноий уюшма сифатида эътироф этишни тақиқловчи механизмларни жорий этиш; тадбиркорлик соҳасидаги ижтимоий хавфи катта бўлмаган айрим жиноят турларини декриминализация қилиш (сохта тадбиркорлик, рақобатчини обрўсизлантириш ва бошқалар) назарда тутилади.

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтиляётган натижа
49.	Экология соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар ҳамда ҳайвонларга шафқатсиз муносабатда бўлганлик учун жавобгарлик чораларини кучайтириш.	2020 йил 1 сентябрь	Бош прокуратура, Олий суд, ИИВ, Адлия вазирлиги, Давлат экология кўмитаси	—	—	Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари. Лойиҳаларда: ҳайвонларга шафқатсиз муносабатда бўлганлик учун жиноий жавобгарликни белгилаш; ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига, атмосфера ва сув ресурсларига зарар етказганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи янги ҳуқуқбузарликлар турларини белгилаш ва амалдаги жавобгарлик чораларини кучайтириш; ушбу ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш учун масъул бўлган идораларнинг самарали фаолиятини йўлга қўйиш механизмлари назарда тутилади.
50.	Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни жиноят ишлари бўйича судлар иш юритувига ўтказиш ва маъмурий жарималарни ихтиёрий тўлашни рағбатлантирувчи механизмларни жорий этиш.	2020 йил 1 октябрь	Олий суд, Судьялар олий кенгаши, Молия вазирлиги	—	—	Ўзбекистон Республикаси қонун лойиҳаси. Лойиҳада: маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни жиноят ишлари бўйича судлар иш юритувига ўтказиш; судлар штат бирикларини иш юкламасидан келиб чиққан ҳолда қайта қўриб чиқиш; ҳуқуқбузар томонидан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс тегишли моддаси санкциясида назарда тутилган жаримани суд ва ваколатли идораларда иш қўрилгунга қадар ихтиёрий тўлашни рағбатлантириш назарда тутилади.

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтилаётган натижа
51.	Маъмурий суд ишларини юретишнинг соддалаштирилган тартибини жорий этиш.	2020 йил 1 октябрь	Олий суд, Судьялар олий кенгаши, вазирлик ва идоралар	—	—	Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси. Лойиҳада: соддалаштирилган тартиб доирасида кўриб чиқиладиган маъмурий ишлар доирасини белгилаш; соддалаштирилган тартибда маъмурий ишни кўриб чиқишнинг ўзига хос хусусиятлари, шу жумладан ишда иштирок этувчи шахсларнинг мақоми, суд муҳокамасини ўтказиш, суд мажлиси баённомасини юретиш ва ҳал қилув қарори чиқаришнинг ўзига хос хусусиятлари назарда тутилади.

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтилаётган натижа
52.	Судлар фаолиятида прокурор иштирокини такомиллаштириш.	2020 йил 1 апрель	Олий суд, Бош прокуратура, ИИБ, Адлия вазирлиги	—	—	<p>Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси.</p> <p>Лойиҳада:</p> <p>давлат айбловчиси фаолиятини халқаро стандартлар ва илғор хорижий тажрибага мувофиқлаштириш; прокурорнинг айбловдан воз кечишининг ҳуқуқий асослари ва процессуал тартибини белгилаш; прокурор томонидан суд қарорларига нисбатан протест келтириш асослари ва тартибини қайта кўриб чиқиш ҳамда илғор хорижий тажрибага мослаштириш; прокурор томонидан қонуний кучга кирган ҳукмлар, ҳал қилув қарорлари, ажримлар ёки қарорлар бўйича ишларни, иш юзасидан тарафлар муурожаати (прокурордан ташқари) бўлган ҳолдагина, суддан ўрганиш учун олиш тартибини белгилаш; қонунда назарда тутилган ҳоллардан ташқари судларда бошқа шахсларнинг ташаббуси билан қўзғатилган фуқаролик ва иқтисодий ишларнинг кўрилишида прокурор ўз ташаббуси билан иштирок этишини истисно этиш;</p> <p>Олий суд Пленуми мажлисларида суд тизими вакиллари бўлмаган шахслар иштирокининг аниқ чегараларини белгилаш, бунда Бош прокурорнинг мажбурий равишда қатнашиш тартибини бекор қилиш назарда тутилади.</p>
<p align="center"><b>2.4. Жиноятчиликка қарши қурашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш</b></p>						

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қутилаётган натижа
53.	Коррупцияга қарши курашиш бўйича алоҳида давлат органини ташкил этиш.	2020 йил 1 май	Бош прокуратура, Олий Мажлис палаталари (келишув асосида), ИИБ, ДХХ, Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги	—	—	Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони лойиҳаси. Лойиҳада: коррупцияга қарши курашиш бўйича алоҳида давлат органини ташкил этиш, фаолиятининг ҳуқуқий асосларини белгилаш; коррупцияга қарши курашиш бўйича алоҳида давлат органининг вазифа ва функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш; коррупцияга қарши курашиш бўйича алоҳида давлат органининг Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Олий Мажлисига ҳисобдорлиги назарда тутилади.
54.	Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги фаолиятини сифат жиҳатдан янги даражага кўтариш.	2020 йил 1 май	ИИБ, Миллий гвардия, ФВВ, Бош прокуратура, вазирлик ва идоралар	—	—	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси. Лойиҳада: ички ишлар органлари тизимидаги жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жинойтчиликка қарши курашиш бўйича бўлинмалар фаолиятини халқаро стандартлар асосида янада такомиллаштириш; тизимда жамоат тартибини сақлаш, жинойтларга қарши курашиш ва давлат хизматларини кўрсатиш фаолиятига доир аниқ мезонларни белгилаш; ички ишлар органларининг раҳбарларини мақсадли тайёрлаш ва малакасини оширишнинг замонавий тизimini жорий этиш назарда тутилади.

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтилаётган натижа
55.	Йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги рўйхатга олиш ва имтиҳонларни ўтказиш тартиб-таомилларини соддалаштириш.	2020 йил 1 октябрь	ИИБ, Адлия вазирлиги, Давлат тест маркази, вазирлик ва идоралар	—	—	Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари. Лойиҳаларда: автоматотransпорт воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш, уларга давлат рақам белгиларини бериш, ҳайдовчиларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, ҳайдовчиликка номзодлардан имтиҳон қабул қилишнинг автоматлаштирилган электрон тизимларини жорий этиш; жисмоний ва юридик шахсларга ушбу турдаги хизматларнинг Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали кўрсатилишини таъминлаш, йўл ҳаракатини назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимларини кенгайтириш; миллий ҳайдовчилик гувоҳномаларини олиш учун назарий имтиҳонларни қабул қилишнинг автоматлаштирилган тизимини Давлат тест маркази билан ҳамкорликда яратиш ҳамда ушбу тадбирларни амалга оширишда инсон омилини истисно этишни назарда тутиш; автотransпорт воситасини бошқариш бўйича амалий имтиҳонларни автоматлаштирилган махсус автотransпорт воситалари ва замонавий автодромда ўтказиш тизимини жорий этиш назарда тутилади.

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтилаётган натижа
56.	Йўл-транспорт ҳодисаларини расмийлаштиришнинг «Европротокол» тамойилларига асосланган соддалаштирилган тартибини жорий этиш.	2020 йил 1 декабрь	ИИВ, Молия вазирлиги, Транспорт вазирлиги	—	—	Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари. Лойиҳаларда: йўл-транспорт ҳодисаларини Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари иштирокисиз расмийлаштириш тартиби ва келиб чиққан зарарни тўлаш шартлари; йўл-транспорт ҳодисаси бўйича маъмурий баённома тузилмасдан, бу ҳақдаги маълумотлар (шу жумладан, суратга ёки видеога олиш орқали) унинг иштирокчилари томонидан хабарнома бланкасида акс эттирилиши ва суғурта ташкилотларига тақдим этилиши; йўл-транспорт ҳодисасида иштирок этган транспорт воситалари суғурталовчилар талабига кўра кўрикдан ўтказиш ёки мустақил техника экспертизаси учун тақдим этилиши; йўл-транспорт ҳодисасини ички ишлар органлари ходимлари иштирокисиз расмийлаштириш юзасидан тўланадиган суғурта товонининг чекланган миқдорини белгилаш назарда тутилади.
<b>2.5. Суд-ҳуқуқ тизимида қонунийликни янада мустаҳкамлаш, ҳуқуқий ёрдам ва юридик хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш</b>						
57.	Юридик фан ва таълимни такомиллаштириш, юридик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини ривожлантириш	2020 йил 20 март	Адлия вазирлиги, Олий суд, Бош прокуратура, ИИВ, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги	—	—	Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳаси. Лойиҳада: вилоятлардаги тегишли салоҳиятга эга олий таълим муассасаларида ҳуқуқшунослик факультетларини очиш; ҳуқуқшунос-педогог кадрлар малакасини узлуксиз ошириш ва уларни қайта тайёрлашнинг самарали тизимини яратиш; ўқитишнинг инновацион шакл ва услубларини, янги педагогик технологиялар, интерфаол ва ситуацион машғулотлар ўтказишни кенг жорий этиш назарда тутилади.

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қутилаётган натижа
58.	Геном бўйича давлат рўйхатида олиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш.	2020 йил 20 март	ИИБ, Бош прокуратура, Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги	Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра 37379	Давлат бюджети маблағлари, хорижий давлатлар кредитлари ва халқаро молия институтлари кўмак маблағлари ва бошқа манбалар	Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси. Лойиҳада: геном ахборотини ягона маълумотлар базасини яратиш; геном ахборотини йиғиш, унга ишлов бериш ва химоя қилишнинг асосий талаблари; геном бўйича давлат рўйхатида олиш тартибини жорий этиш; биологик материал ва геном ахборотини олиш, қайд этиш, сақлаш, ундан фойдаланиш ва уни йўқ қилиб ташлаш тартиби назарда тутилади.
59.	«Tashkent Law Spring» иккинчи халқаро юридик форумни ўтказиш.	2020 йил 1 октябрь	Адлия вазирлиги, Олий суд, Бош прокуратура, вазирлик ва идоралар	—	—	Чора-тадбирлар режаси. Режада: форумни ўтказиш билан боғлиқ ташкилий масалаларни ҳал қилиш; оммавий ахборот воситаларининг фаолияти учун максимал даражада қулай шароитлар яратиш; давлат органлари фаолияти шаффофлигини оширишга қаратилган ислохотларни кенг жамоатчиликка намойиш этиш назарда тутилади.
60.	Ҳуқуқий статистика билан ишлаш ти? имини такомиллаштириш.	2020 йил 1 октябрь	Бош прокуратура, ИИБ, Адлия вазирлиги, Олий суд, ДХХ, Миллий гвардия	—	—	Норматив-ҳуқуқий хужжат лойиҳаси. Лойиҳада: илғор хорижий тажрибани ўрганган ҳолда содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар ва жинойтлар тўғрисида ягона ва очиқ статистик маълумотлар базасини яратиш; ҳуқуқий статистик маълумотларни доимий равишда умумлаштириш, таҳлил қилиш ва эълон қилиб бориш ҳамда ундан эркин фойдаланиш имкониятини таъминлаш назарда тутилади.
<b>III. ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ</b>						
<b>3.1. Макроиктисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва нарх-навонинг барқарорлигини ва инфляция даражаси прогноз кўрсаткичларидан ошмаслигини таъминлаш</b>						

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтилаётган натижа
61.	Давлат пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш доирасида инфляцион таргетлаш тизимига ўтиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш .	2020 йил 20 март	Марказий банк, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги	—	—	<p>Чора-тадбирлар дастури. Дастурда: пул-кредит сиёсатининг бозор иқтисодиётига мос воситаларидан фойдаланишга тўлиқ ўтиш, операцион параметрлар ва мақсадларни белгилаш орқали операцион механизми такомиллаштириб бориш;</p> <p>мослашувчан фоиз сиёсатини олиб бориш ва асосий ставкани мунтазам кўриб чиқиш орқали нархлар беқарорлиги ва инфляциянинг мақсадли даражасидан оғиши хавфларини олдини олиш ва бартараф этиш; давлат қимматли қоғозлари билан пул бозори операцияларини амалга ошириш ва ғазначиликнинг бўш пул маблағларини тижорат банкларига жойлаштириш учун ягона платформа яратиш;</p> <p>банк тизими ликвидлиги ва уни шакллантирувчи омилларни прогноз қилишни такомиллаштириш; инфляцион таргетлаш режимининг моҳияти ва мақсадлари, уни амалга ошириш шарт-шароитлари, ижобий таъсирлари ҳамда унга эришиш муддатлари ҳақидаги маълумотни жамоатчиликка объектив, аниқ ва содда усулда етказиб бориш; эконометрик моделлаштириш инструментларини кенг қўллаш, макроиқтисодий таҳлил ва прогнозлаштириш тизими (FPAS)ни тўлиқ татбиқ этиш орқали иқтисодий ўсиш ва инфляция мувозанатини таъминлаш, ташқи хавф-хатарларни, пул-кредит ва макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ўзаро боғлиқлигини тизимли баҳолаш назарда тутилади.</p>

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтиллаётган натижа
62.	Ички бозорда истеъмол товарлари нархларининг барқарорлигини таъминлаш, инфляция даражасини 2020 йил учун белгиланган мақсадли кўрсаткичлар доирасида сақлаб қолиш учун тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш.	Йил давомида	Вазирлар Маҳкамаси, Марказий банк, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Монополияга қарши курашиш қўмитаси, Транспорт вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, «Ўзбеккозиковқат-холдинг» ХК, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирлик ва идоралар	—	—	Амалий чора-тадбирлар. Бунда: нархлар барқарорлигини таъминлаш бўйича қабул қилинган чора-тадбирлар дастурини амалга ошириш; мева-сабзавот, чорвачилик ва бошқа озик-овқат маҳсулотлари етиштириш ҳажмини кўпайтириш параметрлари ҳамда «даладан дўконгача» бўлган узлуксиз етказиб бериш занжирини яратишни рағбатлантириш бўйича амалий чора-тадбирлар; истеъмол товарлари бўйича юзага келиши мумкин бўлган тақчилликни олдиндан аниқлаш ва чоралар белгилаш; монетар ва номонетар омилларнинг ички нархлар барқарорлигига таъсирининг олдини олиш; мувофиқлаштирилган монетар-фискал ва монополияга қарши сиёсат юритиш; давлат бюджети харажатлари ва умумий фискал баланснинг қонунда белгиланган параметрлар доирасида бўлишини таъминлаш назарда тутилади.
63.	Фискал сиёсатнинг самарадорлигини ошириш.	2020 йил 1 сентябрь	Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Марказий банк, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси	—	—	Чора-тадбирлар режаси. Режада: вақтинчалик ташқи «шок»лар ва ислохотлар натижасида юзага келадиган йўқотишларни бошқаришнинг етарлича мослашувчан шарт-шароитларини таъминлайдиган фискал сиёсат коидаларини ишлаб чиқиш; умумий фискал баланс доирасида давлат дастурларини кредитлаш бўйича Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси консолидациялашган бю?жети ва амалиётини аниқ ҳисобга олишни жорий этиш; фискаль хавф-хатарларни аниқлаш, ошкор қилиш ва бошқариш қўлланмасини ишлаб чиқиш назарда тутилади.

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтилаётган натижа
64.	2030 йилгача Миллий Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш юзасидан Ўзбекистоннинг ихтиёрий миллий ҳисоботини шакллантириш.	2020 йил 1 июль	Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Меҳнат вазирлиги, Давлат экология қўмитаси, Бош прокуратура	—	—	Ахборот-таҳлилий маълумот. Бунда 2030 йилгача Миллий Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш юзасидан Ўзбекистоннинг йиллик миллий ҳисоботини шакллантириб, уни Парламентга ҳамда БМТнинг Иқтисодий-ижтимоий кенгашига киритиш ва муҳокама қилиш.
<b>3.2. Молия тизимини ислоҳ қилиш, бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш тизимини янада такомиллаштириш, қўшимча имконият ва манбалар ҳисобидан бюджет дефицитини камайтириш</b>						
65.	«Давлат молиявий назорати тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш.	2020 йил 20 апрель	Вазирлар Маҳкамаси, Молия вазирлиги, Ҳисоб палатаси, Адлия вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси	—	—	Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси. Лойиҳада: бюджет тизими бюджетлари ва бошқа жамғармалар, давлат активларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга қаратилган нормаларни мустаҳкамлаш; замонвий ахборот-коммуникация технологиялари ва молиявий назоратнинг халқаро стандартларини жорий этиш орқали қонун бузилишларини профилактика қилиш, аниқлаш, огоҳлантириш ва баргараф этишга қаратилган ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш назарда тутилади.

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтилаётган натижа
66.	Ижтимоий-иқтисодий мақсадларга йўналтирилган марказлашган инвестициялар самарадорлигини ошириш, давлат инвестицияларини бошқаришни баҳолаш (PIMA) тизимини жорий этиш.	2020 йил 1 август	Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги	—	—	<p>Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси. Лойиҳада: инвестиция лойиҳаларини танлаш ва амалга ошириш билан боғлиқ муаммоларни таҳлил қилиш мақсадида марказлашган инвестицияларни бошқаришни баҳолаш (PIMA) тизимини жорий этиш;</p> <p>ижтимоий соҳа тармоқлари, йўл-транспорт инфратузилмаси ва бошқа тармоқлар бўйича инвестиция лойиҳаларини танлаш меъёрлари ва муҳимлигини белгилаш тартибини ўрнатиш; марказлашган инвестициялар ва халқаро молия институтлари маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган ва таклиф этиладиган лойиҳалар маълумотларининг ҳар йили янгиланадиган ягона базасини яратиш; Инвестиция дастурини марказлашган инвестициялар ҳисобидан амалга ошириш доирасида ҳудудий лойиҳаларни маҳаллий ресурслар, вазирлик ва идораларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан бажариш орқали Давлат бюджети улушини босқичма-босқич камайтириш назарда тутилади.</p>

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтиллаётган натижа
67.	«Давлат қарзи тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш.	2020 йил 1 декабрь	Молия вазирлиги, Марказий банк, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги	—	—	Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси. Лойиҳада: давлат қарзини халқаро стандартлар асосида бошқариш, мазкур жараёнда Парламент ролини ошириш, уни макроиқтисодий барқарорлик учун хавфсиз даражада сақлаб туриш механизмлари; давлат ички ва ташқи қарзига ўз вақтида қафолатли хизмат кўрсатилишини таъминлаш; давлат қарзини диверсификациялаш ва унга хизмат кўрсатиш харажатлари ошиб кетиш хатарларини пасайтириш; давлат қафолатини бериш механизмини такомиллаштириш назарда тутилади.
68.	Суғурта бозорини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	2020 йил 1 август	Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги	—	—	Норматив-ҳуқуқий хужжат лойиҳаси. Лойиҳада мажбурий тиббий суғурта ва қишлоқ хўжалиги соҳасини суғурталаш механизмларини ишлаб чиқиш назарда тутилади.
<b>3.3. Солиқ ислохотларини амалиётга самарали жорий этиш, солиқ маъмуриятчилигини шаффоф йўлга қўйиш, солиқ юкни камайтириш ҳамда соддалаштириш, шу асосда ишлаб чиқаришни ва солиққа тортиладиган базани кенгайтириш</b>						
69.	Ахборот-коммуникация технологияларини модернизация қилиш орқали солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш.	2020 йил 20 март	Давлат солиқ қўмитаси, «Солиқ сервис» ДУК, Янги технологиялар илмий ахборот маркази, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги	15 млн АҚШ доллари	Халқаро молия институтлари маблағлари, аутсорсинг асосида хизматлар кўрсатувчи хўжалик юритувчи субъектлар маблағлари	Норматив-ҳуқуқий хужжат лойиҳаси. Лойиҳада: Давлат солиқ қўмитасининг Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича стратегиясини ишлаб чиқиш; янги тахрирдаги Солиқ кодексини амалиётга жорий этиш ҳисобига солиқ органларига юкланадиган вазифалар бўйича бизнес-процессларни ишлаб чиқиш ва уларни автоматлаштириш; солиқ тўловчиларни сегментлаш, хавфлилик даражасидан келиб чиқиб, инсон омилини тўлиқ бартараф этадиган солиқ назоратини амалга оширишни назарда тутувчи «Таҳлика-тахлил» дастурий маҳсулини яратиш;

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтиллаётган натижа
						<p>онлайн назорат касса-машиналари, виртуал кассалар ҳамда электрон хисобварақ-фактура маълумотларини қайта ишлаш ва улар асосида солиқ маъмуриятчилигини амалга ошириш жараёнини автоматлаштириш; «Big data» архитектураси асосида маълумотларни қайта ишловчи «Business Intelligence» таҳлилий моделларни жорий этиш, йирик ҳажмдаги маълумотларни сақлаш ва қайта ишлаш учун Давлат солиқ қўмитасининг Маълумотларни қайта ишлаш маркази қувватини ошириш; ахборот-коммуникация технологиялари паркни янгилаш; солиқ тўловчиларга шахсий кабинет орқали кўрсатиладиган хизматларни кенгайтириш; «Ишончли ҳамкор» лойиҳаси доирасида тижорат банклари ва бошқа ташкилотлар орқали солиқ тўловчилар ҳақидаги ахборотларни жамлаган (скоринг) хизмат турларини жорий этиш; маҳаллий бюджетлар даромадини оширишда маҳаллий солиқларнинг йиғилувчанлигини ошириш учун «сайт» тизимини кенг жорий этиш; кўрсатиладиган хизматларни автоматлаштириш ва уларнинг сонини ошириш назарда тутилади.</p>

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш мuddати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтиллаётган натижа
70.	Солиқ ҳисоботларини такомиллаштириш.	2020 йил 1 апрель	Давлат солиқ қўмитаси, Молия вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, вазирлик ва идоралар	—	—	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси. Лойиҳада: ривожланган давлатлар тажрибаси асосида солиқ ҳисоботи шаклларини такомиллаштириш; солиқ тўловчилар томонидан даромадлар ва харажатларни ҳамда солиқ оборотларини декларация қилиш тизимини жорий этиш орқали солиқ тўловчиларга солиқларни ҳисоблаш ва ҳисобот топширишга кўмаклашиш учун соддалаштирилган «Сизнинг электрон бухгалтерингиз» дастурий маҳсулоти ва хизмат турини яратиш назарда тутилади.
71.	«Яширин иқтисодиёт»нинг улушини қисқартириш чора-тадбирларини амалга ошириш.	2020 йил 20 март	Вазирлар Маҳкамаси, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Молия вазирлиги, Марказий банк, Давлат божхона қўмитаси, Ҳисоб палатаси, Бош прокуратура, Савдо-саноат палатаси, Транспорт вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги	—	—	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳалари. Лойиҳаларда: хорижий мутахассислар иштирокида «яширин иқтисодиёт»нинг вужудга келиш омилларини таҳлил қилиш ва унга қарши курашиш дастурини тасдиқлаш; «рақамли маркировка ва онлайн касса» лойиҳасини ўз вақтида ва тўлиқ бажарилишини назоратга олиш; якка тартибдаги тадбиркорлар ноқонуний фаолиятини қисқартириш механизмларини ишлаб чиқиш; интернет-савдо (электрон тижорат) соҳасидаги субъектларни аниқлаш тартибини такомиллаштириш, қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш ва тўлашни ҳисобга олган ҳолда солиққа тортиш механизмини ишлаб чиқиш; «Э-омбор» товарларни ҳисобга олишнинг электрон тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, импорт қилинадиган товарлар бўйича электрон шаклда ҳисоботларни тайёрлашни таъминлаш;

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтиллаётган натижа
						<p>импорт қилинган озиқ-овқатлар, маъданли ва газланган сувлар, таркибида алкоголь бўлмаган бошқа ичимликларни мажбурий маркировка қилишни босқичма-босқич жорий этиш; солиқ органларида маркировка қилиш мажбурий бўлган товарларни ҳисобга олишнинг электрон базасини яратиш; гастрол-ко'церт фаолияти?а электрон билет тизимини жорий этиш; ўзини ўзи банд қилган фуқароларнинг фаолиятини тартибга солишни янада такомиллаштириш, уларни соликқа тортиш, иш стажини ҳисобга олиш ва фаолият юритиш тартибини соддалаштириш; ширин иқтисодиёт» субъектларини аниқлаш механизмини такомиллаштириш, шу жумладан жамоатчилик назорати механизмларини жорий қилиш ва уни амалга оширувчи шахсларни рағбатлантириш; ташқи савдода яширин иқтисодиётнинг ҳолатини чуқур таҳлил қилиш ва уни самарали қисқартириш бўйича амалий таклифлар ҳамда чора-тадбирлар ишлаб чиқиш; савдо, умумий овқатланиш ва хизмат кўрсатиш субъектлари томонидан ишлатилаётган турли дастурий маҳсулотларни Давлат солиқ кўмитасининг Маълумотларни қайта ишлаш марказига интеграция қилиш; банкоматлар орқали нақд пул маблағини банк пластик карталари ёки банк ҳисоб рақамларига ўтказиш имкониятини яратиш; мазкур карта ва ҳисоб-рақамлар эгаларига амалга оширилган операция қийматининг маълум миқдорда</p>

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш мuddати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтилаётган натижа
						бонуслар тақдим этиш тартибини жорий этиш назарда тутилади.
72.	Давлат солиқ қўмитаси хузурида Фискал институтни ташкил этиш.	2020 йил 1 апрель	Давлат солиқ қўмитаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Молия вазирлиги, вазирлик ва идоралар	—	—	Норматив-ҳуқуқий хужжат лойиҳаси. Лойиҳада: Давлат солиқ қўмитаси хузурида Фискал институтни ташкил этиш; бу жараёнга нуфузли хорижий экспертларни жалб қилиш; солиқ органлари тизими учун малакали кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш тартиби белгиланади.
73.	Ресурс солиқларини ҳисоблаш механизмини илғор халқаро тажриба асосида қайта кўриб чиқиш.	2020 йил 1 май	Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, «Давергеодезкадастр» қўмитаси, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, вазирлик ва идоралар	—	—	Норматив-ҳуқуқий хужжатлар лойиҳалари. Лойиҳаларда: қишлоқ хўжалиги ерларининг тоифаси ва балл-бонитетидан келиб чиққан ҳолда ернинг норматив қийматини аниқлаш тартиби; фойдаланилган сув ресурсларини солиққа тортишнинг бозор механизмларини ишлаб чиқиш; фойдаланилган сув ҳажмлари ҳисобини юритиш, бунда соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш; сув ресурсларидан ўлчагич асбоблари ўрнатилмаган ҳолда фойдаланилганида сув истеъмоли ҳажмини аниқлашнинг замонавий усулларини ишлаб чиқиш назарда тутилади.
<b>3.4. Иқтисодиёт таркибини янада диверсификация қилиш ва унинг рақобатбардошлигини ошириш, биринчи навбатда, маҳаллий минерал хом ашёни чуқур қайта ишлаш бўйича илғор технологияларни жорий этиш орқали юқори қўшилган қийматли маҳсулотларни ўзлаштириш, ишлаб чиқариш таннархини ва энергия сарфини камайтириш</b>						

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтиллаётган натижа
74.	Республика минерал хом ашё базасини ривожлантириш ва қайта тўлдириш дастурини шакллантириш ва тўлиқ бажарилишини таъминлаш.	2020 йил 20 март	Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, Энергетика вазирлиги	Ҳисоб-китобларга асосан	Давлат бюджети маблағлари, Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг Молия вазирлиги Ғазначилигидаги махсус мақсадли ҳисоб-рақамлари	Чора-тадбирлар дастури. Дастурда: кидирув ишларида фойдали қазилмаларнинг янги истикболли майдонларини излаш улушини 2020 йилда 35 фоизга етказиш; геология-кидирув ишлари самарасини ошириш мақсадида амалдаги услубий қўлланмаларни халқаро стандартларга мослаштириш, бунда захираларни тасдиқлаш ҳисоботларини JORC кодексига (Австралия) мувофиқ тузишни босқичма-босқич жорий этиш; иқтисодиётнинг муҳим тармоқлари, жумладан, кимё, нефть ва газ, энергетика, электротехника, қурилиш материаллари ва заргарлик саноати хом ашё захирасини кўпайтириш; камида 20 та кон бўйича тайёр лойиҳалар тўпламини шакллантириб, салоҳиятли инвесторларни жалб этиш; углеводородлар ва уларнинг захиралари бўйича ҳисоб-китоб юритиш, тоифага ажратиш ва бошқаришнинг халқаро тизимини амалиётга жорий этиш; давлат геология фондидаги архив материаллар бўйича рақамли ахборотлар банкни ташкил қилиш; мавжуд геологик ва бошқа маълумотларни рақамлаштиришни кенг жорий қилиш; иқтидорли ёш мутахассисларни чет эл ўқув курсларида ўқитиш ва амалиёт ўташини таъминлаш назарда тутилади.

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтилаётган натижа
75.	Паст дебитли нефть ва газ конларига риск-сервис шартномалари асосида инвесторларни жалб қилиш.	2020 йил 1 сентябрь	«Ўзбекнефтегаз» АЖ, Энергетика вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги, Давлат монополияга қарши курашиш қўмитаси	—	—	Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси. Лойиҳада соҳани ривожлантириш учун инвестицияларни жалб қилиш имкониятларини яратиш, паст дебитли нефть ва газ конларига риск-сервис шартномалари асосида инвесторларни жалб қилиш дастурини ишлаб чиқиш назарда тутилади.
<b>3.5. Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш орқали рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш</b>						
76.	Худудларда кооперация алоқаларини кенгайтириш мақсадида ҳудудий ва йирик тармоқ саноат корхоналарини жалб қилган ҳолда республика ва ҳудудий саноат ярмаркаларини ташкил этиш.	Режа-график асосида	Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	—	—	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ва амалий чора-тадбирлар. Бунда: ҳар бир ҳудуд кесимида маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ва уларнинг маҳсулотлари рўйхатини шакллантириш; маҳаллий ишлаб чиқарувчилар маҳсулотларини электрон биржа порталига жойлаштириш ва уларни доимий равишда янгилаб бориш; маҳаллийлаштириш лойиҳаларини самарали ва ўз вақтида амалга ошириш ҳамда белгиланган параметрларга эришишни мониторинг қилиш назарда тутилади.
<b>3.6. Ҳудудларни комплекс ривожлантириш, мустаҳкам ва барқарор замонавий ишлаб чиқариш ҳамда муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини яратиш</b>						

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтиллаётган натижа
77.	Худудларда ишлаб чиқариш ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш, бунга республика ва маҳаллий бюджетларнинг прогноздан юқори тушумларининг ярмини йўналтириш.	Йил давомида	Молия вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирлик ва ташкилотлар, Қонунчилик палатаси (келишув асосида), Ҳисоб палатаси	Ҳисоб-китобларга асосан	Республика ва маҳаллий бюджетлар-нинг прогноздан юқори тушумлари	Амалий чора-тадбирлар. Бунда: республика ва маҳаллий бюджетларнинг прогноздан юқори тушумларининг ярмини инфратузилма объектларини ривожлантиришга йўналтириш; мазкур маблағлар ҳисобига амалга ошириладиган инфратузилма объектларининг манзилли рўйхатини ишлаб чиқиб, маҳаллий кенгашлар томонидан тасдиқланишини таъминлаш; 2020 — 2022 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида 2020 йилда 1042,1 км ичимлик суви тармоқлари, 86 км умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари, 2833,3 погон метр қўприклар ва йўл ўтказгичлари, 279,5км ирригация тизими, 515 км мелиоратив коллектор-дренаж тармоқларини қуриш ва модернизация қилиш; умумий қуввати 164 МВт бўлган йилига ўртача 685 млн.кВт.соат электр энергия ишлаб чиқарувчи 3 та янги ГЭСларни қуриш ва 4 та ГЭСни модернизация қилиш; 2020 — 2022 йилларда марказлашган манбалар ҳисобидан йўл қурилишига 2,8 трлн сўм, сув тармоқларига — 2,7трлн сўм, электр тармоқларига — 18,2 трлн сўм, табиий газ таъминотига — 1,2 трлн сўм маблағ ажратиш; Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Ҳисоб палатаси иштирокида ушбу маблағларнинг мақсадли ва самарали ишлатилишини жойларга бориб ўрганиш тизимини жорий этиш назарда тутилади.

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтилаётган натижа
78.	Тадбиркорлар томонидан амалга оширилган инфратузилма яратиш харажатларини қисман давлат томонидан қоплаш тизимини жорий этиш.	2020 йил 1 апрель	Молия вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Транспорт вазирлиги, Энергетика вазирлиги, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, вазирлик ва идоралар	Ҳисоб-китобларга асосан	Давлат бюджети маблағлари	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси. Лойиҳада инвесторларни қўллаб-қувватлаш мақсадида тадбиркорлар томонидан инфратузилма яратиш харажатларини қисман давлат томонидан қоплаш тизимини жорий этиш назарда тутилади.
79.	Андижон, Наманган, Фарғона, Самарқанд, Бухоро, Қарши, ва Нукус шаҳарларига туташ 12та аҳоли пунктларига «йўлдош шаҳарлар» мақомини бериш орқали 2020 — 2025 йилларда ривожлантиришга оид чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	2020 йил 1 июль	Урбанизация агентлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	—	—	Вазирлар Маъкамаси қарори лойиҳаси. Лойиҳада: йўлдош шаҳарларни ривожлантириш натижасида асосий шаҳарга (ядро шаҳар) бўлган демографик юкни қисқартириш; йўлдош шаҳарларга бўлган ижтимоий, иқтисодий, маънавий ва маърифий эътиборни кучайтириш орқали маҳаллий аҳолининг шаҳарлар ичида ҳаракати эркинлигини таъминлаш; йўлдош шаҳарларда саноат ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш; янги иш ўринларини яратиш орқали аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш назарда тутилади.
<b>3.7. Ҳисобга олиш ва статистика тизимини такомиллаштириш</b>						

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтилаётган натижа
80.	Статистика соҳасини янада ривожлантириш бўйича Статистикани ривожлантиришнинг миллий стратегиясини ишлаб чиқиш.	2020 йил 1 июнь	Давлат статистика қўмитаси, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Марказий банк, вазирлик ва идоралар	—	—	Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони лойиҳаси. Лойиҳада: миллий статистика тизимини ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари ва устувор йўналишларини белгилаш; статистика тизимининг ҳуқуқий асослари, ташкилий инфратузилмасини такомиллаштириш; статистик таснифлагичлар, регистрлар ва услубиётни такомиллаштириш; маълумотларни тарқатишнинг ягона сиёсатини татбиқ этиш, идоралараро ахборотлар интеграциясини йўлга қўйиш; статистика органларининг моддий-техника базасини янгилаш ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш; миллий статистика ишлаб чиқарувчилари бўлган вазирлик ва идораларнинг кадрлар салоҳиятини юксалтириш юзасидан самарали малака ошириш тизимини йўлга қўйиш назарда тутилади.

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтилаётган натижа
81.	«Расмий статистика тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш.	2020 йил 1 август	Давлат статистика қўмитаси, Молия вазирлиги, Марказий банк, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Адлия вазирлиги, вазирлик ва идоралар	—	—	Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси. Лойиҳада: расмий статистика тушунчаси ва унинг асосий принципларини белгилаш; миллий статистика тизимини ташкил этиш; статистика маълумотларини ишлаб чиқариш, улардан фойдаланиш ва эълон қилиш талабларини ўрнатиш; статистик маълумотларни ишлаб чиқарувчи вазирлик ва идораларнинг вазифалари, ҳуқуқлари ва мажбуриятларини белгилаш; расмий статистика тизимини мувофиқлаштирувчи органи белгилаш ва унинг ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлаш; кўп йиллик ва йиллик статистика дастурларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш тартибини ўрнатиш; статистика ахборотларини ишлаб чиқиш ва эълон қилиш ишларининг молиявий манбаларини белгилаш назарда тутилади.

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтилаётган натижа
82.	Қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият юритаётган барча турдаги хўжаликларни ялпи хатловдан ўтказиш.	2020 йил 1 декабрь	Давлат статистика қўмитаси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, «Давергеодезкадастр» қўмитаси, вазирлик ва идоралар	—	—	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси. Лойиҳада қуйидагиларни назарда тутувчи Қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш концепцияси тасдиқланади: қишлоқ хўжалигини рўйхатга олишнинг мақсад ва вазифалари; қишлоқ хўжалигини рўйхатга олишнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари; қишлоқ хўжалигини рўйхатга олишга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш босқичлари; қишлоқ хўжалигини рўйхатга олишга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказишда иштирок этувчи ташкилотларнинг вазифалари ва мажбуриятлари; қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш ишларига жалб этиладиган ходимлар ва уларнинг вазифалари; қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш вақти ва уни амалга ошириш механизмлари; қишлоқ хўжалигини рўйхатга олишга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш ишларини молиялаштириш тадбирлари назарда тутилади.
<b>3.8. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантиришни таъминлайдиган ишбилармонлик муҳитини яратиш</b>						

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтиллаётган натижа
83.	«Кичик ва ўрта бизнес тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш.	2020 йил 1 сентябрь	Вазирлар Маҳкамаси, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Адлия вазирлиги, Бизнес омбудсман, Савдо-саноат палатаси, Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, вазирлик ва идоралар	—	—	Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси. Лойиҳада: кичик бизнес субъектлари тоифасига оид янгиланган мезонларни белгилаш; ўрта бизнес субъектлари тоифасини жорий этиш ва тегишли мезонларни белгилаш; кичик ва ўрта бизнес субъектлари ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини амалга оширишга оид механизмларни такомиллаштириш; рақобатбардош компанияларни яратиш мақсадида кичик ва ўрта бизнес субъектлари йириклашишини рағбатлантиришга қаратилган механизмлар назарда тутилади.
84.	Тадбиркорлик субъектлари учун рақобат муҳитини яхшилаш.	2020 йил 20 март	Монополияга қарши курашиш қўмитаси, Давлат активларини бошқариш агентлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги	—	—	Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони лойиҳаси. Лойиҳада: Монополияга қарши курашиш қўмитасининг Олий Мажлисга ҳисобдорлигини ошириш ҳамда йилда камида икки марта қўмитанинг ҳисоботини эшитиш амалиётини жорий қилиш; субсидиялар, преференциялар ва имтиёзли кредитлар бериш амалиётини қайта кўриб чиқиш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни фақат Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳулосасини олган ҳолда киритиш амалиётини жорий қилиш; давлат органлари хўжалик юритиш функцияларни бажарадиган муайян соҳаларга хусусий секторни жалб қилиш бўйича ҳар бир ҳудуд кесимида 2020 — 2024 йилларга мўлжаллаган дастурларни тайёрлаш, бунда, биринчи навбатда сертификатлаштириш, қиёсловдан ўтказиш, қурилишда техник назоратни амалга ошириш, кадастр ҳужжатларини ишлаб

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтиллаётган натижа
						<p>чиқиш хизматлари бозорларига босқичма-босқич хусусий секторни жалб қилиш; давлат иштирокидаги корхоналарни ташкил этиш бўйича қарорларни қабул қилиш жараёнига хусусий сектор кўрсатаётган хизматларни давлат томонидан амалга оширмасликни назарда тутувчи қондаларни жорий этиш;</p> <p>давлат органлари томонидан таъсис этиладиган давлат корхоналари, давлат иштирокидаги йирик хўжалик жамиятлари ва табиий монополия субъектлари бўлган аффилиланган корхоналар сонини қисқартириш; табиий монополия тармоқлари билан турдош бозорларда рақобат шарт-шароитларини яратиш; давлат харидлари, тендерларни амалга оширишда ва ресурсларни тақсимлашда шаффофликни ошириш орқали бозор механизмларини ривожлантириш, бунда: давлат бунёдчиси билан аффилиланган хўжалик юритувчи субъект давлат харидларини бажаришга талабгор сифатида харид тартиб-таомиллари ва энг яхши таклифларни саралаб олишда иштирок этишига тақик киритиш;</p> <p>давлат харидлари иштирокчилари томонидан бенифициарларни мажбурий тарзда очиклаш тартибини жорий қилиш;</p> <p>давлат харидлари, давлат активлари ва ресурсларини тўғридан-тўғри тақсимлаш амалиётини тўлик тақиклаш назарда тутилади.</p>

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтилаётган натижа
85.	Тадбиркорлар учун ер участкаларига оид маълумотларни очик ва ҳаққоний етказиш тизимини такомиллаштириш.	2020 йил 1 июнь	Вазирлар Маҳкамаси, «Давергеодезкадастр» қўмитаси, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги	—	—	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси. Лойиҳада: геофазовий маълумотларнинг фойдаланиш соҳасидаги чекловларни олиб ташлаш; аҳоли пунктларини шаҳарсозлик ҳужжатлари билан таъминлаш чораларини кўриш; «E-ijro aukcion», «Yer-elektron» электрон тизимлари базасида Ахборот дастури ва маҳсул портал яратиш; Ахборот дастурида ер участкасининг ўзига хос рақами ва жойлашган жойи, тоифаси, майдони, унга туташ ер участкаларининг белгиланган мақсади ва турлари, умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларигача бўлган масофа тўғрисида маълумот, мазкур ерда қурилишга рухсат берилган ёки тақиқланган объектлар турлари рўйхати назарда тутилади.
86.	Худудларда аёллар ва ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш.	2020 йил 20 май	Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, «Тадбиркор аёл» уюшмаси, Савдо-саноат палатаси, Марказий банк, Халқ банки, Микрокредитбанк, Агробанк	—	—	Амалий чора-тадбирлар. Бунда: худудларда аёллар ва ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш бўйича амалий дастурни тасдиқлаш; тегишли лойиҳалар учун микромолия хизматлари ва молиявий ресурслар ажратиш; давлат харидлари тизимида иштирок этиш имкониятларини кенгайтириш; халқаро молия ташкилотлари ва донор мамлакатларнинг грант маблағлари, мақсадли дастурлари доирасида молиявий ресурслар ажратилишини кенгайтириш назарда тутилади.

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтилаётган натижа
87.	Алоҳида фаолият турлари билан шуғулланишда лицензия ва рухсат бериш тартиб-таомилларини қисқартириш.	2020 йил 20 март  2020 йил 1 июнь	Адлия вазирлиги, Бизнес омбудсман, Монополияга қарши курашиш қўмитаси, Савдо-саноат палатаси,  Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги	—	—	Ахборот-таҳлилий маълумот. Айрим соҳаларда алоҳида фаолият турлари билан шуғулланишда лицензия ва рухсат бериш тартиб-таомиллари ўрганилиб, асосий ёндашув ва таклифлар ишлаб чиқилади. Норматив-ҳуқуқий хужжат лойиҳаси. Лойиҳада: хабарнома бериш тартиби ва бошқа муқобил институтларни жорий этиш; амалга ошириладиган фаолият турларининг хавфлилик даражасидан келиб чиқиб лицензия ва рухсат бериш тартиб-таомилларини қисқартириш, шу жумладан алоҳида лицензияларни декларация қилиш ва жавобгарликни мажбурий суғурталаш тури билан ўзгартириш назарда тутилади.
88.	«Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш.	2020 йил 1 июнь	Вазирлар Маҳкамаси, Монополияга қарши курашиш қўмитаси, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги	—	—	Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси. Лойиҳада халқаро тан олинган истеъмолчилар ҳуқуқларининг ҳимоясини кучайтиришга оид нормаларни белгилаш назарда тутилади.

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтилаётган натижа
89.	Тадбиркорлик фаолияти, инвестиция ва рақобат муҳитига таъсир кўрсатувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва техник тартибга солиш ҳужжатларидан иборат маъмурий ва тартибга солиш юкини кескин камайтириш ва асоссиз тўсиқларни олиб ташлаш.	2020 йил I сентябрь	Адлия вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Бизнес омбудсман, Монополияга қарши курашиш қўмитаси, Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги, Савдо-саноат палатаси	Ҳисоб-китобларга асосан	Иқтисодий ислохотларни қўллаб-қувватлашга ажратилган Жаҳон банки маблағлари	Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳаси. Лойиҳада: тадбиркорлик фаолияти ва рақобат муҳитига таъсир кўрсатувчи 6 мингдан ортиқ қонун ҳужжатларини ва 40 мингдан ортиқ техник тартибга солиш ҳужжатларини ялпи хатловдан ўтказиш ва улар сонини камида 25 фоизгача қисқартириш; соғлом рақобатни таъминлаш орқали нархларни пасайтиришга ва сифатни оширишга асосий эътиборни қаратиш; инвестиция ва тадбиркорлик фаолиятини тартибга солиш назарда тутилган янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатни киритиш билан бир вақтда, инвесторлар сарф-харажатларини оширувчи амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бекор қилиш; инвестиция ва тадбиркорлик фаолиятини тартибга солишда қонун ҳужжатлари таъсирини баҳолашнинг тўлиқ тизимини жорий этиш назарда тутилади.

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, қутилаётган натижа
90.	Савдо соҳасини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни хатловдан ўтказиш ва «Савдо тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш.	2020 йил 1 сентябрь	Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси	—	—	Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси. Лойиҳада: улғуржи, чакана, қўчма савдо, электрон савдо, етказиб бериш шарт билан савдо, умумий оқатланиш, тармоқли маркетинг каби савдонинг турлари ва шаклланишининг аниқ тартибини белгилаш ҳамда савдонинг замонавий турларини ривожлантириш; харидоргир маҳсулотлар турларини аниқлаш, уларга бозор топиш, ички ва ташқи бозорларда сотишда хусусий «трейдинг» компаниялар фаолиятини йўлга қўйиш; трейдинг компаниялар, ички ва ташқи савдо фаолиятини тартибга солувчи қонун лойиҳалари пакетини ишлаб чиқиш; комиссия, топшириқ ва дилерлик каби воситачилик шартномалари асосида савдони амалга оширишнинг механизмларини тартибга солиш; савдони амалга оширишда тўлов шакллари тақомиллаштириш; савдо соҳасидаги эскирган, ортиқча чекловлар ва тўсиқларни бартараф этиш; савдо соҳасини ривожлантириш бўйича масъул бўлган аниқ давлат органини белгилаш ва соҳада жамоатчилик назоратини кучайтириш назарда тутилади.
<b>3.9. Банк тизимини ислох қилишни давом эттириш, аҳоли ва хўжалик субъектларига кўрсатилаётган банк хизматлари сифатини ошириш, тадбиркорлик ташаббусларини амалга оширишни қўллаб-қувватлаш ҳамда замонавий банк хизматлари турларини кенгайтириш</b>						
91.	Банк тизимини узоқ муддатли ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш	2020 йил 1 апрель	Молия вазирлиги, Марказий банк, тижорат банклари	—	—	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси. Лойиҳада: давлат улушига эга бўлган банклар трансформацияси бўйича «йўл харита»ларини тасдиқлаш ва амалга ошириш;

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтилаётган натижа
						<p>давлат улушини стратегик инвесторга сотиш бўйича режа-график тузиш; банкнинг капитал, ресурс базаси ва даромадларини оширишга қаратилган аниқ чораларни белгилаш; қонун ҳужжатлари ва банк амалиётини Халқаро Базель қўмитасининг банк назорати бўйича асосий тамойилларига мувофиқлаштириш; замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда бизнес жараёнларини оптималлаштириш; аҳоли ва хўжалик субъектларига қўрсатилаётган банк хизматлари сифатини ошириш ҳамда замонавий чакана банк хизматлари турларини кўпайтириш; жорий йилда 200 та банк хизматлари офисларини ташкил этиш; 2,4 млрд АҚШ доллари миқдорида хорижий кредит линияларини жалб қилиш ва самарали ўзлаштириш; қўшимча 15 трлн сўм миқдорида юридик ва жисмоний шахсларнинг депозитларини жалб қилиш; банк тизимида ахборот-коммуникация технологияларини диагностикадан ўтказиш ва уларни замон талабларига келтириш бўйича чоралар ишлаб чиқиш; «кредит тарихи» ахборот тизимини тўлиқ ишга тушириш; тижорат банкларида корпоратив бошқарувни ривожлантириш назарда тутилади.</p>

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтиллаётган натижа
92.	Банк тизимида «лойиҳалар фабрикаси» фаолиятини жорий этиш.	2020 йил 1 август	Марказий банк, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги	—	—	Чора-тадбирлар режаси. Режада: банк тизимида инсон омилини чеклаган ҳолда рақамли технологияларни кенг қўллаш ва янги банк маҳсулотларини жорий этиш; Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкида «лойиҳалар фабрикаси» фаолиятини йўлга қўйиш учун йўналишлар кесимида бизнес лойиҳалар базасини шакллантириш назарда тутилади.
93.	Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳамда Ипотека-банк томонидан халқаро капитал бозорида корпоратив облигацияларни («евробонд») жойлаштириш.	2020 йил давомида	Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, вазирлик ва идоралар	—	—	Банкларнинг Кузатув кенгаши қарорлари. Қарорларда халқаро капитал бозорида корпоратив облигацияларни («евробонд») жойлаштириш бўйича чора-тадбирлар назарда тутилади.
94.	Банк-молия академияси фаолиятини ривожлантириш, замонавий банк амалиёти, менежменти ва хизматлар соҳасида малакали мутахассисларни тайёрлаш.	2020 йил 1 декабрь	Молия вазирлиги, Марказий банк, Банк-молия академияси, вазирлик ва идоралар	—	—	Норматив-ҳуқуқий хужжатлар лойиҳалари. Лойиҳаларда: замонавий банк амалиёти, менежменти ва хизматлар соҳасида малакали мутахассисларни тайёрлаш ва уларни тижорат банкларига жалб қилиш дастурини тасдиқлаш; Банк-молия академиясини ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш; тижорат банкларига замонавий банк амалиёти, менежменти ва хизматларни жорий этиш учун раҳбарлик лавозимларига хорижий етакчи молия институтларининг малакали мутахассисларини таклиф қилиш тартиби; давлат улушига эга бўлган тижорат банклари бошқарувига камида 4-5 нафар нуфузли хорижий банкларда фаолият юритган мутахассисларни жалб қилиш назарда тутилади.

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтилаётган натижа
95.	Молиявий хизматлар оммабоплигини ошириш стратегиясини ишлаб чиқиш.	2020 йил 1 июль	Марказий банк, Вазирлар Маҳкамаси, Молия вазирлиги, Монополияга қарши курашиш қўмитаси, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги	—	—	Норматив-ҳуқуқий хужжат лойиҳаси. Лойиҳада: Молиявий хизматлар оммабоплигини ошириш стратегиясини тасдиқлаш; молиявий хизматлардан фойдаланиш сифати ва тезкорлигини таъминлаш; аҳоли ва тадбиркорларнинг молиявий саводхонлигини ошириш, молиявий хизматлардан фойдаланадиган истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш назарда тутилади.
<p><b>3.10. Йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш соҳасида ишлар сифатини ошириш, транспорт оқимини бошқаришда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, транспорт инфратузилма объектларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатация қилишда эскирган нормаларни қайта кўриб чиқиш</b></p>						

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтиллаётган натижа
96.	Ўзбекистон Республикасининг транспорт тизимини 2030 йилгача ривожлантириш стратегияси лойиҳасини ишлаб чиқиш.	2020 йил 10 апрель	Транспорт вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги, вазирлик ва идоралар	—	—	Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳаси. Лойиҳада: транспорт хизматлари стандартлари ва сифатини яхшилаш ҳамда уларни жаҳон талаблари даражасига қўтариш; транспорт хизматлари хавфсизлиги, оммабоплиги, ишончлилиги ва барқарорлигини таъминлаш; инфратузилмани яхшилаш, мослашувчан тарифлар қўллаш ва янги истиқболли йўналишларни шакллантириш ҳисобидан мамлакат транзит салоҳиятини 7 млн тоннадан 16 млн тоннага етказиш; транспорт логистика бозори рақобатбардошлигини ошириш; транспорт тизимини рақамлаштириш, жумладан барча транспорт турларида «рақамли транспорт» платформасини жорий этиш; аҳолининг транспорт хизматларига бўлган талабини тўлиқ қондириш; ягона миллий транспорт маконини шакллантириш ҳамда уни минтақавий ва жаҳон транспорт тизимларига интеграция қилиш; Ўзбекистон Республикасини логистика самарадорлик кўрсаткичи бўйича 2030 йилгача дунёнинг 50 талик давлатлари рўйхатига киритиш мақсадида логистикага тегишли 6 та йўналиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш назарда тутилади.

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтилаётган натижа
97.	Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилгача автомобиль йўллари ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш.	2020 йил 1 сентябрь	Транспорт вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Инновация вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги	—	—	Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳаси. Лойиҳада: замонавий автомобиль йўллари тармоғини ривожлантириш, халқаро стандартларга мувофиқ йўл инфратузилмасини яхшилаш; йўл қурилиши соҳасидаги энг устувор лойиҳаларни танлаш, баҳолаш ва амалга ошириш самарадорлигини прогнозлашнинг халқаро методологиясини қўллаш; автомобиль йўллари ҳолатини мониторинг қилиш, зарур статистика маълумотларини тўплаш ва юритиш, йўл активларини бошқариш бўйича янги технологиялар ва дастурларни ишлаб чиқиш; мавжуд йўл инфратузилмасидан самарали фойдаланиш мақсадида транспорт оқимларини бошқаришнинг замонавий тизимларини қўллаш назарда тутилади.
98.	Темир йўл соҳасини ривожлантириш.	2020 йил 1 сентябрь	Транспорт вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Монополияга қарши курашиш қўмитаси, Давлат активларини бошқариш агентлиги, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ	—	—	Чора-тадбирлар режаси. Бунда Халқаро молия институтларини жалб этган ҳолда, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖнинг соҳага оид бўлмаган йўналишларини кўриб чиқиш, темир йўл соҳасида рақобат муҳитини яратиш, йўловчи ва юк ташиш, эксплуатация ва хизмат кўрсатишни бир-биридан ажратиш, хусусий секторни жалб қилиш мумкин бўлган йўналишларни алоҳида ривожлантириш бўйича таклифлар тайёрлаш кўзда тутилади.

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтилаётган натижа
99.	Транспорт соҳасида аҳоли учун янада қулайликлар яратиш ва уларга кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш мақсадида йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш чораларини кўриш.	Йил давомида	Транспорт вазирлиги, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ, «Uzbekistan Airways» АЖ, Молия вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги	170, 9 млрд.сўм  723, 2 млрд сўм  381, 2 млрд сўм  1, 42 трлн сўм	ЎТТЖ ва давлат бюджети маблағлари  тижорат банклари кредитлари  Ижрочилар маблағлари	Амалий чора-тадбирлар. Бунда: Тошкент метрополитенининг Сергели йўналишида қурилиш ишларини якунлаш; ер усти метро ҳалқа йўлининг қурилиш ишларини давом эттириш; тасдиқланган дастурларга мувофиқ қурилиш ва таъмирлаш ишларини сифатли ташкил этган ҳолда, 5,5 минг км узунликдаги автомобиль йўллари ҳолатини яхшилаш назарда тутилади.
100.	Республика иқтисодиёти ва аҳолиси эҳтиёжлари учун автомобиль транспорти хизматлари кўрсатишни янада ривожлантириш.	Йил давомида	Транспорт вазирлиги, тижорат банклари, «Ўзавтосаноат» АЖ, «Ўзавтосаноат-лизинг» МЧЖ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари	Ҳисоб-китоблар асосида	Транспорт ва логистикани ривожлантириш жамғармаси, тижорат банклари ва лизинг компаниялари, маҳаллий бюджет ва бошқа маблағлар	Амалий чора-тадбирлар. Бунда аҳолига автотранспорт хизмати кўрсатиш тизимини яхшилаш доирасида республика бўйича: 10 та халқаро ва 114 та маҳаллий янги автобус йўналишларини очиш; 26 та автостанция қуриш ва реконструкция қилиш; 296 та оралик бекатларни қуриш; 600 та янги автобуслар сотиб олиш назарда тутилади.
101.	Тошкент ва Самарқанд шаҳарларининг транспорт тизимини комплекс режалаштириш мақсадида моделлаштиришни жорий этиш.	2020 йил 1 декабрь	Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Самарқанд вилояти ҳокимлиги, Транспорт вазирлиги, ИИВ, Молия вазирлиги, вазирлик ва идоралар	6, 5 млрд сўм	Транспорт ва логистикани ривожлантириш жамғармаси	Чора-тадбирлар дастури. Дастурда хорижий компания ва мутахассисларни жалб этган ҳолда: транспорт тизимининг тегишли кўрсаткичлари бўйича янгиланиб бориладиган рақамли базани такомиллаштириш; транспорт тизимининг математик моделларини ишлаб чиқиш; шаҳар транспорт тизимини қисқа ва ўрта муддатли режалаштириш механизмни жорий этиш назарда тутилади.

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтилаётган натижа
102.	Темир йўл ва автомобиль транспорт-логистика тармоғини ривожлантириш.	Йил давомида	Транспорт вазирлиги, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ, Автомобиль йўллари қўмитаси, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги	—	—	Амалий чора-тадбирлар. Бунда: «Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон — Туркменистон — Озарбайжон — Грузия» мультимодал йўналишида блок-поездлари орқали ташувларни амалга ошириш; Ўзбекистон — Туркменистон — Эрон — Уммон йўналишидаги транспорт йўлакларини ривожлантириш; Ўзбекистон Республикасининг транзит юкларини МДХ мамлакатлари, Эрон, Болтиқбўйи давлатлари ҳудуди орқали ташиш учун темир йўл маъмуриятлари амалдаги тариф ставкаларининг 30 — 50 фоизи миқдорида тариф имтиёзларини олиш ҳамда улардан фойдаланиш назарда тутилади.
103.	Авиация тармоғининг рақобатбардошлигини ошириш.	2020 йил 1 апрель	Транспорт вазирлиги, «Uzbekistan Airways» АЖ, «Uzbekistan airports» АЖ, вазирлик ва идоралар	—	—	Чора-тадбирлар дастури. Дастурда: авиация ёқилғиси ва ҳаво кемаларига халқаро аэропортлар хизматлари (авиация ёқилғиси, аэропорт, кэтеринг, навигация ва метеорология хизматлари) учун ўрнатилган тариф ва ставкаларни 30 — 50 фоизга пасайтириш орқали уларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш; ўзаро манфаатдорлик асосида Андижон ва Бухоро халқаро аэропортларида «5 ҳаво эркинлиги» режимини таклиф этиш; тариф ва ставкаларни оптималлаштириш; ҳаво транспорти экспорти ҳажмини ошириш, пассажир ва юк ташувлари учун қулай шароитлар яратиш назарда тутилади.

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтилаётган натижа
104.	Фукаро авиацияси соҳасида парвозлар хавфсизлигини таъминлаш бўйича норматив базани такомиллаштириш.	2020 йил 1 октябрь	Транспорт вазирлиги, «Авиация» агентлиги	—	—	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси. Лойиҳада умумий фойдаланишдаги авиация ва вертолётлар парвозлари, аҳоли пунктлари бўйлаб амалга ошириладиган парвозлар хавфсизлигини таъминлаш бўйича норматив базани ишлаб чиқиш назарда тутилади.
<b>3.11. Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишда инвестиция муҳитини янада яхшилаш, хорижий инвесторларни қўллаб-қувватлаш ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш</b>						
105.	Иқтисодиёт тармоқларига замонавий технологиялар жорий этиш, қўшилган қиймати юқори бўлган рақобатбардош тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш, жойларда янги иш ўринларини яратиш мақсадида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар жалб қилишни кенгайтириш.	Йил давомида	Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, ташаббускор идоралар (вазирлик, идора ва хўжалик бошқаруви органлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари)	7,1 млрд АҚШ доллари	Хорижий инвесторлар маблағлари	Амалий чора-тадбирлар. Бунда: 2020 — 2022 йилларга мўлжалланган Инвестиция дастури доирасида лойиҳаларнинг тармоқ жадвалларини тасдиқлаш, лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва экспертизадан ўтказиш, қурилиш-монтаж ишларини ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш чора-тадбирлари; барча манбалар ҳисобидан 23 млрд АҚШ доллари миқдоридagi инвестицияларни ўзлаштириш ҳамда 206 та янги йирик қувватларни ишга тушириш; Шўртан газ-кимё комплексида синтетик суюқ ёқилғи, «Навоийазот» акциядорлик жамиятида аммиак ва карбамид ишлаб чиқариш қувватларини барпо этиш.

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтилаётган натижа
106.	Халқаро молиявий институтлар ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг узок муддатли имтиёзли кредитлари ҳисобидан аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш ва улар учун янада қулай шарт-шароитлар яратишга хизмат қилувчи бошқа ижтимоий ва инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишни кенгайтириш ва самарадорлигини ошириш.	Йил давомида	Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, ташаббускорлар (вазирлик, идора ва хўжалик бошқаруви органлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари)	2, 7млрд АҚШ доллари	Халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари маблағлари	Амалий чора-тадбирлар. Бунда 2020 — 2022 йилларга мўлжалланган Инвестиция дастури доирасида лойиҳаларнинг (соғлиқни сақлаш, таълим, йўл-транспорт, сув хўжалиги ва коммунал хизмат кўрсатиш соҳаларидаги лойиҳалардан ташқари) тармоқ жадвалларини тасдиқлаш, лойиҳа хужжатларини ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш, қурилиш-монтаж ишларини ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш чора-тадбирлари назарда тутилади.
107.	Тошкент шаҳрида Халқаро инвестиция форумини ўтказиш.	2020 йил 1 декабрь	Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, вазирлик ва идоралар	1, 2 млрд сўм	Давлат бюджети маблағлари, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг бюджетдан ташқари маблағлари	Амалий чора-тадбирлар. Бунда халқаро инвестиция форумини ўтказиш билан боғлиқ ташкилий ишларни амалга ошириш назарда тутилади.

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтилаётган натижа
108.	Кон-геология соҳасига хорижий инвестицияларни фаол жалб этиш ва қулай инвестиция мухитини яратиш мақсадида стратегик фойдали қазилмаларни ўзлаштириш борасидаги нормаларни халқаро амалиёт стандартларига мослаштириш.	2020 йил 1 май	Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси	—	—	Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳаси. Лойиҳада: кон-геология соҳасида инвестиция лойиҳаларини бошқариш ва амалга оширишнинг лицензия битими асосида ҳамкорлик қилишнинг шакли ва шартлари бўйича халқаро амалиётни жорий этиш; тўлиқ молиялаштириш таъминланганда, чет эллик инвесторларга инвестиция лойиҳасини мустақил амалга ошириш ҳуқуқини тақдим этиш; фойдали қазилмаларни қидириш ва аниқлаш ҳуқуқи учун имтиёзли бонус ставкаларини қайта кўриб чиқиш; стратегик каттик фойдали қазилмалар учун ер қўридан фойдаланишга оид солиқ ставкаларини халқаро меъёрларга мослаштириш; инвесторлар томонидан солиқлар ва мажбурий тўловлар барча турларини тўлаш тартиби; лойиҳани амалга оширишнинг бутун даврида солиқ қонунчилигининг ўзгармаслиги кафолатини таъминлаш назарда тутилади.
<p align="center"><b>3.12. Янги бозорларни ўзлаштириш, маҳсулот рақобатбардошлигини ошириш, халқаро сифатни бошқариш тизимларини жорий этишда экспортёр корхоналарни қўллаб-қувватлаш чоралари ва механизмларини кенгайтириш орқали ҳудудлар ва иқтисодиёт тармоқларининг экспорт салоҳиятини янада ошириш</b></p>						

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтилаётган натижа
109.	Евроосиё иқтисодий иттифоқи билан ҳамкорликни йўлга қўйиш масаласини атрофлича муҳокама қилиб, асосланган хулосаларни тайёрлаш.	Режа-графикка мувофиқ	Олий Мажлис палаталари (келишув асосида), Вазирлар Маҳкамаси, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, вазирлик ва идоралар	—	—	Ахборот-таҳлилий маълумот. Бунда: Евроосиё иқтисодий иттифоқи билан ҳамкорликнинг миллий иқтисодиётга таъсири; қисқа, ўрта ва узок муддатли истиқболда миллий иқтисодиёт ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги таҳлили; ҳар бир иқтисодиёт тармоғига таъсири бўйича баҳолаш; асосий ижобий ва салбий таъсир йўналишларини аниқ ёритиб бериш; бошқа халқаро ташкилотлар ва хорижий мамлакатлар билан ҳамкорлик истиқболлари билан ўзаро боғлиқлиги таҳлили назарда тутилади.
110.	Жаҳон савдо ташкилоти билан мулоқотларни фаоллаштириш бўйича 2020 йилга мўлжалланган «йўл харита»сини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш.	2020 йил 1 апрел	Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, вазирлик ва идоралар	—	—	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси. Лойиҳада: ташқи савдо режими бўйича меморандумни якунига етказиш ҳамда Жаҳон савдо ташкилотига тақдим этишнинг аниқ муддатлари ва чоралари; товарлар бозорига кириш ҳужжатини якунига етказиш ва Жаҳон савдо ташкилотига тақдим этишнинг аниқ муддатлари ва чоралари; хизматлар бозорига кириш ҳужжатини якунига етказиш ва Жаҳон савдо ташкилотига тақдим этишнинг аниқ муддатлари ва чоралари; Жаҳон савдо ташкилотига қўшилиш бўйича Ишчи гуруҳининг тўртинчи йиғилишини ўтказишга тайёргарлик юзасидан аниқ чоралар кўриш назарда тутилади.

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтилаётган натижа
111.	<p>Жаҳон савдо ташкилоти, Евроосиё иқтисодий иттифоқи, Европа Иттифоқи билан Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик битими, МДХ доирасида Эркин савдо зонаси битими бўйича ҳамкорлик масалаларини инобатга олиб Ўзбекистон Республикасининг ташқи савдо ва интеграцион ҳамкорлик стратегиясини ишлаб чиқиш.</p>	2020 йил 1 июль	Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, ТИВ, вазирлик ва идоралар	—	—	<p>Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳаси. Лойиҳада: миллий иқтисодиёт манфаатлари ва соҳалар узоқ муддатли ривожланиш концепциясидан келиб чиқиб, ўзаро уйғунлашган, экспортга йўналтирилган ва глобал иқтисодиётга силлиқ интеграцияни таъминлашга қаратилган «йўл харита»си; ўрта ва узоқ муддатли ташқи савдо сиёсатининг устувор йўналишларини белгилаб олиш; регионал ва глобал иқтисодий ҳамкорликни йўлга қўйишда жорий ташқи савдо шериклари билан ўзаро савдо муносабатларига салбий таъсирнинг олдини олиш чоралари; Инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш марказига ташқи бозорларни, янги экспорт имкониятларини, технологик ривожланишнинг глобал тенденцияларини чуқур таҳлил қилиш вазифаси ва шу асосда экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришни яратишни қўзловчи лойиҳа таклифларини шакллантириш вазифасини юклатиш назарда тутилади.</p>

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтиллаётган натижа
112.	Экспортёрларни молиявий қўллаб-қувватлаш ягона тизимини жорий этиш.	2020 йил 1 апрель	Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Марказий банк, Адлия вазирлиги, тижорат банклари	—	—	Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳаси. Лойиҳада: экспортни олдиндан молиялаш-тиришга қаратилган Экспорт-кредит агентлигини ташкил қилиш; экспортёрлар учун кредит олишда кафиллик бериш, кредит харажатлари бир қисмини қоплашни Экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармаси зиммасига юклаш; экспорт қилишда замонавий суғурта хизматларини жорий этиш ва амалда қўллаш назарда тутилади.
113.	Маҳаллий экспорт қилувчи корхоналарга? маҳсулотларни экспорт қилишда автомобиль ва ҳаво транспортида ташиш харажатларининг бир қисмини давлат томонидан қоплаб бериш механизмини жорий қилиш.	2020 йил 1 апрель	Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Транспорт вазирлиги, Молия вазирлиги	—	—	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси. Лойиҳада: транспорт харажатларини қисман қоплаш механизмини автомобиль ва ҳаво транспорти орқали ташишларга ҳам татбиқ этиш; маҳаллий ташувчилар хизматидан фойдаланишни ташиш харажатлари бир қисмини қоплаб беришнинг мажбурий шarti этиб белгилаш; транспорт харажатлари қопланадиган товарлар рўйхатига қўшимчалар киритиш ва қўшни давлатларни ҳисобга олиш назарда тутилади.

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтилаётган натижа
114.	Республикада мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш ва экспорт қилиш ҳажмларини кескин ошириш чораларини кўриш.	Йил давомида	Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошқент шаҳар ҳокимликлари, «Ўзстандарт» агентлиги, Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси, Давлат божхона қўмитаси, вазирлик ва идоралар	—	—	Амалий чора-тадбирлар. Бунда: жорий йилда 2 млрд АҚШ долларлик, кейинги 5 — 7 йилда эса бундан 3-4 баробар кўп мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш учун маҳсулот етиштиришни кескин кўпайтириш; худудларнинг тупроқ-иклим шароитлари ва бозор конъюнктурасидан келиб чиққан ҳолда туманларни босқичма-босқич ихтисослаштириш; халқаро бозорлардаги талабни таҳлил қилиш асосида экспортбоп юқори даромадли маҳсулотларни танлаб олиш; туманларнинг мавжуд имкониятларидан келиб чиқиб, маҳсулотларни етиштириш учун ер ажратиш; сифатли уруғлик ва бошқа турдаги моддий-техник ресурслар билан тизимли таъминлаш ҳамда хизматлар соҳасини ривожлантириш чораларини кўриш; чет эл карантин хизматлари билан «яшил йўллар» тизимини ўрнатиб, Европа Иттифоқи, Хитой, Корея, Япония каби давлатларга мева-сабзавот маҳсулотлари экспортини ошириш назарда тутилади.

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтилаётган натижа
115.	Экспорт ҳажмини янада кўпайтириш, импортни қисқартириш ва савдо тартибини соддалаштириш бўйича Ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш концепциясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.	2020 йил 1 июнь	Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, ТИВ, Давлат божхона қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси, Ветеринария ва чорвачилиқни ривожлантириш давлат қўмитаси, «Ўзстандарт» агентлиги, вазирлик ва идоралар	—	—	Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари. Бунда: мамлакатлар билан чегараолди савдони ривожлантириш бўйича чоралар кўриш; Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон, Тожикистон билан чегара худудларда махсус савдо зоналарини ташкил этиш бўйича музокаралар ўтказиш; маҳаллий маҳсулотларнинг ташқи бозорларга чиқиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш; Ҳиндистон, Хитой, Туркия, Япония ва бошқа давлатлар билан имтиёзли савдо тўғрисидаги битимлар имзолаш бўйича музокаралар олиб бориш; Корея, Мўғулистон, Туркманистон, Тожикистон ва бошқа давлатлар билан эркин савдо тўғрисидаги битимларни имзолаш бўйича музокаралар олиб бориш; аҳоли саломатлиги ва атроф-муҳитга салбий таъсир ўтказиши мумкин бўлган маҳсулотлар импортини олдини олиш; Жаҳон савдо ташкилоти битимлари талабларини ўрганиш ва таклифлар ишлаб чиқиш; Жаҳон савдо ташкилоти битимлари талабларини, Жаҳон божхона ташкилоти ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тавсияларини ўрганиш назарда тутилади.
116.	Андижон, Термиз ва Қўнғирот туманларида эркин савдо зоналарини ташкил этиш.	2020 йил 20 март	Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, ТИВ, вазирлик ва идоралар	—	—	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси. Лойиҳада Андижон, Термиз ва Қўнғирот туманларида эркин савдо зоналарини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини йўлга қўйиш назарда тутилади.

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтиллаётган натижа
117.	Халқаро иқтисодий интеграция жараёнида техник жиҳатдан тартибга солиш миллий тизимини халқаро нормалар билан уйғунлаштириш.	2020 йил 20 ноябрь	«Ўзстандарт» агентлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси, Ветеринария ва чорвачилиқни ривожлантириш давлат қўмитаси, Давлат экология қўмитаси	—	—	Чора-тадбирлар режаси. Режада: Ўзбекистон Республикасида маҳсулотлар хавфсизлигига талаб белгиловчи техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни халқаро амалиётни инобатга олган ҳолда қайта кўриб чиқиш; халқаро интеграциявий ташкилотларга аъзо давлатларда амалда бўлган техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларини босқичма-босқич имплементация қилиш; техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ваколатли органларнинг функция ва вазифаларини, ишлаш принципини халқаро талаблардан келиб чиқиб қайта кўриб чиқиш; ваколатли органларнинг маҳсулотларни баҳолашда фойдаланиладиган моддий-техника базасини қайта кўриб чиқиш; техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология йўналишларида кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича 2020 — 2023 йилларга мўлжалланган дастурни ишлаб чиқиш; «Ўзбекистон миллий метрология институти» давлат корхонаси тизимида Физик константалар ҳамда модда ва материаллар ҳақида стандарт ахборот маълумотлар хизматини, шунингдек, путур етказмайдиган текширув хизматини ташкил этиш назарда тутилади.

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтилаётган натижа
118.	Стандартлаштириш, метрология ва мувофиқликни баҳолаш тизимларини институционал жиҳатдан такомиллаштириш.	2020 йил 1 декабрь	«Ўзстандарт» агентлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, вазирлик ва идоралар	—	—	<p>Ахборот-таҳлилий маълумот ва «Йўл харитаси».</p> <p>Бунда:</p> <p>«Ўзстандарт» агентлиги ва унинг ташкилотлари фаолиятини халқаро тажрибадан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш; давлат-хусусий шерикчилик тамойили асосида соҳага хусусий бизнесни кенг жалб этиш;</p> <p>стандартлаштириш, метрология ва мувофиқликни баҳолаш соҳаларида хизмат кўрсатишда ИТ-технологияларни жорий этиш орқали «инсон омили»ни қисқартириш; Ўзбекистон Республикасини халқаро иқтисодий интеграция жараёнини жадаллаштириш, миллий стандартларни халқаро нормалар билан уйғунлаштириш; стандартлаштириш соҳасини 2020 — 2025 йилларда ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш; иқтисодиёт тармоқларини стандартлаштириш жараёнига кенг жалб қилиш ва халқаро техник қўмиталар фаолиятида иштирокини таъминлаш; маҳсулотларни баҳолашда фаолият юритаётган синов ва калибрлаш лабораторияларининг моддий-техника базасини қайта кўриб чиқиш ва қайта жиҳозлаш; Ўзбекистон Республикаси Давлат эталонларининг сонини 21 тага етказиш чораларини кўриш назарда тутилади.</p>

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтилаётган натижа
119.	Республикада ўтказилаётган қиёслаш натижаларининг халқаро даражада эътироф этилишига эришиш.	Йил давомида	«Ўзстандарт» агентлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Адлия вазирлиги, ТИВ	Ҳисоб-китоблар асосида	Техник қўмаклашиш ва бошқа маблағлари	Амалий чора-тадбирлар. Бунда: сертификатлаш жараёнини соддалаштириш, сифат миллий инфратузилмасини такомиллаштириш; 3 мингга яқин стандартларни қабул қилиш, уларнинг сонини 10 минггага ва халқаро стандартлар билан уйғунлашиш даражасини 40 фоизга етказиш; минтақавий метрологик ташкилотлар доирасида 11 та солиштиришда иштирок этиш; Ўзбекистон Республикасида ионли нурланиш иккиламчи эталонлари дозиметрик лабораториясини ташкил этиш; озиқ-овқат, текстиль ва кабель маҳсулотларини синаш ҳамда техник воситаларни электромагнит мослашувчанликка баҳолаш бўйича 4 та синов лабораториясини халқаро аккредитациядан ўтказиш; масса, босим ва ҳарорат катталиклари ўлчаш воситаларини калибрлаш бўйича 1 та лабораторияни халқаро аккредитациядан ўтказиш; Индонезия, БАА, Покистон, Ҳиндистон ва Саудия Арабистони билан синов натижаларининг ўзаро тан олинишини таъминлаш назарда тутилади.

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтилаётган натижа
120.	«Стандартлаштириш тўғрисида», «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида» ҳамда «Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида»ги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш.	2020 йил 1 ноябрь	«Ўзстандарт» агентлиги, Адлия вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, вазирлик ва идоралар	—	—	Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси. Лойиҳада: амалдаги қонунлардаги норма ва қоидаларнинг халқаро талабларга асосан таҳлилини ўтказиш; қонунларга сертификатлаштириш жараёнларини такомиллаштириш ва миллий аккредитация тизимининг халқаро ташкилотлар томонидан тан олинishi қонуний асосини яратишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилади.

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтиллаётган натижа
121.	Божхона маъмуриятчилиги самарадорлигини ошириш.	2020 йил 1 июнь	Давлат божхона қўмитаси, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, вазирлик ва идоралар	—	—	<p>Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳаси.</p> <p>Лойиҳада:</p> <p>халқаро стандартлар ва таъминот билан божхона қонунчилигини унификациялаш;</p> <p>божхона постларида божхона, ветеринария, фитосанитария, санитария-карантин органлари фаолияти самарадорлигини ошириш ва мувофиқлаштириш;</p> <p>чегарада логистика марказлари ва мультимодал комплексларни ташкил этиш орқали товарларни тўғридан-тўғри республиканинг божхона чегараси орқали ўтказиш пунктларида олиб чиқиш имкониятини яратиш;</p> <p>божхона аудит институтини жорий этиш;</p> <p>«ягона дарча» божхона ахборот тизимидан самарали фойдаланиш, фаолиятини янада кенгайтириш ва тақдим этилувчи рухсатномалар рўйхатини кенгайтириш;</p> <p>ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатурасига мувофиқ товарларни таснифлаш бўйича дастлабки қарор қабул қилиш учун электрон ариза бериш тартибини жорий этиш;</p> <p>«онлайн» режимда товарлар учун божхона тўловларини ҳисоблаш, рухсатнома ҳужжатларига сарф этиладиган харажатларни белгилаш имконини берувчи рукни ташкил этиш;</p> <p>ташқи иқтисодий фаолиятга доир барча давлат назорат органларининг интерактив хизматларини жойлаштириш назарда тутилади.</p>
<p><b>3.13. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш, интенсив технологиялар ва инновацион ишланмаларни кенг жорий қилиш, мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, кластер тизимини ва барча йўналишларда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини чуқур қайта ишлашни янада ривожлантириш йўналишларида қишлоқ хўжалиги соҳасини ислоҳ қилиш</b></p>						

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтилаётган натижа
122.	Қишлоқ хўжалигида кластер вакооперация муносабатларининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш.	2020 йил 1 ноябрь	Олий Мажлис Қонунчилик палатаси(келишув асосида), Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Иктисодиёт ва саноат вазирлиги, Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши	—	—	Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси. Лойиҳада: қишлоқ хўжалиги соҳасида кластер ва кооперация муносабатлари билан боғлиқ барча нормаларни ягона қонун ҳужжатига бирлаштириш ва ҳужжатларни унификациялаш; фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш, сақлаш, қайта ишлаш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида ўзаро кооперация муносабатларини жорий этишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш назарда тутилади.
123.	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан соҳа қорхоналарига кўрсатма бериш, ресурсларни тақсимлаш, режа белгилаш каби эски иш усулларида мутлақо воз кечиш.	2020 йил 1 май	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Адлия вазирлиги, вазирлик ва идоралар	—	—	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси. Лойиҳада: Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тузилмасининг ваколат ва фаолият йўналишларини халқаро функционал баҳолаш (Management Functional Assessment Model — MFAM) мезонлари асосида қайта кўриб чиқиш; вазирликни сервис ташкилотига айлантириш, яъни унга ер ҳолатини аниқлаш, экин турлари ва уруғни тўғри танлаш, самарали суғориш, зараркунандаларга қарши кураш, молиявий кўмаклашиш ва маҳсулотлар бозорини топишгача бўлган кенг қўламли хизмат кўрсатиш вазибаларини юклаш; қишлоқ хўжалигида давлат хизматларининг ролини босқичма-босқич камайтириш ва хусусий секторга бериш; аграр соҳада вертикал ва горизонтал бошқариш тизимини такомиллаштириш назарда тутилади.

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтиллаётган натижа
124.	Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармасини ислоҳ қилиб, аграр соҳанинг бошқа тармоқларига ҳам кредитлар ажратишни йўлга қўйиш.	2020 йил 1 август	Молия вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Марказий банк, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши	—	—	Норматив-ҳуқуқий хужжат лойиҳаси. Лойиҳада: Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармасини тубдан ислоҳ қилиш; маҳсулот ишлаб чиқарувчиларни молиявий қўллаб-қувватлаш механизмларини такомиллаштириш; қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун ажратилган тижорат кредитларининг фоиз ставкасини субсидиялаш; маҳсулот етиштирувчиларнинг молиявий саводхонлигини ошириш чоралари назарда тутилади.
125.	Аграр тармоқда фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш билан бирга, пахта ва ғалла етиштиришни кластер шаклига босқичма-босқич ўтказиш ишларини давом эттириш.	Йил давомида	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, «Ўзпахтасаноат» АЖ, «Ўздонмаҳсулот»АК, «Ўзтўқимачилик-саноат» уюшмаси, «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари	Ҳисоб-китобларга асосан	Ташаббускорларнинг ўз маблағлари, тижорат банкларининг кредитлари	Амалий чора-тадбирлар. Бунда: 2020 йилдан пахта ва ғалла ишлаб чиқариш ҳажмларини давлат томонидан тасдиқлашдан воз кечиш; пахта ва ғалла харид нархини давлат томонидан белгилаш амалиётидан воз кечиш; салоҳиятли ташаббускорларни танлаб олиш ва фаолиятини йўлга қўйишда ҳар томонлама қўмаклашиш; кластерлар ва маҳсулот етиштирувчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларни такомиллаштириш назарда тутилади.
126.	Мева-сабзавотчилик кластерларини ташкил этиш.	Йил давомида	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари,	Ҳисоб-китобларга асосан	Ташаббускорларнинг ўз маблағлари, тижорат банкларининг кредитлари	Амалий чора-тадбирлар. Бунда мева-сабзавотчилик кластерларини ташкил этиш чораларини кўриш назарда тутилади.

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтиллаётган натижа
127.	Қишлоқ хўжалиги техникаларини ишлаб чиқариш ва сервис хизматлари кўрсатиш соҳаси рақобатбардошлигини ошириш.	2020 йил 20 март	«Ўзагротехсаноат-холдинг» АЖ, «Ўзагросервис» АЖ, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги	Ҳисоб-китобларга асосан	Ташаббускорларнинг ўз маблағлари, тижорат банкларининг кредитлари ва бошқа манбалар	Чора-тадбирлар режаси. Режада: ишлаб чиқарилаётган техникаларнинг ички ва ташқи бозорларда рақобатбардошлигини ошириш; қишлоқ хўжалиги техникасини GPS-навигация қурилмалари билан жиҳозлаш; буюртмачи ва хизмат кўрсатувчи ўртасида хужжат алмашувини электрон тарзда амалга ошириш; кўрсатилаётган механизация ва сервис хизматларини online-режимда кузатиб бориш тизимини яратиш назарда тутилади.
128.	Мева-сабзавотчилик, узумчилик, уруғчилик, чорвачилик ва агрологистикани ривожлантириш, сув тежовчи технологияларни кенг жорий этиш, илмий-тадқиқот ишлари, соҳа учун малакали кадрларни тайёрлаш масалаларига маблағ йўналтириш.	Йил давомида	Молия вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Инновация вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги	15 млрд сўм	Давлат бюджети маблағлари	Амалий чора-тадбирлар. Бунда: Давлат бюджети параметрларидаги маблағларни мақсадли ва тўлиқ ҳажмда йўналтириш; илғор илмий ишланмалар ва инновацион лойиҳаларни устувор равишда молиялаштириш; соҳада малакали кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш мақсадлари учун маблағ ажратиш; сув тежовчи технологияларни жорий этиш учун субсидия ажратиш чораларини кўриш назарда тутилади.

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтилаётган натижа
129.	«Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг янги таҳрирдаги лойиҳасини ишлаб чиқиш.	2021 йил 1 март	Санэпидхизмат, Адлия вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Бош прокуратура, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Монополияга қарши курашиш қўмитаси, Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси, «Ўзстандарт» агентлиги	—	—	Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси. Лойиҳада: озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар, реализация қилувчилар, истеъмолчилар ва давлат назорат органларининг ҳуқуқлари ҳамда мажбуриятларини аниқ белгилаш; савдо тармоқларида назорат харидини амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмларини яратиш; юридик ва жисмоний шахслар томонидан санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига риоя этилиши бўйича маъмурий жавобгарлик чораларини белгилашга оид нормалар назарда тутилади.

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтилаётган натижа
130.	Аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш.	2020 йил 1 май	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, ТИВ, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши	Ҳисоб-китобларга асосан	Халқаро молия институтлари маблағлари	Чора-тадбирлар дастури. Бунда: дуккакли дон маҳсулотлари янада етиштиришни янада кўпайтириш; маҳаллий навлар, хориждан импорт қилинаётган навлар ва дурагайлارни синовдан ўтказиш ҳамда давлат реестрига киритиш ишларини тубдан такомиллаштириш; қишлоқ хўжалигида агроэкология тизимини жорий қилиш; органик қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш ва кенг жорий этиш; сабзавот, полиз ва картошка экинлари уруғларини етиштириш, уларни апробациядан ўтказиш, етиштирилган уруғликларни сақлаш бўйича ҳуқуқий асосларни ишлаб чиқиш; республикада узумчилик ва виночилик соҳасини янада ривожлантириш, жумладан туризм хизматларини кўрсатишга йўналтирилган кичик виночилик корхоналарини ташкил этиш; ФАОнинг Европа ва Марказий Осиё бўйича ваколатхонаси билан ҳамкорликда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича минтақавий конференция ўтказиш назарда тутилади.

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтилаётган натижа
131.	Қишлоқ хўжалигида илм-фан, таълим, ахборот ва маслаҳат хизматлари тизимини ривожлантириш.	2020 йил 1 апрель	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Инновация вазирлиги	—	—	Норматив-ҳуқуқий хужжат лойиҳаси. Лойиҳада: қишлоқ хўжалиги илмий салоҳиятини янада ошириш бўйича 2020 — 2025 йилларга мўлжалланган дастур ишлаб чиқиш; фундаментал ва амалий тадқиқотлар ҳамда инновацион фаолиятнинг асосий йўналишларини ишлаб чиқиш; қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг замонавий шакллари яратиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш; хорижий илмий марказлар билан ҳамкорликда қўшма лойиҳаларни амалга ошириш, замонавий «smart», ресурс тежамкор ва инновацион технологиялар бўйича тор ихтисосликдаги малакали илмий кадрларни тайёрлаш назарда тутилади.
132.	«Давергеодезкадастр» қўмитасининг фаолиятини тубдан такомиллаштириш, ноқишлоқ хўжалиги ер участкалари ва бино-иншоотларни бозор нархига яқин кадастр баҳосини аниқлаш институтини жорий этиш.	2020 йил 1 май Йил давомида	«Давергеодезкадастр» қўмитаси, Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Бош прокуратура, Тошкент шаҳар ҳокимлиги	—	—	Норматив-ҳуқуқий хужжат лойиҳаси ва амалий чора-тадбирлар. Лойиҳада: «Давергеодезкадастр» қўмитаси фаолиятини такомиллаштириш; автоматлаштирилган рақамли ахборот тизимини жорий этиш; қўмитани моддий-техника базасини ривожлантириш; қўчмас мулкни оммавий шакллантириш ва баҳолаш методологиясини ишлаб чиқиш; қўчмас мулкнинг оммавий шаклланиши бўйича дастлабки электрон картографик маълумотлар тўпламини шакллантириш; қўчмас мулкни оммавий баҳолаш ишларини ташкил этиш бўйича ягона базада маълумотлар тўпламини тизимлаштириш; шаффоф механизм жорий этган ҳолда қўчмас мулк объектининг кадастр баҳосини янги электрон тизимга ўтказиш;

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтиляётган натижа
						<p>кўчмас мулкнинг кадастр баҳосини аниқлаш учун Интернет тармоғи орқали буюртма бериш тартибини жорий этиш назарда тутилади.</p> <p>Амалий чора-тадбирларда:</p> <p>давлат кадастрлари маълумотлари алмашинувини таъминлаш ва кадастр маълумотларини янгилаб бориш мақсадида давлат кадастрлари тизими фазовий маълумотлар геопорталларини яратиш;</p> <p>давлат кадастрларини юритувчи вазирликлар томонидан очиқ фазовий маълумотларни давлат кадастрлари тизими билан ахборот алмашинувини йўлга қўйиш;</p> <p>интерактив кадастр хариталарини яратиш ва фойдаланувчилар учун интернет тармоғида метамаълумотлар тизимини яратиш назарда тутилади.</p>
133.	<p>2020 — 2030 йилларда сув хўжалигини ривожлантириш концепцияси лойиҳасини ишлаб чиқиш.</p>	2020 йил 1 апрель	<p>Сув хўжалиги вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, Давлат экология қўмитаси, вазирлик ва идоралар</p>	400 минг АҚШ доллари	Осиё тараққиёт банкининг грант маблағлари	<p>Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳаси.</p> <p>Лойиҳада:</p> <p>Концепцияда белгиланган вазифаларни бажариш орқали 2030 йилга бориб эришиладиган натижаларнинг кўрсаткичлари;</p> <p>суғориш тармоқларини қуриш ва реконструкция қилиш орқали улардаги фойдали иш коэффициентини 0,64 дан 0,70 га ошириш;</p> <p>суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, фойдаланишдан чиққан 298 минг гектар ерни фойдаланишга қайтариш;</p> <p>насос станцияларини модернизация қилиш ва энергия тежамкор тадбирларни амалга ошириш орқали электр энергия сарфини ҳозирги 7,6млрд кВт. соатдан 7 млрд кВт. соатга камайтириш;</p>

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтиллаётган натижа
						<p>сувни тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш, 2025 йилгача сувни тежайдиган технологиялар қўлланиладиган ер майдонларини 1 млн гектарга етказиш, томчилатиб суғориш тизимини 300 минг гектардан ошиқ майдонда жорий этиш; сув хўжалиги объектларини бошқариш жараёнларини, сувни назорат қилиш ва унинг ҳисобини юритиш тизимини автоматлаштириш; «Smart Water» қурилмалари ўрнатилган объектлар сонини 2025 йилгача 400 тага етказиш ва 2030 йилга бориб 1000 тадан ошириш; барча насос станцияларининг электр энергия сарфини «онлайн» мониторинг қилиш тизимига ўтказиш; лойиҳа ташкилотларининг моддий-техника базасини яхшилаш ва уларнинг салоҳиятини ошириш ҳамда лойиҳа хужжатлари сифатини ошириш; давлатлараро муносабатларни яхшилаш ва трансчегаравий сув масалалари назарда тутилади.</p>
134.	Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ирригация ва мелиорация объектларининг хавфсиз ва барқарор ишлашини таъминлаш, сув ресурсларидан оқилон ва тежамли фойдаланиш.	Йил давомида	Сув хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари	1 трлн сўм 186 млн АҚШ доллари	Давлат бюджети маблағлари, халқаро молия институтлари маблағлари	Амалий чора-тадбирлар. Бунда: 421 км магистрал, туманлараро ва хўжаликлараро коллекторлар тизимини, 94 км ёпиқ ётиқ дренажлар, 214 км каналлар, 66км лоток тармоқларини ҳамда 24 та гидротехник иншоотни қуриш ва реконструкция қилиш; 326,5 минг гектар майдоннинг суғориш тизимини, 198,2 минг гектар майдоннинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш назарда тутилади.

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтиллаётган натижа
135.	2020 йилда 44 минг гектарда ёки ўтган йилга нисбатан қарийб 4 баробар кўп майдонда сув тежовчи технологияларни жорий этиш.	Йил давомида	Молия вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари	300 млрд сўм	Давлат бюджети маблағлари, тижорат банкларининг кредитлари	Амалий чора-тадбирлар. Бунда: 135 млн куб.метр сув ва бошқа ресурсларни иқтисод қилиш, 20минг гектар такрорий экин майдонларини кафолатли сув билан таъминлаш чоралари; 2020 йилда жами 48 525 гектарга сув тежовчи технологияларни кенг жорий этиш назарда тутилади.
136.	Республика миқёсидаги барча сув ресурслари ҳисоби ва ҳисоботини юриштининг ягона тизимини ташкил этиш.	2020 йил 1 сентябрь	Уй-жой ва коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Давлат геология ва минерал ресурслар кўмитаси, «Ўзгидромет» маркази, Давлат экология кўмитаси	—	—	Вазирлар Маъкамаси қарори лойиҳаси. Лойиҳада: сувдан қатъий чекланган лимит асосида самарали фойдаланиш; сув ресурслари балансини ишлаб чиқиш; давлат сув кадастри ва сув ҳисобини юритиш; барча манбаларнинг сув ресурслари бўйича ягона маълумотлар базасини яратиш ва ривожлантириш назарда тутилади.
137.	Чорвачилик озуқа базасини янада мустаҳкамлаш.	2020 йил 20 март	Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат кўмитаси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, «Давергеодезкадастр» кўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари	—	—	Чора-тадбирлар дастури. Дастурда: озуқабоп экинларни этиш учун юқори хосилдор уруғликлар етказиб бериш; чорвачилик хўжаликларига ажратилган экин ерларида озуқабоп экинларни экиш; чўл-яйлов озуқабоп экинлари уруғчилигини йўлга қўйиш; чорвачилик хўжалиklarини шрот, шелуха ва омухта ем маҳсулотлари билан биржа савдоси орқали таъминлаш; чорвачиликда инновацион ишланмаларни кенг жорий қилиш чоралари назарда тутилади.
<b>3.14. «Рақамли иқтисодиёт»ни жадал ривожлантириш, инсон фаолиятининг барча соҳаларига рақамли технологияларни кенг жорий этиш, жумладан соғлиқни сақлаш ва таълим соҳаларига, иқтисодиётнинг реал секторида ишлаб чиқариш ва бошқариш тизимларини автоматлаштириш, ахборот тизимининг яхлитлиги ва барқарор фаолиятини ҳамда ахборот хавфсизлигини таъминлаш</b>						

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтилаётган натижа
138.	«Рақамли Ўзбекистон — 2030» дастурини ишлаб чиқиш.	2020 йил 1 апрель	Вазирлар Маҳкамаси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги, Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги, вазирлик ва идоралар	—	—	Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони лойиҳаси. Лойиҳада: телекоммуникация соҳаси, давлат хизматларини кўрсатиш, иқтисодиётнинг реал сектори тармоқлари, соғлиқни сақлаш, давлат кадастри ва бошқа соҳаларда рақамли технологияларни кенг жорий этиш, бу борада «Рақамли Ўзбекистон — 2030» дастурини тасдиқлаш; Вазирлар Маҳкамасининг тузилмасига Бош вазирнинг рақамли технологиялар ва электрон ҳукумат масалалари бўйича ўринбосари лавозимини жорий этиш; вазирлик ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида раҳбарнинг рақамли технологиялар ва электрон ҳукумат масалалари бўйича ўринбосари лавозимини киритиш; электрон ҳукуматнинг техник инфратузилмасини такомиллаштириш; инсон капиталини ривожлантириш ҳамда кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш; давлат хизматларини рақамли шаклга трансформация қилиш ва ахборот экотизимини ривожлантириш; давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш, аҳолининг электрон иштироки даражасини ошириш; ахборот хавфсизлигини, ахборот ресурслари ва тизимларининг ҳимоясини таъминлаш; рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукумат соҳасидаги ягона ваколатли органни белгилаш назарда тутилади.

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтилаётган натижа
139.	Давлат ташкилотларидаги барча турдаги ҳисоботлар ҳамда маълумотлар базаларини интеграциялаш орқали маълумотларни бошқаришнинг ягона давлат тизимини яратиш.	2020 йил 1 июнь	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Лойиха бошқаруви миллий агентлиги, Давлат статистика қўмитаси, Молия вазирлиги, вазирлик ва идоралар	—	—	Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси. Бунда: вазирлик ва идоралар электрон тизимлари ва ахборот базаларини статистика электрон тизимлари билан интеграция қилиш имкониятларини ўрганиш ва тегишли «йўл харитаси»ни ишлаб чиқиш; барча турдаги ҳисоботлар ҳамда маълумотлар базаларини интеграциялашни назарда тутувчи маълумотларни бошқариш давлат тизимини яратиш учун молиялаштириш манбаларини ва бажариш муддатларини аниқ белгилаш; бир турдаги маълумотларни тадбиркорлик субъектларидан бир марта сўраб олиш назарда тутилади.
140.	Энергетика вазирлиги тизимидаги ташкилотларда назорат ва маълумотлар йиғиш тизимини (SCADA), энергия менежменти тизимини (EMS) ҳамда бошқа турдаги ахборот технологияларини жорий этиш ва модернизация қилиш.	Йил давомида	Энергетика вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, «Иссиқлик электр станциялари» АЖ, «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖ, «Худудий электр тармоқлари» АЖ, «Ўзбекгидроэнерго» АЖ	2 трлн сўм	Жаҳон банки кредитлари ва ўз маблағлари	Амалий чора-тадбирлар. Бунда: электр энергетикаси тизими корхоналарида ишлаб чиқариш жараёнларини бошқариш ва назорат қилишда замонавий ва инновацион технологияларни жорий этиш; энергетика хавфсизлигини таъминлаш, электр энергиясини ишлаб чиқариш, етказиб бериш ва тақсимлаш жараёнларида асосий техник-иқтисодий кўрсаткичларни мониторинг қилиш ва режимларни оптималлаштириш назарда тутилади.

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтилаётган натижа
141.	Қишлоқ хўжалигида рақамли технологияларни кенг жорий этиш.	Йил давомида	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, «Давергеодезкадастр» қўмитаси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлант?риш вазирлиги	—	—	Амалий чора-тадбирлар. Бунда: «Рақамли қишлоқ хўжалиги» ягона интеграцион платформасини (e-agriculture.uz) яратиш; қишлоқ хўжалиги ерларининг биринчи ва иккинчи экин турлари, ҳосилдорлик даражасидан келиб чиқиб «онлайн ҳосил» ягона ахборот базасини яратиш; қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг ҳисобини юритишда илғор хорижий компаниялар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш; Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг белгиланган штат бирликлари доирасида рақамли технологияларни жорий этиш бўйича таркибий тузилма ташкил қилиш; «Ақлли қишлоқ хўжалиги» технологиясини кенг жорий қилиш назарда тутилади.
142.	Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки (IT-парк)нинг худудини кенгайтириш ва янги инфратузилма объектларини қуриш.	2020 йил 1 июнь	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожланттириш вазирлиги, Қурилиш вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, тегишли маҳаллий давлат ҳокимияти органлари	Ҳисоб-китобларга асосан	Ижрочилар маблағлари, маҳаллий бюджет маблағлари ва тижорат банклари кредитлари	Амалий чора-тадбирлар. Бунда Қорақалпоғистон Республикаси Жўкорғи Кенгеси, Самарқанд, Бухоро, Хоразм ва Наманган вилоятлар ҳокимликлари билан куйидагиларни назарда тутувчи қўшма қарорлар қабул қилиш: Нукус, Бухоро, Наманган, Самарқанд, Гулистон ва Урганч шаҳарларида технопарк ташкил этиш; технопаркнинг худудий филиалларини қўриш ҳамда зарур инфратузилмаларни ташкил этишни маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан ва давлат-хусусий шериклик асосида амалга ошириш; ташкил этилиши белгиланган объектларни технопаркка оператив бошқарув ҳукуқи асосида бериш.

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтилаётган натижа
143.	<p>Фаолият доирасини кенгайтириш, «стартап лойиҳаларини хар томонлама, шу жумладан венчур молиялаштириш асосида, қўллаб-қувватлашни ташкил этиш ва ИТ компаниялар учун қулай шарт-шароитлар яратиш орқали дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик паркинни янада ривожлантириш.</p>	2020 йил I сентябрь	<p>Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Инновация вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги</p>	Ҳисоб-китобларга асосан	<p>Ахборот-коммуникация технология-ларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари, кредитлар, грантлар ва бошқа маблағлар</p>	<p>Норматив-ҳуқуқий хужжат лойиҳаси ва амалий чора-тадбирлар. Бунда: технологик паркда акселерация ва инкубация дастуридан ўтган стартап-лоийҳаларни молиялаштириш мақсадида ички жамғарма фаолиятини ташкиллаштириш; истиқболли «стартап лойиҳалари»ни қўллаб-қувватлаш, ахборот технологиялари соҳасида бошланғич ва кичик корхоналарга қўмаклашиш; ахборот технологиялари ва дастурий маҳсулотлар бозорини ривожлантириш, хар йили камида 15 та истиқболли «стартап лойиҳалари»ни молиялаштириш; қўшимча бино ва иншоотларни куриш, мавжудларини реконструкция қилиш орқали технопаркда кўп микдордаги компания-резидентларни, лойиҳа ташаббускорларини жойлаштириш учун имкониятлар яратиш назарда тутилади.</p>

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтилаётган натижа
144.	Аҳоли, айниқса, ёшлар орасида рақамли кўникмаларни такомиллаштириш, «Бир миллион дастурчи» лойиҳасини амалга ошириш.	Йил давомида	Вазирлар Маҳкамаси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Инновация вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	Ҳисоб-китобларга асосан	Ижрочилар маблағлари ва тижорат банклари кредитлари	Амалий чора-тадбирлар. Бунда: таълим тизимининг барча босқичларида халқаро андозаларга тўлиқ жавоб берадиган замонавий ахборот технологияларини ўқитиш; «Ақлли мактаб», «Электрон кутубхона» ва бошқа лойиҳаларни амалга ошириш учун инфратузилмани шакллантириш; аҳолининг кенг қатламларини ахборот технологияларини ўзлаштиришга жалб қилиш мақсадида ўқув юртларида семинар ва бошқа тадбирларни ўтказиш; рақамли технологиялар ўқитиш марказлари сонини 80тага етказиш; хорижий ҳамкорлар билан биргаликда «Бир миллион дастурчи» лойиҳасини рақамли технологиялар ўқув марказлари, мактаблардаги информатика тўғрақларида босқичма-босқич амалга ошириш; танлов ғолибларини саралаш ва тақдирлаш, битирувчиларни ишга жойлаштириш назарда тутилади.

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтилаётган натижа
145.	Интеллектуал мулк фаолиятини ривожлантириш ва замонавий ИТ-ечимлар, аутсорсинг усуллари ва «сунъий интеллект»дан фойдаланган ҳолда интеллектуал мулк объектлари экспертизасини ташкил этишни такомиллаштириш.	2020 йил 1 август	Адлия вазирлиги, Интеллектуал мулк агентлиги, Инновация вазирлиги, Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги	—	—	Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳаси. Лойиҳада: интеллектуал мулкнинг самарали бозор баҳоси учун шарт-шароитлар яратиш; номоддий активлар айланишини соддалаштириш; бюджет маблағлари ҳисобидан ташкил этилган интеллектуал мулк фаолияти билан шуғулланишни ривожлантириш; интеллектуал мулк объектларини экспертизадан ўтказиш тизимини такомиллаштириш; интеллектуал мулк объектларини экспертизадан ўтказиш жараёнига замонавий ИТ-ечимлар, аутсорсинг усуллари ва «сунъий интеллект»ни қўллаш механизмларини жорий этиш назарда тутилади.

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтилаётган натижа
146.	«Хавфни бошқариш» автоматлаштирилган ахборот тизимини автомобиль чегара божхона постларида жорий этиш, темир йўл транспортида ташилаётган товарлар бўйича юридик шахслар, вагон, контейнер, ҳаракатланиш ҳудуди ёки сақланаётган (тўхтаб турган) темир йўл станцияси тўғрисида электрон маълумотларни божхона органига реал вақт режимида тақдим этиш.	2020 йил 1 июнь	Давлат божхона қўмитаси, Транспорт вазирлиги, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ, вазирлик ва идоралар	—	—	Чора-тадбирлар режаси. Режада: ахборот тизимининг чегара божхона постларида жорий этилиши билан товарлар ва автотранспорт воситаларини самарали божхона назоратидан ўтказиш; расмийлаштириш вақтини қисқартириш; божхона пости ўтказувчанлигини ошириш; ташқи савдо юкларининг ўз вақтида манзил божхона постларига етиб боришини назорат қилиш; темир йўл транспортида ташилаётган юкларни белгиланган манзил божхона пости ёки темир йўл станциясига етиб боришидан олдин номаълум ҳудудларда алмаштириб қўйиш ва товарга тегишли юк-кузатув ҳужжатларини сохталаштириш каби жиноятларнинг олдини олиш; темир йўл транспортида ташилаётган халқаро юклар тўғрисида реал вақт режимида улар турган темир йўл станцияси ва темир йўл таркибидаги вагон ва контейнерларнинг ички ҳудудлардаги ҳаракатини Давлат божхона қўмитасининг маъмур ахборот тизими орқали онлайн кузатиш назарда тутилади. Бунинг учун темир йўл ташкилотлари божхона органларига вагонларнинг республика ҳудудида ҳаракатланиши тўғрисидаги маълумотларни ягона технологик ахборот хамкорлик тизими орқали беғараз тақдим этиши назарда тутилади.

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтилаётган натижа
147.	Телекоммуникация инфратузилмасини янада ривожлантириш.	2020 йил 1 апрель  Йил давомида	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, «Ўзбектелеком» АК	Ҳисоб-китобларга асосан	Жаҳон банки, Хитой ривожлантириш банки кредити, ускуна етказувчиларнинг кредитлари	Амалий чора-тадбирлар. Бунда: кенг полосали уланиш тармоқларини ривожлантириш; яқин 2 йилда барча қишлоқ ва маҳаллаларни тезкор Интернет билан таъминлаш; 800 минг кенг полосали уланиш абонент портларини ўрнатиш; маълумотларни сақлаш ва қайта ишлаш марказини кенгайтириш; 40 та сервер қурилмаси ва 5 та комплект маълумотларни сақлаш тизимини ўрнатиш; мобиль алоқа тармоқларини кенгайтириш ва модернизация қилиш; олис аҳоли яшаш жойларида мобиль алоқа тармоғини кенгайтириш учун 2 мингдан зиёд база станцияларини қуриш ва модернизация қилиш; оптик толали алоқа линиялари тармоқларини қуриш; FTTx технологияси орқали 12 000 км оптик толали алоқа линияларини қуриш; лойиҳани амалга ошириш натижасида аҳолига сифатли кенг полосали телекоммуникация хизматларини кенгайтириш назарда тутилади.

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтилаётган натижа
148.	Республика биометрик паспорт тизими инфратузилмаси негизда Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг 2011 йилги намунадаги биометрик паспорти ўрнига идентификациялаш ID-карталарини бериш тизимини жорий этиш.	2020 йил 1 апрель  Йил давомида	Давлат персоналлаштириш маркази, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, ИИВ, Адлия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси	Ҳисоб-китобларга асосан	Ижрочилар маблағлари	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳалари ва амалий чора-тадбирлар. Бунда: шунга ўхшаш тизимларнинг жорий этилиши ва унинг «Электрон ҳукумат» тизимларига интеграцияси бўйича хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда, лойиҳа олди ўрганишни ўтказиш; лойиҳани амалга оширишни бошлаш мақсадида техник-лойиҳа ва меъёрий ҳужжатларни, жумладан стандартларни тайёрлаш; давлат органларининг технологик инфратузилмасини, жумладан маълумотлар узатиш тармоқлари, аппарат-дастурий таъминот тизимлари ва бошқаларни босқичма-босқич ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш; лойиҳани босқичма-босқич амалга ошириш; янги туғилган барча шахсларга ва 16 ёшга тўлмаган шахсларга Жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақамини (ЖШ ШИР) бириктириш, барча жисмоний шахсларга электрон кўринишдаги давлат хизматлари кўрсатиш ва уларни идентификация қилиш учун фарзандларни ота-она маълумотлари билан боғлаш назарда тутилади.
<b>3.15. Давлат бошқарувининг замонвий услларини, давлат-хусусий шериклик механизмларини қўллаш қўламини кенгайтириш, бўш турган ер майдонлари, бино ва иншоотлардан самарали фойдаланишни жадаллаштириш</b>						
149.	«Табиий монополиялар тўғрисида» ва «Ракобат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари нормаларини унификация қилиш.	2020 йил 1 ноябрь	Монополияга қарши курашиш қўмитаси, Давлат активларини бошқариш агентлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Адлия вазирлиги, вазирлик ва идоралар	—	—	Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси. Лойиҳада халқаро тажрибани ўрганиш асосида эркин ракобат муҳитини олиб кириш мумкин бўлган монополия соҳаларига хусусий сектор учун йўл очиш ва ракобат муҳитини шакллантириш назарда тутилади.
150.	Давлат иштирокидаги корхоналарга эгалик қилиш стратегиясини ишлаб чиқиш.	2020 йил 1 апрель	Вазирлар Маҳкамаси, Давлат активларини бошқариш агентлиги,	—	—	Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳаси:

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Монополияга қарши курашиш Ижро қўшма маъмуллар Молия вазирлиги,	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтиллаётган натижа
			Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Энергетика вазирлиги, Савдо-саноат палатаси			<p>Лойиҳада:</p> <p>корхоналарни давлат эгалигида (ихтиёрида) сақлаб қолишни асословчи мезонларни аниқлаш;</p> <p>давлат иштирокидаги корхоналар ва хусусий корхоналар учун тенг шароитлар яратиш;</p> <p>давлат иштирокидаги корхоналар фаолиятида очиклик ва шаффофликни таъминлаш;</p> <p>давлат иштирокидаги корхоналарга нисбатан функцияси, мақсадини аниқ белгилаш, давлат иштирокидаги корхоналарга эгалик қилиш асосларини белгилаш;</p> <p>давлатнинг корхоналарга нисбатан назорат ва мулкдор функцияларини ажратиш;</p> <p>давлат иштирокидаги корхоналарнинг ижро органи ва кузатув кенгаши аъзоларини моддий рағбатлантириш мос равишда самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари натижалари ва корпоратив бошқарув тамойилларини жорий этилиши даражасини баҳолашга тўғридан-тўғри боғлаш;</p> <p>давлат иштирокидаги корхоналар бошқарув ва назорат органлари масъулияти ва жавобгарлигини кучайтириш, уларнинг фаолиятини такомиллаштириш;</p> <p>давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини жорий этиш;</p> <p>давлат иштирокидаги корхоналарни хусусийлаштириш;</p> <p>товар ва молия бозорларида устунлик мавқеига эга давлат иштирокидаги корхоналар сонини қисқартириш;</p> <p>давлат иштирокидаги корхоналарни тузишда монополияга қарши курашиш органининг</p>

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтиллаётган натижа
						<p>олдиндан розилигини олиш механизмини жорий этиш;  давлат иштирокидаги базавий ва инфратузилмавий корхоналарни ислох қилиш, улар фаолиятига молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини жорий этиш, халқаро аудитдан ўтказиш ва халқаро рейтинг олиш;  Навоий ва Олмалиқ кон-металлургия комбинатлари каби йирик, юқори даромад берадиган корхоналарни акциялаштириб, назорат улушини давлатда сақлаб қолган ҳолда, акцияларнинг бир қисmini сотувга чиқариш;  2020 йилда халқаро стандартлар асосида молиявий ҳисоботларни тузиш, захираларни қайта ҳисоблаш, корпоратив ошкораликни татбиқ этиш ишларини яқунлаш;  нефть-газ соҳасидаги давлат корхоналарини бошқаришга хорижий экспертларни жалб қилиб, уларнинг самарадорлигини ошириш ва харажатларини оптималлаштириш, қарз миқдорини камайтиришга эришиш;  2020 йилда камида 20 та акциядорлик жамиятлари акцияларини бирламчи ва иккиламчи оммавий жойлаштириш (IPO/SPO) орқали сотиш;  давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини улар сонини қисқартириш нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиш назарда тутилади.</p>

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтилаётган натижа
151.	Давлат иштирокидаги корхоналарнинг рақобат муҳитига салбий таъсир кўрсатувчи мавжуд эксклюзив ҳуқуқларини қисқартириш.	2020 йил 1 октябрь	Монополияга қарши курашиш қўмитаси, Давлат активларини бошқариш агентлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги	—	—	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси. Лойиҳада: давлат иштирокидаги корхоналарнинг рақобат муҳитига салбий таъсир кўрсатувчи эксклюзив ҳуқуқларини тўлиқ хатловдан ўтказиш; эксклюзив ҳуқуқларни қисқартириш бўйича тегишли қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш назарда тутилади.
152.	Давлат активларини бошқариш самарадорлигини ошириш.	2020 йил 1 май	Давлат активларини бошқариш агентлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги	—	—	Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари. Лойиҳаларда: давлат қўчмас мол-мулкни ижарага бериш тизимини такомиллаштириш, давлат улуши 50 фоиз ва ундан юқори бўлган хўжалик жамиятларининг қўчмас мол-мулкни ижарага беришни тартибга солиш; давлат муассасалари ва корхоналари балансида бўлган автотранспорт воситаларини баҳоланган қийматда, устав фондида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслар ҳамда устав фондининг 50 фоизи ва ундан ортиғи давлат улуши юқори бўлган корхоналарга тегишли юридик шахсларнинг қўчмас мол-мулкни электрон савдода сотиш амалиётини жорий этиш; акциядорлик жамиятлари ижроия органи ваколатларини бир йилдан уч йилгача ошириш; хўжалик жамиятлари кузатув кенгаши таркибида давлат хизматчиларини босқичма-босқич камайтириш мақсадида Ўзбекистон кузатув кенгашлари мустақил аъзолари уюшмасини ташкил этиш назарда тутилади.

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтилаётган натижа
153.	Баҳолаш фаолиятини такомиллаштириш.	Йил давомида	Давлат активларини бошқариш агентлиги, Баҳоловчи ташкилотлар ассоциацияси, Ўзбекистон баҳоловчилар жамияти, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги	—	—	Амалий чора-тадбирлар. Бунда: миллий баҳолаш стандартларини халқаро баҳолаш стандартлари тамойилларига мувофиқлаштириш; халқаро сифат стандартларига мувофиқ кўрсатиладиган хизматлар сифатини бошқариш тизимини камида 10 та баҳолаш ташкилоти фаолиятига жорий этиш; баҳолаш фаолияти соҳасидаги жамоат ташкилотларини халқаро баҳолаш ташкилотларига қўшилиши ва уларнинг ишларида фаол иштирок этиши орқали халқаро даражага кўтариш; баҳоловчиларга халқаро эътироф этилган профессионал сертификатларни олишда кўмаклашиш; мулкнинг реал бозор баҳосини аниқлашда энг илғор хорижий тажрибага асосланган баҳолашнинг ягона стандартини жорий этиш; маҳаллий баҳоловчилар ва баҳоловчи ташкилотларни баҳолаш фаолияти соҳасидаги жамоат ташкилотларига жалб этиш; баҳолаш ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган иш ва хизматлар сифатини бошқаришнинг халқаро стандартлари асосида амалиётга жорий этиш назарда тутилади.

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш мuddати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтиллаётган натижа
154.	Риэлторлик фаолиятини такомиллаштириш.	2020 йил 1 июль  2020 йил III чорак	Давлат активларини бошқариш агентлиги, Адлия вазирлиги, Давлат хизматлари агентлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Риэлторлар ассоциацияси  Давлат активларини бошқариш агентлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги	—	—	Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ва амалий чора-тадбирлар. Бунда: 2020 йилда риэлторлик фаолиятини лицензиялаш функциясини давлат бошқарувидан риэлторларнинг профессионал жамоат ташкилотларига босқичма-босқич ўтказиш; «Риэлторлик фаолиятини лицензиялашнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида»ги ҳуқуқат қарори лойиҳасида лицензиялаш ва риэлторларни сертификатлаш каби риэлторлик фаолиятини тартибга солиш жараёнларини жойлардаги давлат хизматлари марказлари орқали электрон шаклга ўтказиш; «Ўзбекистон Республикасининг ягона мультилистинг тизимини яратиш тўғрисида»ги ҳуқуқат қарори лойиҳасида барча сотилаётган кўчмас мулк объектлари ҳақидаги ишончли ахборотни реал вақт режимида олиш, уларнинг бозор нархини ошқора ва шаффоф шакллантириш имконини берадиган кўчмас мулк бозорининг ягона электрон платформасини; мультилистинг тизимини кўчмас мулк объектлари эксклюзив шартномалар шартлари асосида бериладиган маълумотлар базалари билан боғлаш, кўчмас мулк бозори иштирокчиларининг (риэлторларнинг) аъзо бўлиши бозорда ишлашнинг зарурий шarti бўлиши назарда тутилади.

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтилаётган натижа
155.	Тўловга қобилиятсизлик таомилларини такомиллаштириш.	2020 йил 1 июль	Давлат активларини бошқариш агентлиги, Олий суд, Давлат солиқ қўмитаси	—	—	Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси. Лойиҳада: соғломлаштириш орқали иқтисодий ночор корхоналарни соғломлаштириш тартиботларининг кенг қўлланилишини рағбатлантириш; жисмоний шахсларнинг банкротлик жараёнларини тартибга солувчи нормаларни жорий этиш; тўловга қобилиятсизлик таомиллари қўлланилган корхоналарга нисбатан солиқ имтиёзларини бериш тартибини жорий этиш назарда тутилади.

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтилаётган натижа
156.	Инвестицияларни жалб қилишда давлат-хусусий шериклик механизмларини катта миқдорда капитал қўйилмаларни талаб этувчи соҳаларга татбиқ этиш.	Йил давомида	Вазирлар Маҳкамаси, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги, Транспорт вазирлиги, Энергетика вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлиги, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Молия вазирлиги, вазирлик ва идоралар	—	—	Амалий чора-тадбирлар. Бунда: инвестиция жалб қилишнинг самарали воситаларини қўллашга қаратилган чора-тадбирлар; транспорт, энергетика, йўл, коммунал, тиббиёт, таълим каби соҳаларга давлат-хусусий шериклик механизмларини кенг татбиқ этиш; соҳа бўйича йиллик капитал қўйилмаларнинг талаб этиладиган ҳажми, уни давлат-хусусий шериклик механизмлари орқали молиялаштириладиган улуши ва муддатлари; давлат-хусусий шериклик асосида амалга ошириладиган лойиҳалар бўйича давлат мажбуриятларини кафолатлаш механизмларини жорий этиш; давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини тузиш борасидаги мақсадли индикаторлар, амалий чора-тадбирлар ва тармоқ жадваллари; давлат-хусусий шериклик лойиҳаларининг ижро этилишини мунтазам мониторинг қилиш; давлат-хусусий шериклик лойиҳаларининг самарадорлиги ва амалий натижадорлигини баҳолашга қаратилган чора-тадбирлар назарда тутилади.
<b>IV. ИЖТИМОИЙ СОҲАНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ</b>						
<b>4.1. Таълим ва фан соҳасини ривожлантириш</b>						

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтиллаётган натижа
157.	Мактабгача таълимнинг қамровини 60 фоизга етказишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш.	Йил давомида	Мактабгача таълим вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Қурилиш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	1,8 трлн сўм	Давлат бюджети маблағлари	2020 — 2022 йилларга мўлжалланган Инвестиция дастурига киритилган лойиҳаларнинг тармоқ жадваллари ва амалий чора-тадбирлар. Бунда: 418 та мактабгача таълим муассасасини қуриш ва реконструкция қилиш ҳамда болаларга таълим бериш тизимини янада такомиллаштириш; давлат-хусусий шериклик асосида қуввати 46 мингдан ортиқ бўлган 420 та нодавлат мактабгача таълим ташкилотларини ҳамда қуввати 50 минг ўрин бўлган 2000 та оилавий шаклдаги нодавлат мактабгача таълим ташкилотларини ташкил этиш; 1920 нафар болани мактабгача таълимнинг муқобил турлари билан қамраб олиш; 6 ёшли болаларнинг камида 75 фоизини мактабгача таълимнинг муқобил турлари ва мактабгача таълим муассасалари негизидаги бепул мактабга мажбурий тайёрлов гуруҳлари билан қамраб олиш; бошқа вазирлик ва идоралар балансидаги собиқ мактабгача таълим муассасалари биноларини қайтариб олиш назарда тутилади.

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтилаётган натижа
158.	Мактабгача таълим тизимида таълим-тарбия жараёнларига замонавий таълим дастурлари ва технологияларини татбиқ этиш.	Йил давомида	Мактабгача таълим вазирлиги, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Молия вазирлиги	Ҳисоб-китобларга асосан	Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар доирасида, бюджетдан ташқари маблағлар	Амалий чора-тадбирлар. Бунда: «Илк қадам» таълим дастури асосида: 3 — 5 ёшли болалар учун — дидактик ўйинлар тўпламини 10 000 нусxada; 6-7 ёшли болалар учун — дидактик ўйинлар тўпламини 10 000 нусxada; 6 ёшли болалар учун — ёзув альбомини 40 000 нусxada; дидактик тарқатмалар тўпламини 12 000 нусxada; дидактик плакатлар тўпламини 10 000 нусxada чоп этириш; мажбурий бепул мактабга тайёрлов гуруҳлари учун «Илм йўли» дастурини ишлаб чиқиш; кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотлари ва қўшма типдаги мактабгача таълим ташкилотлари учун мослаштирилган таълим дастурларини ишлаб чиқиш назарда тутилади.

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтиллаётган натижа
159.	Умумий ўрта таълимнинг Миллий ўқув дастурини ишлаб чиқиш.	2020 йил 1 июнь	Халқ таълими вазирлиги, Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси	—	—	Идоравий ҳужжат лойиҳаси. Лойиҳада: мактаб ўқув дастурларини илғор хорижий тажриба асосида такомиллаштириш; ўқув юктамалари ва фанларни қайта кўриб чиқиш, уларни халқаро стандартларга мослаштириш; дарслик ва адабиётлар сифатини ошириш; умумий ўрта таълим муассасалари учун вариатив ўқув режалар ишлаб чиқиш; ўқитувчиларнинг педагогик юкласини оптималлаштириш, уларни асосий юкламадан ташқари бошқа ҳисоботлар ва ортиқча қоғозбозлик ишларидан озод қилиш ҳамда педагогиканинг мазмунига кўпроқ вақт ажратиши учун шароит яратиш; 10-11-синф ўқувчиларининг танлаган йўналишдаги вариатив ўқув режалари бўйича ўқишларни тажриба-синов тариқасида жорий қилиш назарда тутилади.
160.	Педагогик маҳорат ва малака даражасига эга бўлган, ўз ишида аниқ натижаларга эришган ўқитувчиларга юқори иш ҳақи тўлаш тизимини жорий қилиш.	2020 йил 1 июнь	Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги	—	—	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси. Лойиҳада: педагогик маҳорат ва малака даражасини тасдиқлаш бўйича касбий сертификация тизимини жорий қилиш; биринчи ва олий малака тоифасига эга ўқитувчиларнинг ойлик иш ҳақини малака тоифасига эга бўлмаган ўқитувчиларга нисбатан ошириб бориш амалиётини жорий этиш ва ойлик иш ҳақи ўртасидаги фарқларни кенгайтириш назарда тутилади.
161.	Умумтаълим мактабларини кенг полосали Интернет тармоғига улаш.	Йил давомида	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, «Ўзбектелеком» АК	Ҳисоб-китобларга асосан	Бюджет маблағлари, «Ўзбектелеком» АК маблағлари ва бошқа маблағлар	Амалий чора-тадбирлар. Бунда умумтаълим мактабларини кенг полосали Интернет тармоғига улашни 70 фоизга етказиш назарда тутилади.

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтиллаётган натижа
162.	Халқ таълими тизимидаги муассасаларни бошқариш бўйича ягона электрон дастурий мажмуани яратиш.	Йил давомида	Халқ таълими вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги, Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси	Ҳисоб-китобларга асосан	Халқ таълими вазирлигининг бюджетдан ташқари маблағлари	Амалий чора-тадбирлар. Бунда умумтаълим муассасасининг паспорти, ўқувчилар контингенти, штат бирликлари, шундан банд қилинганлари, ходимлар сони, уларнинг эгаллаб турган лавозими, иш ҳақи миқдори бўйича маълумотлар базасини шакллантириш ҳамда тегишли маълумотлар бўйича бошқа вазирлик ва идораларнинг маълумотлар базалари билан интеграциялаш назарда тутилади.
163.	Умумтаълим мактабларининг ўқитувчилари 2021 йилги халқаро баҳолаш жараёнига тайёргарлик кўриши учун зарур шарт-шароитларни яратиш.	Йил давомида	Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси, Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги	—	—	Амалий чора-тадбирлар. Бунда 2021 йилги халқаро баҳолаш жараёнига тайёргарлик кўриш учун республика бўйича 348 та таянч мактабни белгилаб, бмингдан ортик ўқитувчиларнинг малакасини ошириш назарда тутилади.
164.	Янги умумтаълим мактабларини барпо этиш, мавжудларни реконструкция қилиш ва хусусий мактаблар сонини ошириш.	Йил давомида	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Қурилиш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги	1, 7 трлн сўм  26, 6 млн АҚШ доллари	Давлат бюджети маблағлари  Халқаро молия институтлари маблағлари	2020 — 2022 йилларга мўлжалланган Инвестиция дастурига киритилган лойиҳаларнинг тармоқ жадваллари ва амалий чора-тадбирлар. Бунда: 36 та янги умумтаълим мактабини куриш, 160 та мактабни реконструкция қилиш ва 114 тасини капитал таъмирлаш, 80 925 та ўқув ўрнини ва 54 та спорт залини фойдаланишга топшириш; 55 та хусусий мактаб ташкил этиб, уларнинг сони 141 тага етказиш; умумтаълим тизимида ахборот-коммуникация технологияларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари назарда тутилади.
165.	Олий таълим тизимини янада такомиллаштириш.	2020 йил 1 июнь	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси, тасарруфида олий таълим муассасалари мавжуд бўлган вазирлик ва идоралар	—	—	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ва амалий чора-тадбирлар. Бунда: олий таълим стандартларини хорижий тажриба асосида такомиллаштириш; таълим йўналишлари ва ўқитиладиган фанларни қайта кўриб чиқиш;

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтиллаётган натижа
						<p>мутахассисликка алоқаси бўлмаган фанлар сонини 2 баробар қисқартириш; кредит-модуль тизимини жорий қилиш тартибини ишлаб чиқиш; талабалар билимини баҳолашнинг замонавий механизмларини жорий этиш;</p> <p>ўқув режа ва фан дастурларини такомиллаштириш; профессор-ўқитувчилар фаолиятини янги тизимга мувофиқлаштириш; ўзини-ўзи молиялашга ўтган олий таълим муассасаларининг молиявий мустақиллигини таъминлаш мақсадида уларнинг ҳуқуқий мақоми ва бюджет ташкилотидан фарқини аниқ белгилаш, шу жумладан, уларга олий таълим муассасасини ривожлантириш жамғармаси маблағларини сарфлаш ва ўз балансидаги мол-мулкни тасарруф қилиш тартибини қайта кўриб чиқиш;</p> <p>бюджет ташкилотларига нисбатан белгиланган чекловлар ўзини-ўзи молиялашга ўтган олий таълим муассасаларига татбиқ этилишини қайта кўриб чиқиш;</p> <p>Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда олий таълим муассасалари ўртасидаги муносабатлар чегарасини аниқ кўрсатиш;</p> <p>вазирлик соҳада регулятор сифатида барча олий таълим муассасалари учун бир хил сиёсат юритиши, умумий талабларни қўйган ҳолда уларнинг таълим мазмуни борасидаги фаолиятига аралашмаслиги назарда тутилади.</p>

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтиллаётган натижа
166.	Олий таълим муассасаларини нуфузли хорижий олий таълим даргоҳлари билан ҳамкорликда трансформация қилиш.	2020 йил 1 июль	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, тасарруфида олий таълим муассасалари мавжуд бўлган вазирлик ва идоралар, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги	Ҳисоб-китобларга асосан	Давлат бюджети маблағлари ва халқаро молия институтлари маблағлари	Норматив-ҳуқуқий хужжат лойиҳаси. Лойиҳада: камида 5 та олий таълим муассасасини конкурс асосида танлаб, нуфузли хорижий олий таълим даргоҳлари билан ҳамкорликда уларни трансформация қилишни бошлаш; мазкур жараёнга давлат бюджети маблағлари, шунингдек хорижий молия институтларининг грантларини жалб қилиш назарда тутилади.
167.	Таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларини йириклаштириш, профиль ихтисослашув соҳаларини кенгайтириш.	2020 йил 1 июнь	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, тасарруфида олий таълим муассасалари мавжуд бўлган вазирлик ва идоралар	—	—	Норматив-ҳуқуқий хужжат лойиҳаси. Лойиҳада: мазмун жиҳатдан яқин бўлган таълим йўналишларини бирлаштириш ва профиль ихтисослашув соҳаларини кенгайтириш; магистратура мутахассисликларини йириклаштириш ва илмий фаолиятни тор соҳалар бўйича амалга оширишни ташкил этиш; таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича қабул параметрларини йириклаштириш назарда тутилади.
168.	Ёшларнинг олий таълим билан камровини кенгайтириш.	2020 йил 1 апрель	Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Маҳалла ва оилани қўллаб-қўвватлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Меҳнат вазирлиги, тасарруфида олий таълим муассасалари мавжуд бўлган вазирлик ва идоралар	154 млрд сўм	Давлат бюджети маблағлари	Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳаси. Лойиҳада: 2020/2021 ўқув йили учун ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрларини олий таълим билан камров даражасини 25 фоизгача етказган ҳолда белгилаш; давлат гранти асосидаги давлат буюртмаси параметрларини 2019/2020 ўқув йилига нисбатан босқичма-босқич 2 бараварга ошириш; хотин-қизлар учун алоҳида грантлар ажратиш назарда тутилади.

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтиллаётган натижа
169.	Хотин-қизларни олий таълим билан қамраб олиш даражасини ошириш.	2020 йил 1 апрель	Маҳалла ва оилани қўллаб-қўвватлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Молия вазирлиги, Меҳнат вазирлиги, тасарруфида олий таълим муассасалари мавжуд бўлган вазирлик ва идоралар	Ҳисоб-китобларга асосан	Давлат бюджети маблағлари	Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси. Лойиҳада хотин-қизларни олий таълим билан қамраб олиш даражасини ошириш мақсадида алоҳида ажратиладиган грантлар учун танловда иштирок этадиган номзодларни танлаш ва саралаш мезонларини тасдиқлаш назарда тутилди.
170.	Илм-фан ютуқларининг электрон платформаси, маҳаллий ва хорижий илмий ишланмалар базасини шакллантириш, ҳар бир олий таълим ва илмий-тадқиқот даргоҳи нуфузли чет эл университетлари ва илмий марказлари билан ҳамкорликни кучайтириш.	Йил давомида	Инновация вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, тизимида олий таълим муассасалари мавжуд бўлган вазирлик ва идоралар	—	—	Амалий чора-тадбирлар. Бунда: илм-фан ютуқларининг электрон платформаси, маҳаллий ва хорижий илмий ишланмалар базасини шакллантириш; нуфузли хорижий чет эл университетлари билан ҳамкорликда олиб бориладиган илмий-тадқиқот ва илмий ишланмалар сонини ошириш назарда тутилди.
171.	Янги профессионал таълим муассасаларини ташкил этиш, уларга ўқувчиларни қабул қилиш, ўқитиш ва яшаш шарт-шароитларини яратиш.	2020 йил 1 апрель	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, тизимида профессионал таълим муассасалари мавжуд бўлган вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	Ҳисоб-китобларга асосан	Давлат бюджети маблағлари	Чора-тадбирлар режаси. Режада: 340 та касб-хунар мактаби, 147 та коллеж ва 143 та техникумни босқичма-босқич ташкил этиш; профессионал таълим муассасаларининг ўқувчиларини қабул қилиш имкониятлари ва меҳнат бозоридаги кадрларга бўлган эҳтиёжни ўрганиш; профессионал таълим муассасалари, касблар ва мутахассисликлар бўйича давлат буюртмаси асосида ўқувчиларни қабул қилиш параметрларини шакллантириш назарда тутилди.

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтиллаётган натижа
172.	Республика олий таълим муассасаларида талабаларни турар жой билан қамраб олиш даражасини ошириш бўйича 2021 — 2025 йилларга мўлжалланган дастурни ишлаб чиқиш.	2020 йил 1 сентябрь	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, тасарруфида олий таълим муассасалари мавжуд бўлган вазирлик ва идоралар, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, Қурилиш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлар	—	—	Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳаси. Лойиҳа билан олий таълим муассасалари учун Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идораларнинг асосланган таклифлари бўйича талабалар турар жойлари, шу жумладан давлат-хусусий шериклик асосида қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича 5 йиллик дастурни тасдиқлаш назарда тутилади.
173.	Олий таълим моддий-техника базасини янада ривожлантириш, таълим сифатини ошириш, шу жумладан олий таълим муассасалари объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ҳамда уларни жиҳозлаш чораларини қўриш.	Йил давомида	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Қурилиш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	731,2 млрд сўм  45 млн АҚШ доллари	Давлат бюджети маблағлари  Халқаро молия институтлари маблағлари	2020 — 2022 йилларга мўлжалланган Инвестиция дастурига киритилган лойиҳаларнинг тармоқ жадваллари ва амалий чора-тадбирлар. Бунда: 57 та олий таълим объектини қуриш, реконструкция қилиш, 9 945 та ўқув ва 3 053 т? ётоқ ўрнини фойдалани? га топшириш; олий таълим муассасалари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари назарда тутилади.
174.	Давлат илмий дастурларини шакллантириш тартибини такомиллаштириш.	2020 йил 1 апрель	Инновация вазирлиги, Молия вазирлиги, Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги	—	—	Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари. Лойиҳаларда: илмий лойиҳалар бўйича танловларни ташкил этиш ва ўтказиш; давлат илмий дастурларига кирган илмий лойиҳалар бажарилишининг мониторингини юритиш; илмий лойиҳалар бўйича харажатларни режалаштириш, молиялаштириш ва ҳисобини юритиш тартиби назарда тутилади.

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтилаётган натижа
175.	Маҳаллий олимларнинг хорижий нашрларни кескин оширишга қаратилган «Proofreading service» хизматини ривожлантириш.	2020 йил 20 май	Инновация вазирлиги, Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги	Ҳисоб-китобларга асосан	Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари	Чора-тадбирлар дастури. Дастурда: «Proofreading service» хизматини кўрсатувчи ташкилотларни аниқлаш; илмий нашрларни халқаро журналларда чоп этишга тайёрлаш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш манбаларини аниқлашга қаратилган чора-тадбирлар назарда тутилади.
176.	Олий ўқув юртидан кейинги таълим институтида жараёнларнинг шаффофлигини таъминлаш ва самарадорлигини ошириш.	2020 йил 20 июль	Инновация вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги	Ҳисоб-китобларга асосан	Давлат бюджети маблағлари, бюджетдан ташқари маблағлар	Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси. Лойиҳада: олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимида квотани аниқлашнинг ягона электрон тизимини жорий қилиш; талабгорларнинг хужжатларини электрон равишда қабул қилиш; докторантлар фаолиятининг мониторингини онлайн юритиш тартибини белгилаш назарда тутилади.
177.	Она тили ва адабиёти бўйича билимни баҳолашнинг миллий тест тизимини яратиш.	2020 йил 1 октябрь	Давлат тест маркази, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар	—	—	Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси. Лойиҳада талабгорларнинг она тили ва адабиётдан билими (нутқий компетенция ҳамда тил ва адабиётга оид кўникмалар)ни текшириш имкониятини яратиш назарда тутилади.
178.	Илм-фан соҳасини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш.	2020 йил 1 июль	Инновация вазирлиги, Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги	—	—	Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳаси. Лойиҳада: ўрта ва узоқ истиқболда мамлакатимизнинг илм-фани, технологик ва инновацион тараққиёти асосларини белгилаш; илм-фан соҳасида фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотлар учун мақсадли грант маблағларини ажратиш механизмни тубдан қайта кўриб чиқиш; грантлар миқдорини 2 баробар кўпайтириш ва тадқиқот йўналишлари қўламини кенгайтириш назарда тутилади.

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтилаётган натижа
179.	Математика илм-фанини ривожлантириш.	2020 йил 1 май	Инновация вазирлиги, Фанлар академияси, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги	Ҳисоб-китобларга асосан	Давлат бюджети маблағлари, халқаро молия институтлари ва бошқа маблағлар	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси. Лойиҳада: Фанлар академияси Математика институтида илмий даража берувчи кенгашга тўлик мустақил ваколатлар бериш; мактаб, олий ўқув юрти, илмий муассасалар ўртасидаги яқин ҳамкорликни бирлаштирувчи яхлит тизимни шакллантириш; мактаб ўқувчилари учун математика фанидан оддий ва тушунарли тилда ёзилган оммабоп дарслик ва ўқув қўлланмаларини яратиш; ҳар бир туман марказида математика фанига ихтисослашган мактаб ташкил қилиш ва ўқитувчиларга қўшимча устама ҳақи тўлашни жорий этиш; хорижда ўтказиладиган илмий тадбирлар ва стажировкаларга ҳар йили 100 нафар олимларни юбориш назарда тутилади.
180.	Биотехнология соҳасида илм-фан йўналишларини ривожлантириш.	2020 йил 1 апрель	Инновация вазирлиги, Фанлар академияси	Ҳисоб-китобларга асосан	Давлат бюджети маблағлари, бюджетдан ташқари маблағлар, халқаро молия институтлари маблағлари ва бошқа маблағлар	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси. Лойиҳада агро, биотехнологиялар, озиқ-овқат, жумладан фудомикс, био-тиббиёт ва фарма биотехнологиялари йўналишларини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари назарда тутилади.

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қутилаётган натижа
181.	Геология илм-фани ва таълимини ривожлантириш.	2020 йил 1 апрель	Давлат геология ва минерал ресурслар кўмитаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Инновация вазирлиги, Молия вазирлиги	Ҳисоб-китобларга асосан	Давлат бюджети маблағлари, бюджетдан ташқари маблағлар, халқаро молия институтлари маблағлари ва бошқа маблағлар	Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳаси. Лойиҳада: геология соҳасидаги 4 та илмий тадқиқот институти моддий-техника базаси ва илмий кадрлар салоҳиятини бирлаштириб, Давлат геология ва минерал ресурслар кўмитаси тизимида энг замонавий ускуналар билан жиҳозланган ягона таълим ва илм-фан кластери асосида Геология соҳасидаги университетни ташкил этиш; янги ташкил этиладиган университетнинг раҳбарлик лавозимларидан бирига юқори малакали мутахассисни таклиф қилиш; Санкт-Петербург тоғ-кон университети билан ҳамкорликда таълим дастурини йўлга қўйиш назарда тутилади.
182.	«Эл-юрт умиди» жамғармаси томонидан 700 дан зиёд олимлар, профессор-ўқитувчиларни чет элга илмий изланиш ва малака ошириш учун юбориш.	2020 йил 1 июнь	«Эл-юрт умиди» жамғармаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар академияси, ТИВ, тизимида олий таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар	Ҳисоб-китобларга асосан	Давлат бюджети маблағлари, бюджетдан ташқари маблағлар, халқаро молия институтлари маблағлари ва бошқа маблағлар	Чора-тадбирлар режаси. Режада «Эл-юрт умиди» жамғармасининг Васийлик кенгаши қарори билан республика олимлари, профессор-ўқитувчиларини хорижга илмий-тадқиқот марказлари ва олий таълим муассасаларига илмий изланиш ва малака ошириш учун юбориш жадвали ҳамда чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш назарда тутилади.
<b>4.2. Ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш</b>						
183.	Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсати соҳасида амалга ошириладиган ишларни янги босқичга олиб чиқиш бўйича «Ўзбекистон ёшлари — 2025» Концепцияси лойиҳасини ишлаб чиқиш.	2020 йил 1 август	Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, манфаатдор вазирлик ва идоралар	Ҳисоб-китобларга асосан	Давлат бюджети маблағлари, бюджетдан ташқари маблағлар, Ёшлар иттифоқи, ҳамкорлар маблағлари	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси. Лойиҳада Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишнинг янги ва халқаро стандартларга мос механизмларини яратиш назарда тутилади.

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтилаётган натижа
184.	«Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари!» шиори остида улкан бунёдкорлик ва ислохотларни кенг халқ оммаси орасида тарғиб қилиш, бунга зиёлилар, илм-фан, маданият ва санъат, адабиёт намояндаларини сафарбар этишга қаратилган комплекс тарғибот дастурини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш.	2020 йил январь — март	Республика Маънавият ва маърифат кенгаши, вазирлик ва идоралар	Ҳисоб-китобларга асосан	Давлат бюджети маблағлари, ижрочилар маблағлари	Ҳамкорлик чора-тадбирлари режаси. Режада аҳоли айниқса ёшлар орасида улкан бунёдкорлик ва ислохотларни кенг тарғиб этиш назарда тутилади.
185.	Дунё тамаддуни ривожига улкан ҳисса қўшган ўтмиш алломаларининг илмий мероси, ҳаёт йўлини бугунги ёш авлодга очиб берувчи туркум кўрсатувлар тайёрлаб эфирга узатиш.	2020 йил 20 март	Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Фанлар Академияси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Халқ таълими вазирлиги	Ҳисоб-китобларга асосан	Давлат бюджети маблағлари, ижрочилар маблағлари	Чора-тадбирлар режаси. Режада дунё ва мамлакатимиз илм-фани, адабиёти, маданияти, санъати ривожига улкан ҳисса қўшган ўтмиш алломаларининг илмий мероси, ҳаёт йўли ҳақида ҳикоя қилиниб, халқимизнинг маданий-маърифий бойликларимиз ҳақидаги билим ва тафаккурларини бойитиш назарда тутилади.
186.	«Жаҳолатга қарши маърифат билан курашган мутафаккирлар» шиори остида буюк аждодларимиз, жумладан XX аср жадид адабиёти намояндлари ҳаёти, ижоди, тараққийпарвар ғоялари тарғиботига бағишланган илмий-амалий конференция ўтказиш ҳамда улар ҳаёти ва фаолиятига бағишланган фильмлар тайёрлаш.	2020 йил 15 сентябрь	Республика Маънавият ва маърифат маркази, «Ўзбеккино» Миллий агентлиги, Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон ислом цивилизацияси маркази, Маданият вазирлиги, Ёзувчилар уюшмаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги	Ҳисоб-китобларга асосан	Давлат бюджети маблағлари, ижрочилар маблағлари	Ҳамкор ташкилотларнинг қўшма қарори лойиҳаси. Лойиҳада конференция ва фильмлар орқали жамиятнинг буюк аждодларимиз маънавий-маърифий мероси, жумладан жадид адабиёти воситасида ватанпарварлик, миллатпарварлик, тараққийпарварлик фазилатлари, билимлари бойитилиши назарда тутилади.

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтилаётган натижа
187.	2020 — 2025 йилларга мўлжалланган «Китобхонлик маданиятини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш миллий дастури»ни қабул қилиш.	2020йил 1 октябрь	Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси	—	—	Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси. Лойиҳада: 2020 — 2025 йилларда босқичма-босқич маънавий баркамол шахсни тарбиялаш, уларда китобхонлик маданиятини ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш; «Китоб куни» ни белгилаш ва шу кунда республика бўйлаб оммавий ижтимоий тадбирларни ташкил этиш орқали мамлакатимизда китобхонликни ривожлантириш назарда тутилади.
<b>4.3. Аҳоли бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириш</b>						
188.	2020 йил учун аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил этиш давлат дастурини ишлаб чиқиш.	2020 йил 20 март	Меҳнат вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	—	—	Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари. Лойиҳаларда: ҳудуд ва тармоқларни комплекс ривожлантириш инвестиция дастури, саноат, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш ва бошқа йўналишдаги янги йирик ва кичик лойиҳаларни ташкил этиш ва мавжудларини кенгайтириш ҳисобига камида 500 мингта доимий иш ўринларини яратиш; 264 минг ишсиз шахсни бўш иш ўринларига жойлаштириш; 40 минг шахсни меҳнат бозорининг реал эҳтиёжидан келиб чиқиб, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш; 50 минг ўзини ўзи банд қилган шахсларни вақтинчалик меҳнат гувоҳномаси билан таъминлаш; 30 минг ишсиз аҳолининг бандлигини таъминлаш мақсадида Бандликка қўмаклашиш давлат жамғармасидан субсидия ва грантлар ажратиш назарда тутилади.

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтилаётган натижа
189.	Жаҳон банки, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт дастури ва бошқа халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда Камбағалликни камайтириш дастурини ишлаб чиқиш.	2020 йил 1 октябрь	Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Меҳнат вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	—	—	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси. Лойиҳада: камбағаллик тушунчаси, уни ҳудудий хусусиятлардан келиб чиқиб аниқлаш мезонлари ва баҳолаш усулларини камраб олган методологияни ишлаб чиқиш; аҳоли, айниқса ёшлар ва аёлларда тадбиркорлик ва бизнес юритишнинг замонавий кўникмасини шакллантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар; тадбиркорлик ташаббусларини, энг аввало, жойлардаги ижтимоий муаммоларни ҳал қилишга кўмаклашувчи ташаббусларни қўллаб-қувватлашнинг самарали механизмлари; тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурслар, жумладан микромолиялаш хизматларидан кенг фойдаланиши, шунингдек, давлат харидларида иштирок этиши учун шарт-шароитлар яратиш; банд бўлмаган аҳолини қайта тайёрлаш ва ишсиз фуқароларни зарур касбларга ўқитиш бўйича кенг кўламли дастурларни амалга ошириш; Фарғона водийсининг 22 та қишлоқ туманида аҳоли ўртасида замонавий ишбилармонлик ва бизнес кўникмаларини шакллантириш бўйича бошланган ижобий тажрибани барча ҳудудларда босқичма-босқич жорий этиш назарда тутилади.

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтиллаётган натижа
190.	Ижтимоий тадбиркорликка оид муносабатларни ҳукукий тартибга солиш.	2020 йил 1 апрель	Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Меҳнат вазирлиги, Молия вазирлиги, Савдо-саноат палатаси	—	—	Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси. Лойиҳада: илғор хорижий тажриба асосида ижтимоий тадбиркорликнинг асослари; ижтимоий тадбиркорлик субъектларини аниқлашнинг тартиби ва мезонлари; ижтимоий тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда уларни рағбатлантириш чоралари назарда тутилади.
191.	Аҳолини иш билан таъминлаш борасидаги чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш ҳамда бандликка қўмаклашиш марказлари томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш.	2020 йил 1 ноябрь	Меҳнат вазирлиги, Молия вазирлиги, ИИВ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирлик ва идоралар	3 млрд сўм	Бандликка қўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари	Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари. Лойиҳаларда: ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этиш тартибини такомиллаштириш; жамоат ишлари ташкил этиладиган туманларда доимий яшамайдиган фуқароларни камраб олиш; давлат-хусусий шериклик асосида инновацион вақтинчалик ва бир марталик иш билан таъминлаш бюrolари фаолиятини ташкил этиш; Жаҳон банки, Халқаро меҳнат ташкилоти билан ҳамкорликда меҳнат органлари ходимларининг касбий билим ва тажрибасини ошириш бўйича чора-тадбирлар режасини тасдиқлаш; меҳнат органлари томонидан кўрсатилаётган хизматлар турларини кенгайтириш, уларнинг ишсизликни камайтиришдаги самарадорлигини ошириш; Меҳнат вазирлиги ҳузурида Ягона ситуацион мониторинг марказини ташкил этиш назарда тутилади.

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтиллаётган натижа
192.	Иш билан банд бўлмаган аҳолини, айниқса ёшлар ва аёлларни касб-хунарга ўргатиш сифатини кескин ошириш ҳамда ушбу тизимга World Skills стандартларини кенг жорий этиш.	2020 йил 1 октябрь	Меҳнат вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар академияси, Адлия вазирлиги, вазирлик ва идоралар	—	—	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси. Лойиҳа билан Мамлакатдаги инсон капитали даражаси ва миллий иш кучи рақобатбардошлигини ошириш концепцияси тасдиқланади. Концепцияда: илғор хорижий тажриба асосида «Ҳаёт давомида таълим олиш» тамойили ва World Skills стандартларини мамлакатда меҳнат муносабатлари самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар билан уйғунлаштириш; инсон капиталининг базавий ва хусусий омиллар асосида рақобатбардошлигини оширишга қаратилган инвестициялар оқимини жадаллаштириш; иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа корхоналарида ходимларнинг профессионал касбий кўникмаларини оширишга ундовчи мотивация механизмини ишлаб чиқиш назарда тутилади.
193.	Меҳнат муносабатлари ва меҳнатни муҳофаза қилишга оид қонунчиликни такомиллаштириш ҳамда меҳнат бозори инфратузилмасини ривожлантириш.	2020 йил 1 сентябрь	Меҳнат вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Адлия вазирлиги, «Ўзстандарт» агентлиги, вазирлик ва идоралар	—	—	Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари. Лойиҳаларда: хавфсиз меҳнат шароитларида ишлаш ҳуқуқини таъминлаш; меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозори профессионал иштирокчиларининг соддалаштирилган аккредитация тизимини ташкиллаштириш; профессионал иштирокчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини химоя қилиш; барча меҳнат органлари ходимлари, корхона ва ташкилотларнинг кадрлар бўлими мутахассисларига «Ягона миллий меҳнат тизими»да ишлашни ўргатиш бўйича семинар-тренинг ўтказиш; «Ягона миллий меҳнат тизими» мамлакат ҳудудида барқарор

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтилаётган натижа
						<p>ишлаши учун Самарқанд шаҳрида захира сервер ускунасини жойлаштириш; Халқаро Меҳнат Ташкилоти тавсиялари асосида давлат меҳнат инспекцияси фаолиятини такомиллаштириш; норасмий меҳнат муносабатларини расмийлаштириш, меҳнат соҳасидаги шикоят ва низоларни ҳал қилиш, меҳнат муҳофазасини таъминлаш ва мажбурий меҳнат билан курашиш бўйича олиб борилаётган ишларни кучайтириш; БАА Инсон ресурслари вазирлиги билан ҳамкорликда ишчиларнинг меҳнат муносабатлари соҳасидаги ариза ва шикоятларини кўриб чиқувчи ихтисослаштирилган турғун ва мобил «Меҳнат М» марказларини ташкил қилиш, жумладан биринчи марказни Тошкент шаҳрида тажриба тариқасида жорий этиш назарда тутилади.</p>
<p align="center"><b>4.4. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш</b></p>						
194.	Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш концепциясини ишлаб чиқиш.	2020 йил 1 октябрь	Вазирлар Маҳкамаси, Молия вазирлиги, Меҳнат вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Касаба уюшмалари Федерацияси, вазирлик ва идоралар	—	—	<p>Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси. Лойиҳада: ижтимоий нафақа тўлашнинг мукамал тизимини жорий этиш, жумладан, кам таъминланган оилаларга кўмак кўрсатиш камровини кенгайтириш; бюджет маблағлари мақсадли сарфланишини таъминлаш; кам таъминланган ва даромади паст аҳоли қатламини аниқлаш мезонларини белгилаш; нафақа тайинлашдаги мезонларни қайта кўриб чиқиш ва уни белгилашда очиқ ва адолатли тизимни яратиш; уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган шахсларга бозор</p>

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтилаётган натижа
						<p>тамоийллари асосида ажратилган ипотека кредити бўйича дастлабки бадал ва (ёки) фоизаларнинг бир қисмини қоплаш учун Давлат бюджети ҳисобидан субсидиялар тўлаш тизимини такомиллаштириш; ижтимоий нафақа бўйича битта идорага муурожаат қилинганида, ўша идоранинг ўзи бир кунда ҳамма хужжатларни тайёрлайдиган тизимни яратиш; ўзгалар парваришига мухтож яқка-ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга «Мурувват» ва «Саховат» уйларида стационар шароитда тиббий-ижтимоий хизматлар кўрсатиш тизимини тубдан такомиллаштириш; ажратилаётган ижтимоий тўловлар миқдорини қайта кўриб чиқиш; фуқароларга давлат томонидан кўрсатилаётган, вазирлик, идоралар орасида бўлиниб кетган ижтимоий таъминот ва ижтимоий хизматларни бир-бирига мувофиқлаштириш; ягона реестр ташкил қилиш орқали ижтимоий таъминот ва ижтимоий хизматларни ягона ахборот коммуникация тизимига ўтказиш; «Меҳрибонлик уйлари»да тарбияланган ёшларнинг ижтимоий мослашуви, хусусан уларни иш, уй-жой билан таъминлаш бўйича алоҳида дастур ишлаб чиқиш назарда тутилади.</p>

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтилаётган натижа
195.	Ижтимоий суғурта тизимини янада такомиллаштириш.	2020 йил 1 декабрь	Молия вазирлиги, Мехнат вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Касаба уюшмалари Федерацияси, вазирлик ва идоралар	—	—	Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси. Лойиҳада: ижтимоий суғурта тушунчаси, унинг турлари ва амалга ошириш шартлари; ногиронлик, дафн маросими, боқувчисини йўқотганлик бўйича нафақалар, иш пайтида майиб бўлганлик учун товон пули каби тўловларни амалга ошириш ва уларнинг миқдорини аниқлаш тартиби назарда тутилади.
196.	Хусусий тиббиётни янада ривожлантириш, ушбу жараёнга чет эл инвестицияларини кенг жалб қилиш.	2020 йил 1 сентябрь  Йил давомида	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатаси, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги,  Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	—	—	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси. Лойиҳада давлат ва нодавлат тиббиёт ташкилотларини ихтиёрий аккредитациядан ўтказиш тартибини жорий этиш назарда тутилади. Амалий чора-тадбирлар. Бунда: давлат-хусусий шериклик асосида хусусий тиббиётни ривожлантириш; республика бўйича 150 та, шу жумладан 5 та чет эл инвестицияси иштирокидаги хусусий тиббиёт муассасаларини ташкил этиш; 17 та сўхтисослашган илмий-амалий тиббиёт муассасаларига хорижий инвесторларни жалб қилиш, уларни бошқаришда замонавий менежментни жорий этиш; давлат тиббиёт муассасаларида аутсорсинг хизматларини йўлга қўйиш назарда тутилади.

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтилаётган натижа
197.	Тиббий хизматлар сифатини ошириш, давлат тиббиёт ташкилотлари ва аҳолининг дори воситалари ҳамда тиббиёт буюмлари билан таъминланганлик даражасини яхшилаш, шифокорларнинг жамиятдаги ўрни ва мақомини кучайтириш.	Йил давомида	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги	1, 5 трлн сўм  26.5 млрд.сўм	Давлат бюджети маблағлари	Амалий чора-тадбирлар. Бунда: давлат тиббиёт ташкилотлари ва аҳолининг дори воситалари ҳамда тиббиёт буюмлари билан таъминлашни ўтган йилга нисбатан 1, 3 бараварга кўпайтириш; шифокорларнинг жамиятдаги ўрни ва мақомини кучайтириш, уларга муносиб меҳнат шароити яратиш ва даромадини кўпайтириш; вирусологик ёрдам сифатини ошириш, бу турдаги даволаш қийин бўлган беморларга тиббий хизмат кўрсатишни тубдан ислоҳ қилиш; ихтисослашган марказлар ва уларнинг филиалларида ҳамда Тошкент шаҳридаги тиббиёт муассасаларида электрон тиббий карталарни жорий этиш; нейросенсор кар ёки заиф эшитадиган болаларда кохлеар имплантантлардан фойдаланган ҳолда операциялар ўтказиш учун Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан марказлаштирилган харидлар орқали зарар тиббий буюмлар билан таъминлаш назарда тутилади.

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтилаётган натижа
198.	Тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш.	Йил давомида	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Қурилиш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	1, 1 трлн сўм  83, 9 млн АҚШ доллари	Давлат бюджети маблағлари  Халқаро молия институтлари маблағлари	2020 — 2022 йилларга мўлжалланган Инвестиция дастурига киритилган тармоқ лойиҳаларнинг жадваллари ва амалий чора-тадбирлар. Бунда: 228 та тиббиёт муассасасида, жумладан 9 та республика тасарруфидаги, 43 та вилоят муассасаси, 47 та туман ва шаҳар тиббиёт бирлашмаси, 29 та қишлоқ ва шаҳар оилавий поликлиникаси, қишлоқ врачлик пункти, 100 та бошқа тиббиёт муассасасида қурилиш-таъмирлаш ишларини амалга ошириш; Тошкент шаҳрида Кўп тармоқли болалар тиббиёт марказини фойдаланишга топшириш; тиббиёт муассасаларини зарур тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш чора-тадбирлари назарда тутилади.

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтиллаётган натижа
199.	Тиббиёт кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш.	Йил давомида	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, ТИВ	—	—	Амалий чора-тадбирлар. Бунда: республика олий тиббиёт таълим муассасаларида Россия, Корея ва Германиянинг тиббиёт университетлари билан қўшма факультетлар ташкил этиш чора-тадбирларини амалга ошириш; олий таълим муассасаларига «Даволаш иши», «Педиатрия иши» ва «Тиббий педагогика» таълим йўналишлари бўйича қабул квоталарини ҳар бир туман (шаҳар) кесимида мақсадли шакллантириш механизминини жорий этиш; узлуксиз касбий таълим тизимини жорий этган тиббиёт олий таълим муассасалари, республика ихтисослаштирилган илмий-амалий марказлари, уларнинг филиаллари ва илмий-текшириш институтларига малака оширишдан ўтган мутахассисларга сертификат расмийлаштириш ҳуқуқини бериш; ўқув си?уляция маркази ва илми? даражага эга мутах?ссислари мавжуд бўлган нодавлат тиббиёт ташкилотларига малака ошириш тизимини жорий этиш ва ундан ўтган мутахассисларга сертификат расмийлаштириш ҳуқуқини бериш назарда тутилади.

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтилаётган натижа
200.	Давлат томонидан 100 минг нафар кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг бошқа эҳтиёжманд қатламларини манзилли тиббий-ижтимоий хизмат билан қамраб олиш орқали уларнинг жамиятга мослашуви ва интеграциясини таъминлаш.	Йил давомида	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	235 млрд сўм	Давлат бюджети маблағлари	Амалий чора-тадбирлар. Бунда: мухтож шахсларни 40 мингта протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация техник воситалари билан таъминлаш; 8, 5 минг нафар ўзгалар парваришига мухтож якка ёлғиз ва ёлғиз истиқомат қилувчи кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга стационар шароитларда тиббий-ижтимоий хизмат кўрсатиш; 16, 5 минг нафар ўзгалар парваришига мухтож якка ёлғиз ва ёлғиз яшовчи кексалар, ногиронлиги бўлган шахсларни уйда ижтимоий хизмат кўрсатиш билан қамраб олиш; 43 минг нафар уруш ва меҳнат фахрийлари, пенсионерлар ва ногиронлиги бўлган шахсларни бепул санатор соғломлаштириш; 21 минг нафар ногиронлиги бўлган шахсларга реабилитация ва протезлаш марказларида тиббий, ижтимоий ва касбий реабилитация чораларини кўрсатиш назарда тутилади.
201.	Имконияти чекланган фуқароларга ногиронлиги бўлган шахс мақомини беришда электрон маълумотлар платформасини ишлаб чиқиш ва бу жараёнда оптималлаштиришда рақамли технологияларни жорий этиш.	2020 йил 1 июль	Инновация вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатаси, Молия вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси	Ҳисоб-китобларга асосан	БМТнинг Тараққиёт дастури томонидан ажратиладиган маблағлар	Чора-тадбирлар режаси. Режада: аҳолини кенг миқёсда рўйхатга олиш жараёнида ногиронлиги бўлган шахслар рўйхатини шакллантириш; статистик маълумотларнинг умумий базасини яратиш; маълумотлар платформасини яратиш ва пилот тарзда жорий этиш назарда тутилади.

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтилаётган натижа
202.	Юқумли бўлмаган касалликларнинг (инфаркт, инсульт, кандли диабет, нафас аъзолари сурункали касалликлари) хавф омилларини эрта аниқлаш ва самарали профилактика қилиш чораларини амалга ошириш.	Йил давомида	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	Ҳисоб-китобларга асосан	Давлат бюджети маблағлари	Амалий чора-тадбирлар. Бунда: бирламчи тиббий-профилактика ёрдами муассасаларида 40 ёшдан ошган фуқароларни махсус текширувлар ва саволнома асосида юқумли бўлмаган касалликларни келтириб чиқарувчи хавф омилларини эрта аниқлаш бўйича скрининг тадбирларини ўтказиш; тиббиёт ходимларини махсус дастур асосида ўқитиш назарда тутилади.
203.	2021 йилдан бошлаб Сирдарё вилоятида мажбурий давлат тиббий суғурта тизимини жорий этиш тажриба-синов лойиҳасига алоқадор барча тайёргарлик ишларини якунига етказиш.	Йил давомида	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Сирдарё вилояти ҳокимлиги	Ҳисоб-китобларга асосан	Давлат бюджети маблағлари	Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ва амалий чора-тадбирлар. Бунда: мажбурий давлат тиббий суғуртаси тизимини жорий этиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширувчи махсус жамғармани ташкил қилиш; соҳани молиялаштиришнинг ягона аҳоли жон бошига мос стандартларини ишлаб чиқиш, тўловларни «даволанган ҳолат» учун ва «жон боши нормативи» асосида молиялаштириш тизимини жорий этиш; давлат томонидан кафолатланган тиббий хизмат турлари ва ҳажмларини белгилаш; мажбурий давлат тиббий суғуртасининг ягона ахборот тизими, маълумотлар базаси ва бошқа ахборот ресурсларини яратиш тадбирларини амалга ошириш назарда тутилади.

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш мuddати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтиллаётган натижа
204.	Худудлардаги 1 минг 576 нафар оғир турмуш шароитидаги, ногиронлиги бўлган хотин-қизларни арзон уй-жойлар билан таъминлаш.	2020 йил 1 апрель	Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	Ҳисоб-китобларга асосан	Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағлари	Чора-тадбирлар режаси. Режада: худудларда оғир турмуш шароитида яшаётган, ногиронлиги бўлган арзон уй-жойга муҳтож хотин-қизларнинг рўйхатини шакллантириш; Хотин-қизлар ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағлари ҳисобидан уй-жойларнинг бошланғич бадал тўловини қўриқлиш компанияларига ўтказиш назарда тутилади.
205.	5,5минг нафар хотин-қизларнинг кичик бизнес лойиҳаларига имтиёзли кредитлар бериш.	Йил давомида	Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, «Халқ банки», «Агробанк», «Микрокредитбанк»	100 млрд сўм	Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, тижорат банклари маблағлари	Амалий чора-тадбирлар. Бунда: Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағлари ҳисобидан имтиёзли кредитлар ажратиш; хотин-қизларни тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш ва уларни қўллаб-қувватлаш орқали бандлик даражасини ошириш назарда тутилади.
<b>4.5. Арзон уй-жойларни барпо этиш, аҳолининг ҳаёт шароитлари яхшиланишини таъминловчи йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва модернизация қилиш</b>						
206.	Ўзбекистон Республикасининг «Сув таъминоти ва оқава хизматлар тўғрисида»ги қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш.	2020 йил 1 декабрь	Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги	—	—	Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси. Лойиҳада: сув таъминоти ва оқава сув тизимларидаги муносабатларни тартибга солиш; истеъмолчиларни ичимлик суви билан таъминлаш; оқава суви хизматлари бўйича давлат қарорларини белгилаш назарда тутилади.

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш мuddати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтиллаётган натижа
207.	Ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш.	2020 йил 1 сентябрь	Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Иктисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, «Ўзстандарт» агентлиги	—	—	Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳаси. Лойиҳада: ичимлик ва оқава суви тизимларини ривожлантириш ҳамда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш концепциясини тасдиқлаш; ичимлик сувини етказиб бериш сифати ва хавфсизлигини таъминлаш, кафолатланган манбалардан фойдаланиш, замонавий техника ва технологияларни татбиқ этиш; 2030 йилгача шаҳар аҳолисини ичимлик суви билан таъминланганлик даражасини 98 фоизга ва қишлоқ аҳоли пунктларини ичимлик сув билан таъминланганлик даражасини 85 фоизга етказиш; оқава сув иншоотларини куриш, реконструкция қилиш ва модернизация қилишга оид чораларни ишлаб чиқиш; 2030 йилгача шаҳар марказларида оқава хизматлар таъминотини 31 фоизга етказиш; мавжуд ер ости ва ер усти сув манбаларидан оқилона фойдаланиш ҳамда оқава сувларни сифатли тозалашга қаратилган аниқ чоралар назарда тутилади.
208.	Ўзбекистон Республикасининг «Кўп квартирали уйларни бошқариш тўғрисида»ги Қонуни ижросини таъминлаш мақсадида ҳудудларда амалий синов-тажриба ўтказиш чораларини кўриш.	2020 йил 1 майга қадар	Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Фарғона ва Жиззах вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирлик ва идоралар	—	—	Амалий чора-тадбирлар. Бунда: кўп квартирали уйлардаги умумий мулкни бошқариш самарадорлиги, нотураж жой мулкдорларининг кўп квартирали уйларни бошқаришдаги масъулиятини ошириш; уй-жой мулкдорларининг кўп квартирали уйларда яшаш тартибига риоя этишини таъминлаш; кўп каватли уй-жойлар туташ ҳудудларини акс эттирган ҳолда паспортлаштириш орқали маълумотлар базасини яратиш назарда тутилади.

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтиллаётган натижа
209.	Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, иссиқлик таъминоти даражасини ошириш, канализация хизматларини кўрсатиш сифатини яхшилаш чораларини кўриш.	Йил давомида	Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Қурилиш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари	1,3 трлн сўм  144,6 млн АҚШ доллари	Давлат бюджети маблағлари  Халқаро молия институтлари маблағлари	2020 — 2022 йилларга мўлжалланган Инвестиция дастурига киритилган лойиҳаларнинг тармоқ жадваллари ва амалий чора-тадбирлар. Бунда: 3 400 км ичимлик суви ва канализация тармоқларини қуриш ҳамда реконструкция қилиш, аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш даражасини 70,8 фоизга, оқова сув тармоқлари билан таъминлашни 15,9 фоизга етказиш; иссиқлик таъминоти тизимининг 8 та объекти ва 40 км тармоғини реконструкция ва модернизация қилиш чора-тадбирлари назарда тутилади.
210.	Арзон уй-жойлар қуриш дастурини изчил давом эттириш, қурилишда замонавий ва арзон қурилиш материалларидан фойдаланиш чораларини кўриш.	Йил давомида	Қурилиш вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Қишлоққурилишнинг ИК МЧЖ, Ўзшарҳқурилишнинг ИК МЧЖ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	2,7 трлн сўм (1,9 трлн сўм бюджетдан)	Давлат бюджети маблағлари, халқаро молия институтлари маблағлари	Амалий чора-тадбирлар. Бунда: арзон уй-жойлар қуриш дастурини изчил давом эттиришда жами 12 256 та қишлоқ ва шаҳарларда арзон уй-жойлар қуриш; уй-жойларни қурилиш материалларини мақбул, арзон ва сифатли қурилиш материалларига ўзгартириш, замонавий ва энергия тежамкор қурилиш материалларидан фойдаланиш назарда тутилади.

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтилаётган натижа
211.	Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодексининг янги таҳрирдаги лойиҳасини ишлаб чиқиш.	2020 йил 1 декабрь	Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, «Давергеодезкадастр» кўмитаси, Молия вазирлиги, Қурилиш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари	—	—	Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси. Лойиҳада: уй-жой соҳасидаги давлат бошқарувини қайта кўриб чиқиш; уй-жой сийёсатини тартибга солишнинг самарали механизмларини жорий этиш; давлат ва жамоат эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда қурилиш, реконструкция қилиш ва бузиш ишларини амалга ошириш тартибини янада такомиллаштириш; жисмоний ва юридик шахсларнинг уй-жойдан фойдаланишда қонунчилик ва норматив ҳужжатларга риоя этишдаги масъулиятини ошириш; уй-жой объектларини қуришга тадбиркорлик субъектларини кенг жалб қилишни рағбатлантирувчи механизмлар назарда тутилади.
212.	Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида қонунчилик базасини тизимлаштириб, Экология кодекси лойиҳасини ишлаб чиқиш.	2020 йил 1 октябрь	Олий Мажлис Қонунчилик палатаси (келишув асосида), Давлат экология кўмитаси, Адлия вазирлиги, вазирлик ва идоралар	—	—	Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси. Лойиҳада: экологияга оид қонунчилик базасини тизимлаштириш; атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича ваколатли давлат органининг фаолияти устидан парламент ва жамоатчилик назоратини амалга ошириш; атроф-муҳитни муҳофаза қилишда фуқаролар ва жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари; экологик назорат ва мониторинг турлари ҳамла уларни амалга ошириш тартиби; экологик экспертизани амалга ошириш тартиби; ўсимлик ва ҳайвонот дунёсидан фойдаланишга қўйиладиган талаблар назарда тутилади.

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтиллаётган натижа
213.	Орол фожиаси оқибатларини бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш.	Йил давомида	Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Давлат экология қўмитаси, Фанлар академияси, Сув хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, «Давергеодезкадастр» қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Хоразм вилояти ҳокимлиги	Ҳисоб-китобларга асосан	Давлат бюджети, Оролбўйи минтақаси учун траст жамғармаси маблағлари, халқаро молия институтлари маблағлари	Амалий чора-тадбирлар. Бунда: Орол денгизининг Ўзбекистон томонидаги қуриган тубида 742 минг га майдонда яшил қопламали ўрмонзорлар барпо этиш; Нукус, Урганч ва Хива шаҳарлари атрофида маҳаллий турдаги дарахт-буталардан иборат «яшил белбоғ»ларни барпо этиш назарда тутилади.
214.	Оролбўйи худудини ривожлантиришга, жумладан худудларни ободонлаштириш, жойларда ичимлик суви таъминотини, канализация ва бошқа ички муҳандислик-коммуникация тизимларини яхшилашга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш.	Йил давомида	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Хоразм вилояти ҳокимлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги	303,4млрд сўм	Давлат бюджети маблағлари	Амалий чора-тадбирлар. Бунда: лойиҳаларнинг тармоқ жадвалларини тасдиқлаш; лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш; экспертизадан ўтказиш, қурилиш-монтаж ишларини ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш назарда тутилади.
215.	Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик ҳолатни яхшилашга эътиборни кучайтириш.	2020 йил 1 июль	Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Давлат экология қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари	—	—	Чора-тадбирлар дастури. Дастурда: саноат ривожланишининг экологияга таъсирининг олдини олиш бўйича 2025йилгача мўлжалланган комплекс чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш; ишлаб чиқариш жараёнини экологик назорат қилишни такомиллаштириш; ҳар бир худуд ва корхона бўйича экологияни яхшилаш, чиқиндиларга доир ишлар юзасидан дастурларни ишлаб чиқиш ва ижросини таъминлаш назарда тутилади.
216.	Ишлаб чиқариш жараёнини экологик назорат қилиш тизимини такомиллаштириш, экологик аудит ўтказиш тартибни қайта кўриб чиқиб, хусусий аудиторлик фаолиятини жонлантириш.	2020 йил 1 октябрь	Давлат экология қўмитаси, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, Савдо-саноат палатаси	—	—	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси. Лойиҳада халқаро тажрибани ўрганган ҳолда ишлаб чиқаришнинг экологик назорати ва экологик аудит ўтказишни тартибга солиш механизмлари назарда тутилади.

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтиллаётган натижа
217.	Қурилиш соҳасини 2025 йилга қадар ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш.	2020 йил 1 апрель	Қурилиш вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси	—	—	Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳаси. Лойиҳада: қурилишга оид нормаларни халқаро стандартлар билан уйғунлаштириш, замонавий қурилиш технологиялари ва материалларини татбиқ этиш, соҳа учун кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислох қилиш; маҳаллий хом ашёни чуқур қайта ишлаш, маҳсулот ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш орқали тармоқни янада ривожлантириш; қурилиш соҳасида «рақамли иқтисодиёт»ни кенг жорий этиш; тендерлар ўтказишнинг аниқ мезонларини ишлаб чиқиш; архитектура-шаҳарсозлик ҳамда лойиҳа ва пудрат ишлари бозорини ривожлантириш, кадрлар салоҳиятини ошириш; қурилиш индустриясини диверсификация қилиш, буюртмачи ва давлат назорати органлари фаолиятини тартибга солиш ва тизи? шаффофлигини таъминла? орқали қурилиш соҳасини модернизациялаш, жадал ва инновацион ривожлантириш назарда тутилади.
<b>4.6. Маданият, спорт ва туризмни янада ривожлантириш</b>						
218.	Маданият соҳасини тубдан такомиллаштириш чораларини кўриш.	2020 йил 1 апрель	Маданият вазирлиги, Ўзбекистон бадий академияси, Республика маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Композиторлар ва бастакорлар уюшмаси	—	—	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси. Лойиҳада: Маданият вазирлиги ташкилий тузилмаси ва ҳудудий тузилмалари вазифа ва функцияларини қайта кўриб чиқиш; маданий-маърифий соҳада амалга оширилаётган ишларни янги босқичга олиб чиқиш; бундай тадбирларга санъаткорларни шартнома асосида жалб қилиш назарда тутилади.

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтиллаётган натижа
219.	Маданият ва санъат муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларда замонавий шарт-шароитлар яратиш.	Йил давомида	Маданият вазирлиги, Молия вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Қурилиш вазирлиги	Ҳисоб-китобларга асосан	Давлат бюджети ва хомийлик маблағлари	Амалий чора-тадбирлар. Бунда 2021 — 2023 йилларга мўлжалланган Инвестиция дастури доирасида Ўзбек миллий мақом марказини қуриш, Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм ва Сирдарё вилоятларидаги кўзи ожизлар кутубхоналарига янги бино қуриш назарда тутилади.
220.	Ўзбекистон Республикасининг «Маданий меросни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш.	2020 йил 1 октябрь	Маданият вазирлиги, Фанлар академияси, Адлия вазирлиги, Қурилиш вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, ЮНЕСКО ишлари бўйича миллий комиссия	—	—	Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси. Лойиҳада: «Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги, «Археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги қонунлар ҳамда соҳага оид қонуности ҳужжатларни танқидий қайта кўриб чиқиб, тўғридан-тўғри амал қилувчи ягона қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш; Қуролли можаро чиққан ҳолларда маданий бойликларнинг ҳимоя қилиниши тўғрисидаги конвенция, Умумжаҳон маданий ва табиий меросни муҳофаза қилиш тўғрисидаги конвенция, Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш тўғрисидаги халқаро конвенция қоидаларини чуқур имплементация қилиш; маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш; маданий меросни муҳофаза қилиш соҳасидаги амалдаги қонунчилик базасини мазкур қонунда тизимлаштириш назарда тутилади.

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтилаётган натижа
221.	Моддий маданий мерос объектлари ва ЮНЕСКО Умумжаҳон мероси рўйхатига киритилган ҳудудлар муҳофазасини кучайтириш.	2020йил1 май	Маданият вазирлиги, ЮНЕСКО ишлари бўйича миллий комиссия, вазирлик ва идоралар	Ҳисоб-китобларга асосан	Маданий мерос департаменти Маданий мерос жамғармаси, давлат музей қўриқхоналари маблағлари, халқаро грантлар	Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси. Лойиҳада: «Бухоро», «Самарқанд», «Ичан қалъа», «Сармишсой», «Шаҳрисабз», «Термиз» ва «Қўқон» давлат музей-қўриқхоналари, жумладан Умумжаҳон мероси рўйхатига киритилган ҳудудлар ва уларнинг қўриқланадиган теғралари чегарасини белгилаш; ходимларга хизмат қилган умумий иш стажини, илмий унвон ва даражага эга бўлгани учун устамалар белгилаш; давлат назорати функциясини таъминлаш мақсадида моддий-техник базасини яхшилаш, замонавий техника ва усқуналар билан таъминлаш; мутахассислиги бўйича ходимларни хорижда малакасини ошириш; реставратор усталар малакасини ошириш ва уларга малака сертификатини бериш тизимини йўлга қўйиш назарда тутилади.
222.	Маданият ва санъат соҳасида давлат-хусусий шериклик механизмини амалиётга фаол жорий этиш.	Йил давомида	Маданият вазирлиги, Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги, Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси	—	—	Амалий чора-тадбирлар. Бунда: давлат-хусусий шериклик асосида 20 та маданият маркази ва истироҳат боғлари фаолиятини йўлга қўйиш; истироҳат боғларининг қиёфасини тубдан қайта кўриб чиқиш, уларда халқ сайилларини доимий ўтказиш тизимини яратиш, аттракцион ва ўйин қурилмаларининг техник хавфсизлигини таъминлаш назарда тутилади.

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтилаётган натижа
223.	<p>Жаҳон маданиятига муносиб ҳисса қўшган юртимизнинг маданий меросини ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон маданий мероси рўйхати, Инсоният номоддий маданий меросининг репрезентатив рўйхати, Жаҳон хотираси рўйхатига киритиш бўйича таклифлар тайёрлаш ҳамда бу борада халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни кенгайтириш.</p>	Йил давомида	<p>ЮНЕСКО ишлари бўйича миллий комиссия, Маданият вазирлиги, ТИВ, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Бадий академия, Фанлар академияси, «Ўзархив» агентлиги, Молия вазирлиги</p>	Ҳисоб-китобларга асосан	Давлат бюджети маблағлари, ижрочилар маблағлари, халқаро грантлар	<p>Амалий чора-тадбирлар. Бунда: ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон маданий мероси рўйхати, Инсоният номоддий маданий меросининг репрезентатив рўйхати, Жаҳон хотираси рўйхатига киритишга тавсия этилиши мумкин бўлган 2030 йилгача бўлган манзилли рўйхати, уни амалга оширишнинг аниқ молиялаштириш манбалари ва бошқа ташкилий тадбирларни белгилаш; ЮНЕСКО ва ИКОМОС экспертлари билан музокаралар олиб бориш; халқаро экспертларни жалб қилиш, улар билан ЮНЕСКО рўйхатларига киритиш таклиф этилаётган объектлар бўйича халқаро мезонларга кўра номзодларни тайёрлаш ҳамда тавсия этиб бориш назарда тутилади.</p>

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтилаётган натижа
224.	II Халқаро мақом санъати анжуманини Шаҳрисабз шаҳрида ўтказиш.	2020 йил 20 сентябрь	Маданият вазирлиги, Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, ТИВ, Қашқадарё вилояти ҳокимлиги	Ҳисоб-китобларга асосан	Давлат бюджети маблағлари, Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси маблағлари, маҳаллий бюджет маблағлари	Чора-тадбирлар режаси. Бунда: республика ва жаҳон миқёсида II Халқаро мақом санъати анжумани тарғиботини ташкил этиш; II Халқаро мақом санъати анжумани доирасида танлов, илмий-амалий конференция ҳамда таниқли мақомшунос олим ва тажрибали мақом ижрочилари иштирокида ижодий учрашувлар ва маҳорат дарсларини ташкил этиш; II Халқаро мақом санъати анжуманида иштирок этадиган хорижий ҳамда маҳаллий мусикашунос ва мақомшунос олимлар, таниқли санъаткорлар, етук мутахассислар, фахрий меҳмонлар рўйхатини шакллантириш; Шаҳрисабз шаҳрида II Халқаро мақом санъати анжуманини ўтказиш учун зарур маданий инфратузилма иншоотлари ва ижтимоий объектларни барпо этиш назарда тутилади.
225.	Улуғ аллома ва жамоат арбоби Маҳмудхўжа Бехбудийнинг 145 йиллик таваллуд санасини кенг нишонлаш.	2020 йил 20 октябрь	Ўзувчилар уюшмаси, Маданият вазирлиги, Республика маънавият ва маърифат маркази, «Ўзбеккино» Миллий агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси	—	—	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси. Лойиҳада: Маҳмудхўжа Бехбудий номини абадийлаштириш, унинг ҳаёти ва ижодига бағишланган ҳужжатли фильм яратиш, асарлари асосида замонавий театр репертуарларини саҳналаштириш; бошқа жадидчилик ҳаракати, маърифатпарвар боболаримиз меросини чуқур ўрганиш ва тарғиб қилиш назарда тутилади.

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтилаётган натижа
226.	Ўзбек халқининг улуг адиблари — Ўзбекистон Қахрамони, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмад таваллудининг 100 йиллиги, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Асқад Мухтор таваллудининг 100 йиллиги, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шукур Холмирзаев таваллудининг 80 йиллиги, таниқли шоир Шавкат Раҳмон таваллудининг 70 йиллигини кенг нишонлаш.	Йил давомида	Ёзувчилар уюшмаси, Маданият вазирлиги, Олий таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлиги, Республика маънавият ва маърифат маркази, «Ўзбеккино» Миллий агентлиги, Тошкент шаҳар, Фарғона вилоят, Сурхондарё вилоят ҳокимликлари, «Шарк» НМАК	—	—	Чора-тадбирлар дастури л?ййихаси. Лой?ҳада: Ўзбек халқининг улуг адиблари Саид Аҳмад, Асқад Мухтор, Шукур Холмирзаев, Шавкат Раҳмон номларини абадийлаштириш, уларнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган асарлар асосида замонавий театр репертуарларини сахналаштириш; Танланган асарларини, улар ҳақидаги «Замондошлари хотирасида» туркумидаги китобларни чоп этиш назарда тутилади.

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтилаётган натижа
227.	Ўзбекистон Республикасида кинематография соҳасини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш.	2020 йил 1 июль	«Ўзбеккино» Миллий агентлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	—	—	Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони лойиҳаси. Лойиҳа билан 2030 йилгача мамлакатда кинематография соҳасини ривожлантириш концепцияси тасдиқланади. Концепцияда: давлат буюртмаси асосида кино маҳсулотлари ишлаб чиқаришни молиялаштириш тартибини такомиллаштириш; кинематография соҳасидаги ташкилотлар, жумладан кинотеатрлар, кино ва миллий сериаллар яратиш бўйича нодавлат кино ташкилотлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш; «Ўзбеккино» Миллий агентлиги фаолияти, тузилмаси, таркибидаги давлат унитар корхоналари фаолиятини қайта кўриб чиқиш; Миллий кинематографияни ривожлантириш жамғармасини молиялаштиришнинг қўшимча манбаларини белгилаш; «Ўзбеккино» Миллий агентлиги тизимида соҳада кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга ихтисослашган таълим муассасаси фаолиятини йўлга қўйиш; республикада замонавий кинематография инфратузилмаси ва моддий-техник базасини яратиш; миллий кино маҳсулотларини сақлаш, реставрация қилиш ва хорижда сақланаётганларни қайтариш назарда тутилади.

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтиладиган натижа
228.	Иккинчи жаҳон урушида эришилган ғалабада Ўзбекистоннинг муносиб ҳиссасини акс эттирган бадий ва ҳужжатли фильмлар яратишни таъминлаш ҳамда хорижий ва маҳаллий телеканалларда намоиш этиш.	Йил давомида	«Ўзбеккино» Миллий агентлиги, Молия вазирлиги, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, манфаатдор вазирлик ва идоралар	Ҳисоб-китобларга асосан	Давлат бюджети маблағлари	Чора-тадбирлар дастури. Дастурда: Иккинчи жаҳон урушида эришилган ғалабада Ўзбекистоннинг муносиб ҳиссасини акс эттирган бадий фильмларни ишлаб чиқариш; хорижий мамлакатлар архивларида сақланаётган Иккинчи жаҳон уруши ҳақидаги фильмларни рақамлаштириш, уларни реставрация қилиш ва мамлакатга қайтариш; ишлаб чиқарилган ва мамлакатга қайтарилган фильмларни хорижий ва маҳаллий телеканалларда намоиш этилишини таъминлаш назарда тутилади.
229.	Ўзбекистон Республикасининг «Кинематография тўғрисида»ги қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш.	2020 йил 1 декабрь	«Ўзбеккино» Миллий агентлиги, Маданият вазирлиги, Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, вазирлик ва идоралар	—	—	Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси. Лойиҳада: миллий кинематография соҳасида давлат сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш; соҳани ривожлантириш йўналишлари, босқичлари ва истиқболларини назарда тутиш; давлат томонидан миллий кино маҳсулотларни ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш; Миллий кинематографияни ривожлантириш жамғармасини молиялаштириш манбаларини белгилаш назарда тутилади.
230.	Хорижий кинокомпаниялар ва киностудияларни мамлакатга жалб этиш ҳамда уларга қулай шарт-шароитлар яратиш.	2020 йил 20 апрель	«Ўзбеккино» Миллий агентлиги, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси	—	—	Чора-тадбирлар режаси. Режада: республиканинг хорижий давлатлардаги дипломатик корпус вакиллари томонидан хорижий кинокомпания ва киностудиялар ўртасида тарғибот ишларини олиб бориш; хорижий кинокомпаниялар ва киностудияларга ўз маҳсулотларини Ўзбекистон ҳудудида ишлаб чиқариши учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш назарда тутилади.

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтилаётган натижа
232.	Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида юқори малакали тренерлар ва бошқа мутахассисларни тайёрлашни йўлга қўйиш.	2020 йил 1 май	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Инновация вазирлиги	Ҳисоб-китобларга асосан	Давлат бюджети маблағлари	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси. Лойиҳада: Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетининг Фарғона филиалини ва илмий-тадқиқот институтини ташкил этиш; 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб Тошкент тиббиёт академияси, Тошкент фармацевтика институти ва бошқа олий таълим муассасаларида спорт тиббиёти, фармакологияси, реабилитологияси, психологияси ва диетологияси, Тошкент тиббиёт академияси ҳамда Андижон, Бухоро ва Самарқанд тиббиёт институтлари магистратурасида «Диетология» ва «Нутрициология (овқатланиш илми)» мутахассисликлари бўйича кадрлар тайёрлаш; хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда соҳада малакали мутахассислар тайёрлаш, профессор-ўқитувчилар малакасини ошириш бўйича алоқаларни йўлга қўйиш чора-тадбирлари назарда тутилади.
233.	Ёшлар ўртасида ёзги Осиё ўйинларини 2025 йилда Ўзбекистонда ўтказишга тайёргарлик кўриш.	2020 йил 1 май	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси, Молия вазирлиги, вазирлик ва идоралар	Ҳисоб-китобларга асосан	Давлат бюджети маблағлари, хомийлар маблағлари	Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси. Лойиҳада Ёшлар ўртасида ёзги Осиё ўйинларини 2025 йилда Ўзбекистонда ўтказишга тайёргарлик кўриш бўйича ташкилий чора-тадбирлар назарда тутилади.
234.	Оммавий спорт турларини ривожлантириш учун спорт иншоотларини қуриш ишларини давом эттириш.	Йил давомида	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Қурилиш вазирлиги, «Миллий банк» АЖ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	500 млрд сўм	Халқаро молия институтлари маблағлари	Амалий чора-тадбирлар. Бунда тадбиркорларга 269 та футбол, волейбол, баскетбол ва бадминтон майдонлари, 178 та бокс, кураш, фитнес ва гимнастика спорт заллари, 32 та теннис корти қуриш ишлари амалга ошириш учун имтиёзли кредит ажратилади.

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтиладиган натижа
235.	Спорт турлари бўйича федерация (уюшма)лар ва спортни ривожлантиришга масъул ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш механизмини такомиллаштириш.	2020 йил 20 ноябрь	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Халқ таълим вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Қасаба уюшмалари Федерацияси, Миллий олимпия қўмитаси	—	—	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси. Лойиҳада: ривожланган мамлакатларнинг тажрибасини ўрганиш асосида Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, бошқа давлат ташкилотлари ҳамда спорт турлари бўйича ? едерация (уюшма)лар ўртасидаги ҳамкорлик механизмини такомиллаштириш; жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга масъул ташкилотларни аҳоли ўртасида оммавий спортни ривожланиш ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш бўйича фаолияти ва масъулияти масалалари назарда тутилади.
236.	Мамлакатимизга келадиган туристлар сонини 7, 5 миллионга етказиш мақсадида авиатранспорт тизимини такомиллаштириш.	2020 йил 1 апрель	Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Транспорт вазирлиги, вазирлик ва идоралар	—	—	Чора-тадбирлар дастури. Дастурда: мамлакатда фуқаро авиаташишларини амалга оширувчи камидан 5 та янги резидент авиакомпаниялар ташкил этиш; янги авиарейслар очиш ва қатновлар даврийлигини ошириш асосида мавжуд авиақатновлар сонини қўшимча 2,8 мингтага қўпайтириш; IATA (Ҳаво транспорти халқаро ассоциацияси) «Summer-2021» ёзги мавсум бошлангунча «Очиқ осмон» режими татбиқ этилган мамлакатнинг халқаро аэропортларининг ҳар бирида янги 10 та халқаро авиарейсни йўлга қўйиш; авиарейслар сонини ошириш мақсадида мақсадли мамлакатларда жадал маркетинг кампаниясини олиб бориш назарда тутилади.

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтилаётган натижа
237.	Туризм йўлбўйи инфратузилмасини ривожлантириш.	2020 йил 1 апрель	Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари	Ҳисоб-китобларга асосан	Ижрочилар маблағлари	Чора-тадбирлар режаси. Режада: жойларга чиққан ҳолда йўлбўйи инфратузилмаси ҳолатини ўрганиш; мамлакатнинг автомагистраль йўллари бўйлаб ташкил этиладиган туризм объектлари мажмуаларининг жойлашув мастер-режасини тайёрлаш; туризм объектлари мажмуаларининг намунавий лойиҳаларини тайёрлаш ва мазкур мажмуаларнинг онлайн харитасини ишлаб чиқиш; йўлбўйи инфратузилма объектлари комплексини амалга оширувчи тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш; Андижон вилояти Хонобод шаҳридан Сурхондарё вилояти Термиз шаҳрига боғланган ҳолда Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ туманигача «Ўзбекистон туризм магистрали» туризм транспорт коридорини ривожлантириш назарда тутилади.
238.	Мамлакатда тиббиёт ва зиёрат туризмни комплекс ривожлантириш.	2020 йил 1 июнь	Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон мусулмонлари идораси	Ҳисоб-китобларга асосан	Ижрочилар маблағлари	Чора-тадбирлар дастури. Дастурда Ўзбекистон Республикасида тиббиёт ва зиёрат туризмни ривожлантириш йўналишларини ишлаб чиқиш ва аниқ чоралар белгилаш назарда тутилади.

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтилаётган натижа
239.	Зиёрат ва анъанавий туризмни ривожлантириш мумкин бўлган йўналишлардаги маданий мерос ва архитектура объектлари сонини 800 тага етказиш ҳамда бу орқали уларнинг ҳолатини яхшилаш.	2020 йил 1 май	Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Маданият вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари	Ҳисоб-китобларга асосан	Ижрочилар маблағлари	Чора-тадбирлар режаси. Режада: ҳар бир ҳудуддаги мавжуд маданий мерос ва архитектура объектларидан туризм йўналишига киритиш имконияти бор объектлар рўйхатини шакллантириш; туризм салоҳияти юқори маданий мерос объектларини туристларни қабул қилиш учун тайёрлаш; туризм фаолияти субъектлари билан ҳамкорликда объектларни туристик маршрутларга киритишга кўмаклашиш; ушбу объектларни Ўзбекистон ва чет эл фуқаролари орасида кенг тарғиб қилиш назарда тутилади.
240.	Туризм соҳасида жамоат ташкилотлари ролини ошириш ва фаолиятини қўллаб-қувватлаш механизмларини жорий этиш орқали туризм хизматлари сифатининг яхшилаш.	2020 йил 1 август	Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Адлия вазирлиги, Хусусий туристик ташкилотлари ассоциацияси, Гидлар уюшмаси, Меҳмонхоналар ассоциацияси, Гастрономик туризм ассоциацияси	—	—	Чора-тадбирлар режаси. Режада: туризм хизматларининг сифатини баҳолаш ва яхшилаш жараёнида мазкур соҳадаги жамоат ташкилотларининг иштирокини белгилаш ва уларнинг мавқеини ошириш; олий таълим муассасаси ва касб-ҳунар коллежлари туризм йўналишидаги битирувчиларни соҳадаги жамоат ташкилотлари орқали амалиёт ўташ тизимини яратиш; ресторан ва кафеларда хизмат кўрсатувчи барча ходимларни махсус ўқув курсларида ўқитиш ва уларга сертификат бериш амалиётини татбиқ этиш назарда тутилади.
<b>V. ХАВФСИЗЛИК, МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК ВА ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ҲАМДА ЧУҚУР УЙЛАНГАН, ЎЗARO МАНФААТЛИ ВА АМАЛИЙ ТАШҚИ СИЁСАТНИ АМАЛГА ОШИРИШ СОҲАСИДАГИ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАР</b>						
<b>5.1. Хавфсизлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни таъминлаш соҳасидаги устувор йўналишлар</b>						

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтиладиган натижа
241.	Давлат ҳарбий ташкилоти ва мамлакат мудофаа тизимини янада такомиллаштириш.	Йил давомида	Мудофаа вазирлиги, Миллий гвардия, ДХХ, ИИБ, ФВВ, Мудофаа саноати давлат қўмитаси, вазирлик ва идоралар	—	—	Амалий чора-тадбирлар. Бунда: ҳарбий хавфсизликни таъминлаш соҳасида норматив-ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш, шунингдек Қуролли Кучларни 2020 — 2025 йилларда ривожлантириш бўйича Комплекс дастурни ишлаб чиқиш; Мамлакат мудофаасини бошқариш миллий марказининг автоматлаштирилган ахборот тизимини яратиш ва унинг фаолиятини ташкил қилиш; Қуролли Кучлар Бош штаби қошида жанговар шайлик масалаларини стратегик даражада қўриб чиқадиган Мувофиқлаштирувчи кенгашни тузиш; қўшинлар тайёргарлигининг интенсивлиги ва сифатини кучайтириш, шу жумладан жанговар ва тезкор тайёргарлик бўйича турли машқлар ўтказиш ва бошқа тадбирларни амалга ошириш; халқаро талаблар асосида ўқув-жанговар тайёргарлик объектларининг ҳолатини яхшилаш; жанговар тайёргарликни автоматик тарзда ҳисобга олиш тизимини яратиш; Қуролли Кучларни замонавий қуроллар, техника, ҳарбий-техник ва махсус анжомлар билан таъминлаш мақсадида 2018 — 2021 йилларда қўшинларни қуроллар ва ҳарбий техниканинг замонавий намуналари билан таъминлаш, модернизация қилиш ва таъмирлаш ишлари бўйича қабул қилинган комплекс дастурнинг сифатли бажарилишини таъминлаш назарда тутилади.

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтилаётган натижа
242.	Мудофаа саноати комплекси корхоналарининг фаолиятини ривожлантириш ва ишлаб чиқариш тизимига замонавий технологияларни жорий этиш.	2020 йил 1 май	Мудофаа саноати давлат қўмитаси, Мудофаа вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, вазирлик ва идоралар	Ҳисоб-китобларга асосан	Давлат бюджети ва инвесторлар маблағлари	Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳаси. Лойиҳада иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари корхоналари билан кооперацияда ҳарбий ва икки хил мақсадда фойдаланишга мўлжалланган рақобатбардош, импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этишга йўналтирилган комплекс чоратадбирлар, жумладан: учувчисиз учуш аппаратларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш; янги турдаги ўқдориларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш; машинасозлик маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича кластерни ташкил этиш; машинасозлик маҳсулотларини таъмирлаш ва уларга сервис хизматларини кўрсатиш бўйича кластерни ташкил этиш; оптик мосламалар ва тунги кўриш мосламаларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш; мудофаа саноати комплексининг илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари кластерини ташкил этиш назарда тутилади.

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтилаётган натижа
243.	2020 — 2023 йилларга мўлжалланган киберхавфсизликка доир миллий стратегияни ишлаб чиқиш.	2020 йил 1 сентябрь	ДХХ, Ахборотлаш-тириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Бош прокуратура, ИИБ, Мудофаа вазирлиги, вазирлик ва идоралар	—	—	Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳаси. Лойиҳа билан 2020 — 2023 йилларга мўлжалланган киберхавфсизликка доир миллий стратегия тасдиқланади. Стратегияда: миллий кибермаконда жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятни тартибга солиш; киберхавфсизликнинг ягона тизими ва муҳим ҳисобланган инфратузилмани киберхужумлардан ҳимоя қилиш соҳасидаги ҳуқуқий базани шакллантириш; мамлакатда киберхавфсизлик борасида амалга оширилаётган чораларни кучайтириш назарда тутилади.
244.	Ўзбекистон Республикасининг «Киберхавфсизлик тўғрисида»ги қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш.	2020 йил 1 сентябрь	ДХХ, Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, ИИБ, Адлия вазирлиги	—	—	Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси. Лойиҳада: ахборот коммуникация ва технологиялари тизимини замонавий кибертаҳдидлардан ҳимоя қилиш, турли даражадаги тизимлар учун киберхавфсизлик бўйича замонавий механизмларни жорий этиш; киберхавфсизликни таъминлаш соҳасида давлат органлари, корхоналар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини белгилаш, уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш; ушбу соҳадаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни унификациялаш назарда тутилади.

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтиллаётган натижа
245.	Ўзбекистон Республикасининг ахборот сиёсатини шакллантириш.	2020 йил 1 июнь	Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Адлия вазирлиги, Олий Мажлис палаталари (келишув асосида), Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, вазирлик ва идоралар	—	—	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси. Лойиҳа билан Ўзбекистон Республикаси ягона ахборот сиёсати концепцияси тасдиқланади. Концепцияда: ахборот соҳасидаги миллий манфаатларни белгиловчи ахборот сиёсатини ишлаб чиқиш механизмларини шакллантириш; давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари ва ташкилотлари матбуот хизматларининг жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик даражаси ва сифатини оширишга қаратилган чора-тадбирларни белгилаш; бутунжаҳон Интернет ахборот тармоғида ўзбек тилидаги сегментни ривожлантириш ва аҳолининг медиасаводхонлигини ошириш; журналистика соҳасида кадрларни тайёрлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини англаши, республиканинг глобал ахборот маконига сифатли интеграцияси бўйича чора-тадбирлар назарда тутилади.
246.	Давлат ташкилотларидаги операцион тизимларни эркин тарқатиладиган, сертификатланган ва ахборот хавфсизлиги талабларига жавоб берадигандастурий таъминотга ўтказиш.	2020 йил 1 август	«Киберхавфсизлик маркази» ДУК, Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси, вазирлик ва идоралар	—	—	Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси. Лойиҳада давлат ташкилотлари ва муассасаларида ахборот хавфсизлиги соҳасидаги стандартларга жавоб берадиган, лицензияланган дастурий маҳсулотлардан фойдаланишни йўлга қўйиш бўйича чора-тадбирлар назарда тутилади.

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтилаётган натижа
247.	Чегара ўтказиш пунктларида чегара ва божхона назорати сифатини яхшилаш.	2020 йил 1 июнь	Давлат божхона қўмитаси, ДХХ, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ветеринария ва чорвачилиқни ривожлантириш давлат қўмитаси	Ҳисоб-китобларга асосан	Давлат бюджети ва чет эл ҳамкорлари маблағлари	Комплекс чора-тадбирлар режаси. Режада: давлат чегараларидан фуқаролар, техник воситалар ва товарлар ўтказиш оқими катта бўлган пунктларда фаолият юритаётган чегара, божхона ва назорат органларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш; чегара ва божхона назоратидан ўтиш вақтини қисқартириш мақсадида онлайн-режимда ахборот тизими орқали автотранспорт воситалари ва фуқаролар ҳақидаги маълумотларнинг ўзаро алмашинувини таъминлаш бўйича зарурий чора-тадбирлар назарда тутилади.
248.	«Кўриқлаш фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш.	2020 йил 1 апрель	Миллий гвардия, Мудофаа вазирлиги, ИИБ, ДХХ, Адлия вазирлиги, вазирлик ва идоралар	—	—	Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси. Лойиҳада: кўриқлаш фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш; кўриқлаш фаолиятининг турлари ва уни амалга оширувчи субъектларнинг ҳуқуқлари, ваколатлари ва мажбуриятлари; кўриқлаш фаолиятини амалга ошириш тартиби назарда тутилади.
249.	Хорижий шериклар билан ҳарбий ва ҳарбий-техник ҳамкорликни янада ривожлантириш.	Йил давомида	Мудофаа вазирлиги, Миллий гвардия, ДХХ	—	—	Амалий чора-тадбирлар. Бунда: етакчи хорижий давлатларнинг кўшинлари, шунингдек, олий ҳарбий таълим муассасалари ва тадқиқот марказлари билан биргаликда ҳарбий хизматчиларни ўқитиш ва малакасини оширишни ташкил этиш; Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг жанговар-хизмат фаолиятида хорижий мамлакат кўшинларининг илғор тажрибасини чуқур ўрганиш ва кенг татбиқ этиш; Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг хорижий давлатларнинг Миллий гвардия ва бошқа тегишли идоралари

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтилаётган натижа
						<p>билан ҳамкорлигини ўрнатиш, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ва Қозоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ўртасида ҳамкорлик битимини имзолаш; Покистон ҳукумати ва мудофаа вазирлиги билан ҳарбий ҳамкорлик ва ҳарбий разведка соҳасида ўзаро англашув меморандумларини, Тожикистон мудофаа вазирлиги билан ҳарбий разведка соҳасида ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича англашув меморандумини ва Қозоғистон мудофаа вазирлиги билан ҳарбий разведка соҳасида ҳамкорлик битимини имзолаш; Қуролли Кучлар Академиясида халқаро конференцияларни ўтказиш; Қуролли Кучлар Академияси профессор-ўқитувчилари томонидан хорижий мамлакатларнинг Олий ҳарбий билим юрғларида маърузалар ўқиш; Марказий Осиё мамлакатлари ҳарбий хизматчиларининг Қуролли Кучлар Академиясида таҳсил олишини йўлга қўйиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш назарда тутилади.</p>

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтилаётган натижа
250.	Мутаассиблик, экстремизм ва терроризмнинг асл мақсади ва мазмун-моҳиятини очиб берувчи тарғибот ишларини жадаллаштириш.	Йил давомида	Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Ислом цивилизацияси маркази, Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти, Адлия вазирлиги, ИИВ, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, ТИВ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	—	—	Амалий чора-тадбирлар. Бунда: мутаассиблик, экстремизм ва терроризмнинг асл мақсади ва мазмун-моҳиятини очиб берувчи тарғибот ишларини янада такомиллаштириш; хорижий мамлакатларда ўтказиладиган тинчликни сақлаш, терроризм ва экстремизмга қарши курашишга қаратилган турли илмий-амалий анжуманларда Ўзбекистон уламоларининг иштирокини таъминлаш; экстремизм, терроризм ва мутаассибликни тарғиб қилувчи ғояларнинг олдини олиш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш назарда тутилади.
251.	Диний экстремизм ғоялари таъсирга адашиб тушиб қолган фуқароларни ижтимоий реабилитация қилиш ва уларни соғлом ҳаётга қайтариш тизимини янада такомиллаштириш.	Йил давомида	ИИВ, Дин ишлари бўйича қўмита, Меҳнат вазирлиги, Маҳалла ва оилани қўллаб-қўвватлаш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	—	—	Амалий чора-тадбирлар. Бунда: диний экстремизмга алоқадор фуқароларни соғлом ҳаётга қайтариш, уларнинг ижтимоий-маиший муаммоларини аниқлаш ва ҳал этиш, аҳоли ўртасида зарарли диний ғоялар таъсирга тушиш ҳолатларининг олдини олиш бўйича ишларни такомиллаштириш; илғор хорижий тажрибадан келиб чиқиб, ушбу соҳадаги ишларнинг янги самарали механизмларини жорий этиш; мазкур тоифадаги шахсларнинг бандлиги, таълим олиши, ижтимоий ҳимоясини таъминлашга оид чора-тадбирларни амалга ошириш назарда тутилади.

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтиллаётган натижа
252.	Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасини қўшни мамлакатлар билан делимитация ва демаркация қилиш борасидаги музокараларни давом эттириш.	Йил давомида	ТИВ, «Давергеодезкадастр» давлат қўмитаси, ДХХ	—	—	Амалий чора-тадбирлар. Бунда: чегарадош давлатлар билан 2020 йилда бўлиб ўтадиган давлат чегараларини делимитация ва демаркация қилиш бўйича ҳукумат комиссиялари йиғилишларини ташкил этиш; қўшни давлатлар билан мазкур соҳада икки томонлама амалий тадбирларни ўтказиш назарда тутилади.
253.	Чегара олди ҳудудларда жойлашган темир йўл бекатлари хавфсизлигини кучайтириш борасида чора-тадбирларни амалга ошириш.	2020 йил 1 апрель	Транспорт вазирлиги, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ, ДХХ	—	—	Чора-тадбирлар режаси. Режада: чегара олди ҳудудларда жойлашган темир йўл бекатларини қўриқлаш тизимини такомиллаштириш; ушбу бекатларни тегишли муҳандислик-техника иншоотлари билан таъминлаш бўйича чора-тадбирлар назарда тутилади.
254.	«Дўстлик ҳафталиги» ва «Дўстлик» халқаро форум-фестивалини ўтказиш.	2020 йил 1 июль	Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси, ТИВ, Дин ишлари бўйича қўмита, Фуқаролик жамиятини ривожлантириш маркази, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	Ҳисоб-китобларга асосан	Давлат бюджети маблағлари	Вазирлар Маҳкамаси фармойиши лойиҳаси. Лойиҳада «Дўстлик ҳафталиги», «Дўстлик» халқаро форум-фестивали ва бошқа маданий-маърифий тадбирларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича амалий чора-тадбирлар назарда тутилади.
255.	Юртимизда «Халқлар дўстлиги ва умумхалқ бирдамлик куни»ни жорий этиш.	2020 йил 1 июль	Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси, Адлия вазирлиги	—	—	Ўзбекистон Республикаси қонун лойиҳаси. Лойиҳада юртимизда миллатлараро тотувлик, дўстлик ва ҳамжихатлик туйғусини янада мустаҳкамлаш мақсадида «Халқлар дўстлиги ва умумхалқ бирдамлик куни»ни жорий этиш назарда тутилади.
256.	«Халқлар дўстлиги» кўкрак нишонини таъсис этиш.	2020 йил 1 сентябрь	Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси	—	—	Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси. Лойиҳада миллий маданий марказлар ва дўстлик жамиятлари фаолиятини самарадорлигини ошириш ҳамда соҳа вакиллари меҳнатини муносиб рағбатлантириш мақсадида «Халқлар дўстлиги» кўкрак нишонини таъсис этиш назарда тутилади.

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтилаётган натижа
257.	«Жаҳолатга қарши маърифат» деган ғоя асосида ислом динининг инсонпарварлик моҳиятини, тинчлик ва дўстлик мақсадларига хизмат қилишини тарғиб этиш.	Йил давомида	Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирлик ва идоралар	—	—	Амалий чора-тадбирлар. Бунда: тарғибот гуруҳларини шакллантириш, тадбирлар ўтказиш режасини ишлаб чиқиш; Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Ислом цивилизацияси маркази, Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Ўзбекистон мусулмонлари идораси мутахассисларини ҳудудларда диний-маърифий тадбирларни ўтказишга жалб этиш; ўтказилган тадбирлар юзасидан умумлаштирилган маълумотнома тайёрлаш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш назарда тутилади.
258.	Юртимиз алломалари ҳаёти, илмий меросига бағишланган ва диний бағрикенглик мавзуларида халқаро илмий-амалий конференциялар ҳамда бошқа тадбирларни ташкил этиш.	Йил давомида	Дин ишлари бўйича қўмита, Ислом цивилизацияси маркази, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Самарқанд, Бухоро вилоятлари ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	—	—	Амалий чора-тадбирлар. Бунда: Мисрининг Ал-Азҳар мажмуаси билан ҳамкорликда Самарқандда «Имом Абу Мансур Мотуридий ва мотуридия таълимоти: ўтмиш ва бугун» мавзусида халқаро конференция ўтказиш; АЙСЕКО ҳақаро ташкилоти томонидан Бухоро шахрининг 2020 йилда «Ислом олами маданияти пойтахти» деб эълон қилиниши муносабати билан «Ўзбекистон — Ислом цивилизацияси маркази» халқаро илмий-амалий анжуманини ўтказиш; «Диний бағрикенглик — давлат ва жамият тараққиётининг муҳим омили» мавзусида халқаро анжуман ўтказиш; Бухоро шаҳрида Абдуҳолик Ғиждувонийнинг 915 йиллиги ва Баҳоуддин Нақшбанднинг 700 йиллигига бағишланган халқаро илмий конференция ҳамда унинг таваллуд айёмини юқори савияда ўтказиш бўйича чора-тадбирлар назарда тутилади.

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтиллаётган натижа
259.	Имом Бухорийнинг Самарқанддаги ёдгорлик мажмуасини янги лойиҳа асосида қайта барпо этиш.	2020 йил 1 апрель	Самарқанд вилояти ҳокимлиги, Қурилиш вазирлиги, Молия вазирлиги, Дин ишлари бўйича қўмита, вазирлик ва идоралар	—	—	Вазирлар Маҳкамаси фармойиши лойиҳаси. Лойиҳада Имом Бухорийнинг Самарқанддаги ёдгорлик мажмуасини муслмон дунёсидаги улуг мақомига мос равишда мутлақо янги лойиҳа асосида қайта барпо этиш бўйича чора-тадбирлар назарда тутилади.
260.	Оролбўйи ҳудудида яшовчи миллат ва элатларнинг маънавий-маърифий алоқаларини ривожлантириш.	2020 йил 20 август	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Маданият вазирлиги, Республика маънавият ва маърифат маркази, Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси, Молия вазирлиги	Ҳисоб-китобларга асосан	Давлат бюджети маблағлари, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети маблағлари	Чора-тадбирлар режаси. Режада: Қорақалпоғистон Республикасида Оролбўйи ҳудудида яшовчи миллат ва элатларнинг маънавий-маърифий алоқаларини ривожлантириш, ёшлар орасида миллий урф-одатлар, тарихий ва маданий меросни асраб-авайлашга қаратилган Миллатлараро тотувлик халқаро маданий-гуманитар фестивалини ўтказиш; Оролбўйи ҳудудида истиқомат қилувчи турли миллат ва элатларнинг тотувлигини мустаҳкамлаш, уларнинг тили ва урф-одатларини асраб-авайлаш, миллий маданий марказларнинг жамият ҳаётидаги ролини кучайтириш, ёшларни Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш бўйича чора-тадбирлар назарда тутилади.
261.	Иқтисодиёт соҳасидаги трансмиллий жиноятларга қарши курашиш бўйича халқаро ҳамкорликни ривожлантириш.	Йил давомида	ДХХ, Бош прокуратура, ИИВ, ТИВ	—	—	Амалий чора-тадбирлар. Бунда хорижий давлатлар махсус хизматлари билан иқтисодиёт соҳасидаги трансмиллий жиноятларга қарши курашиш бўйича ҳамкорликни ривожлантиришга доир ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги меморандумни ишлаб чиқиш ва тегишли ташкилотлар билан келишиш назарда тутилади.

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтилаётган натижа
262.	Иқтисодий жиноятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши кураш бўйича Евроосиё гуруҳи (ЕАГ ФАТФ) билан ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш.	Йил давомида	Бош прокуратура, ДХХ, ИИВ, ТИВ	—	—	Амалий чора-тадбирлар. Бунда Иқтисодий жиноятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича Евроосиё гуруҳи (ЕАГ ФАТФ) билан ўзаро ҳамкорликда халқаро семинарлар ташкил этиш ҳамда мазкур йўналишда миллий кадрлар малакасини ошириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш назарда тутилади.
263.	Атом энергиясидан фойдаланиш хавфсизлиги тизимини такомиллаштириш.	2020 йил 30 апрель	Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси, Энергетика вазирлиги, Давлат экология қўмитаси, Соғликни сақлаш вазирлиги, ФВВ, ИИВ, Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, Фанлар академияси, «Ўзстандарт» агентлиги	—	—	Ҳазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси. Лойиҳада: атом энергетикаси соҳасидаги ваколатли давлат бошқаруви органи томонидан атом энергиясидан фойдаланиш соҳасида давлат назоратини амалга ошириш тартиби; атом энергиясидан фойдаланиш объектларининг ва атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги фаолиятнинг хавфсизлигини асослаш юзасидан экспертиза ўтказиш тартибини белгилаш назарда тутилади.
264.	Нефть ва газ конларидан фойдаланишнинг сейсмогеодинамик жараёнларга таъсирини ўрганиш учун сейсмикликни мониторинг қилишни такомиллаштириш.	2020 йил 1 ноябрь	ФВВ, «Ўзбекнефтегаз» АЖ, Фанлар академияси, вазирлик ва идоралар	—	—	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси. Лойиҳада: республикада техноген сейсмикликни узлуксиз мониторинг қилиб бориш механизмини яратиш; нефть ва газ конларидан фойдаланишнинг геодинамик жараёнларга таъсирини аниқлаш; нефть ва газ конларидан фойдаланиш билан боғлиқ техноген zilzilalar хавфини прогноزلаш имкониятини яратиш бўйича вазифалар назарда тутилади.

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтилаётган натижа
265.	Аҳолига табиий офатлар оқибатида етказилган зарар миқдорини қоплаш тартибини белгилаш.	2020 йил 1 ноябрь	ФВВ, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, «Ўзгидромет», Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, Давлат экология қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	—	—	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси. Лойиҳада: табиий офатлар оқибатида зарар кўрган аҳолига етказилган зарарни қоплаш тартибини белгилаш; ваколатли органлар ва фуқароларнинг бу борадаги ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқлаштириш; маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ваколатли вазирлик ва идораларнинг техноген хавфли ҳудудларда қурилишнинг олдини олиш бўйича масъулиятини ошириш назарда тутилади.
266.	Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва ҳудудининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тизимини такомиллаштириш.	2020 йил 1 май	Фанлар академияси, ФВВ, Қурилиш вазирлиги, «Ергеозкадастр» давлат қўмитаси, Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти	Ҳисоб-китобларга асосан	Давлат бюджети маблағлари, Инновацион ривожланиш вазирлиги грантлари, Халқаро молия институтлари маблағлари ва грантлар	Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳаси. Лойиҳада: Ўзбекистон Республикасида сейсмик хавфсизликни таъминлаш тизимини 2023 йилгача ривожлантириш дастурини тасдиқлаш; сейсмик ва комплекс-прогностик станцияларни интернет тизими билан тўлик таъминлаш ҳамда уларда прогноз маълумотларини марказга етказиш жараёнига автоматлаштирилган тизимни жорий этиш; Марказий Осиё ҳудудида сейсмик хавф-хатарни прогноз қилиш бўйича қўшни давлатлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш назарда тутилади.

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтилаётган натижа
267.	Ишлаб чиқарилаётган озик-овқат маҳсулотларининг хавфсизлигини кучайтириш.	2021 йил 1 апрель	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Ўзстандарт» агентлиги, ФВВ, вазирлик ва идоралар	—	—	Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси. Лойиҳада: озик-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш борасида мавжуд муаммоларни бартараф этиш ва ушбу соҳада ўзини оклаган хорижий давлатлар норматив ҳужжатларини таҳлил қилиш; маҳсулотларга қўшилаётган ҳар хил турдаги соғлиқ учун хавф туғдириши мумкин бўлган кимёвий моддаларни ва ўсимлик ёғларини ишлатиш ҳолатларини ўрганиш; ушбу тадбирлар натижаларига кўра, мазкур соҳадаги техник жиҳатдан тартибга солишга оид норматив ҳужжатларни янгилаш назарда тутилади.

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтиллаётган натижа
268.	Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг миллий стратегияси ишлаб чиқишнинг жадаллаштириш.	2020 йил 1 май	Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили, вазирлик ва идоралар	—	—	<p>Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси. Лойиҳа билан Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг миллий стратегияси тасдиқланади. Стратегияда: Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларининг тўлиқ бажарилишини таъминлаш; фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилишини мониторинг қилиш механизмларини такомиллаштириш; инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий ва бошқа комплекс чоралар тизимини яратиш; қонунчиликка ва давлат органлари, хусусан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг амалий фаолиятига инсон ҳуқуқ ва эркинликлари соҳасида халқаро стандартларни имплементация қилиш механизмлари ва тартиби самарадорлигини ошириш; аҳолининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, жумладан бу борада самарали ахборот ва маърифат тарқатиш, таълим бериш фаолиятини ташкил этиш; инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги халқаро ва минтақавий тузилмалар, хорижий мамлакатлар миллий институтлари билан ҳамкорликни янги bosqichga kўтартиш назарда тутилади.</p>
<b>5.2. Ташқи сиёсат соҳасидаги ўсвор йўналишлар</b>						

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтиллаётган натижа
269.	Халқаро иқтисодий рейтингларда Ўзбекистоннинг ўрнини яхшилашга қаратилган кейинги чора-тадбирларни ишлаб чиқиш.	2020 йил 1 июнь	Молия вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси, ТИВ, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Марказий банк, Адлия вазирлиги, илмий-тадқиқот муассасалари	—	—	Чора-тадбирлар режаси: Режада халқаро экспертлар ва миллий маслаҳатчилар билан биргаликда маълумотлар тўплаш методологияси ва амалиётини таҳлил қилиш ҳамда уйғунлаштириш орқали халқаро иқтисодий рейтингларда Ўзбекистоннинг маъқенини яхшилаш бўйича «йўл харитаси»ни қабул қилиш назарда тутилади.
270.	Марказий Осиё мамлакатлари билан минтақавий ҳамкорлик доирасида туризмнинг ҳар хил турларини ривожлантириш.	2020 йил 1 июнь	Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Маданият вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, ТИВ	—	—	Чора-тадбирлар дастури. Дастурда: Марказий Осиё мамлакатларининг маданий ва сайёҳлик сайтларининг ягона рақамли харитасини (мультимедиа маҳсулот) ишлаб чиқиш; Марказий Осиё мамлакатлари билан комбинациялаштирилган туризмни «битта тур — кўп мамлакатлар» тамойили асосида ривожлантириш бўйича кўп томонлама шартномани тузиш; тарихий обидалар ва республиканинг сайёҳлик салоҳиятини фаол равишда тарғиб қилиш, Ўзбекистондаги халқларнинг урф-одатлари ва анъаналарини оммалаштириш, комбинациялаштирилган туризм турларини ўрганиш ва амалиётга татбиқ этиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш назарда тутилади.

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтилаётган натижа
271.	Туркий тилли давлатлар Парламентлараро ассамблеясига аъзо бўлиш масаласини жадаллаштириш.	2020 йил 1 октябрь	Олий Мажлис палаталари (келишув асосида), Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти, ТИВ, вазирлик ва идоралар	—	—	Чора-тадбирлар режаси. Режада: Ўзбекистоннинг Туркий тилли давлатлар Парламентлараро ассамблеясига аъзо бўлишининг мақсадга мувофиқлиги масаласини ўрганиш; сиёсий қарор қабул қилиш натижаларига кўра Ўзбекистоннинг расман ташкилот аъзолигига қабул қилинишининг ташкилий-ҳуқуқий масалаларини ҳал этиш; парламент палаталари Кенгашларининг қўшма қарори орқали Олий Мажлиснинг Туркий тилли давлатлар Парламентлараро ассамблеясидаги доимий таркибини шакллантириш; Туркий тилли давлатлар Парламентлараро ассамблеяси билан ҳамкорлик бўйича «йўл харитаси»ни ишлаб чиқиш назарда тутилади.
272.	Озон қатламини емирувчи моддалар бўйича Монреал протоколи томонларининг навбатдаги 32-ййғилишини Тошкент шаҳрида ўтказиш.	2020 йил 1 ноябрь	Давлат экология қўмитаси, ТИВ, Молия вазирлиги, вазирлик ва идоралар	Ҳисоб-китобларга асосан	Ижрочилар ва хомийлар маблағлари	Чора-тадбирлар режаси. Режада: Озон қатламини емирувчи моддалар бўйича Монреал протоколи томонларининг навбатдаги 32-ййғилишини Тошкент шаҳрида ўтказиш орқали экологияни муҳофаза қилиш соҳасида респуб-ликанинг халқаро имижини ошириш; экология соҳасида долзарб масалалар юзасидан Ўзбекистоннинг ташаббусларини ишлаб чиқиш ва илгари суриш назарда тутилади.

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтилаётган натижа
273.	Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Ислон ҳамкорлик ташкилоти, Туркий кенгаш ҳамда бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар доирасида кўп томонлама ҳамкорликни жадаллаштиришни.	Йил давомида	ТИВ, Олий Мажлис палаталари (келишув асосида), Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти, вазирлик ва идоралар	—	—	Амалий чора-тадбирлар. Бунда: халқаро микёсдаги долзарб масалалар юзасидан Ўзбекистоннинг ташаббусларини мазкур халқаро ташкилотларда илгари суриш; халқаро парламентлараро ташкилотлар (ЕХХТ Парламент ассамблеяси, МДҲ Парламентлараро ассамблеяси ва бошқалар) билан ҳамкорликни фаоллаштириш; Ўзбекистонда парламентлараро муносабатлар бўйича йирик тадбирларни ташкиллаштириш; халқаро ташкилотларнинг масъул раҳбарлик лавозимларига мамлакат вакиллари номзодини илгари суриш назарда тутилади.

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтиллаётган натижа
274.	Марказий Осиё минтақасидаги мамлакатлар билан барча соҳаларда ўзаро дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик руҳидаги муносабатларни сифат ва мазмун жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш.	Йил давомида	ТИВ, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти, вазирлик ва идоралар	—	—	Амалий чора-тадбирлар. Бунда: олий ва юқори даражадаги ўзаро ташрифларни ташкил этиш; «халқ дипломатияси» механизмларидан самарали фойдаланиш; «Буюк Ипак йўли халқ дипломатиясини ривожлантиришнинг янги босқичи» мавзусида халқаро давра суҳбатини ўтказишда Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институтига қўмаклашиш; аҳил қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлаш йўлидаги мавжуд тўсиқларга биргаликда ечим топиш; иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, ўзаро савдо ҳажмини ошириш ва кооперацияни мустаҳкамлаш учун қулай шароитлар яратиш; минтақанинг транзит ва логистика салоҳиятидан самарали фойдаланиш, транспорт инфратузилмаси жадал ривожланишини таъминлаш; минтақада сувдан адолатли фойдаланиш масалаларини тезкорлик билан ҳал этиш; Марказий Осиё давлатлари ҳудудлари (шу жумладан чегарадош минтақалар) ўртасидаги ҳамкорликни фаоллаштириш; маданий-гуманитар соҳаларда биргаликда тадбирларни ўтказиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш назарда тутилади.

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтилаётган натижа
275.	Хорижий мамлакатлар билан ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқиш.	Йил давомида	ТИВ, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти, вазирлик ва идоралар	—	—	Амалий чора-тадбирлар. Бунда: Россия Федерацияси, Америка Қўшма Штатлари, Хитой Халқ Республикаси, Корея Республикаси, Япония, Туркия, Бирлашган Араб Амириклари, Европа Иттифоқи ва Осиё мамлакатлари билан сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестиция, транспорт-коммуникация ва маданий-гуманитар алоқаларни янада ривожлантириш; Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (Россия Федерацияси, Озарбайжон), Марказий Осиё, Европа Иттифоқи (Италия) ва Осиё (Хитой Халқ Республикаси, Ҳиндистон, Туркия) мамлакатлари билан олий даражадаги икки ва кўп томонлама тадбирлар ўтказиш ҳамда ташрифлар доирасида мамлакатимиз манфаатларига хизмат қилувчи истиқболли лойиҳалар ва дастурларни қабул қилиш бўйича чора-тадбирларни кўриш назарда тутилади.
276.	БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига 2021 — 2023 йилларга сайланиши учун Ўзбекистон номзодини илгари суриш.	Йил давомида	ТИВ, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти, вазирлик ва идоралар	—	—	Амалий чора-тадбирлар. Бунда: БМТга аъзо давлатларнинг Ўзбекистоннинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига номзодини қўллаб-қувватлашга эришиш мақсадида улар билан музокаралар олиб бориш; Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва инсон ривожланиши соҳасида олиб борилаётган ислохотлар тўғрисида материалларни тайёрлаш ҳамда БМТга аъзо давлатлар ўртасида тарқатиш билан боғлиқ чора-тадбирларни амалга ошириш назарда тутилади.

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтилаётган натижа
277.	Инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд Форумини ўтказиш.	2020 йил 28 май	Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, Олий Мажлис палаталари (қелишув асосида), ТИВ, Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти	—	—	Амалий чора-тадбирлар. Бунда: ёшлар ҳуқуқларига бағишланган Форум концепцияси ва якуний хужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш; Инсон ҳуқуқлари бўйича Осиё Форумини 2020 йил Самарқанд шаҳрида ўтказиш билан боғлиқ ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш; Форумда БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида ишлаб чиқилиши Ўзбекистон томонидан таклиф этилган Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенция лойиҳасини муҳокама этиш назарда тутилади.
278.	Ўзбекистон Республикасининг 2020 йилда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига раислик доирасидаги асосий тадбирларни ўтказишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш.	Йил давомида	ТИВ, Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти, вазирлик ва идоралар	—	—	Амалий чора-тадбирлар. Бунда: МДХда иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш, ташкилот томонидан қабул қилинган қарорларнинг амалий натижаларини ошириш ва аъзо давлатлар ўртасида гуманитар алоқаларни янада мустаҳкамлаш; МДХ Ҳукумат раҳбарлари кенгашининг мажлиси, МДХ давлатлари Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг мажлиси, МДХ давлат раҳбарлари кенгашининг мажлиси ва бошқа тадбирларни ўтказиш бўйича чораларни амалга ошириш назарда тутилади.

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтиллаётган натижа
279.	Шанхай ҳамкорлик ташкилоти билан муносабатларни ривожлантириш.	Йил давомида	ТИВ, Стратегик ва минтақаларо тадқиқотлар институти, вазирлик ва идоралар	—	—	Амалий чора-тадбирлар. Бунда: ШХТ билан халқаро терроризм, экстремизм ва трансчегаравий жиноятчиликка қарши курашиш бўйича ҳамкорликни кучайтириш; ШХТга аъзо давлатларнинг трансчегаравий жиноятчиликка қарши курашувчи ваколатли органлар ўртасида доимий алоқа каналларини ривожлантириш; ШХТга аъзо давлатлар ўртасида иқтисодий алоқаларни ривожлантириш бўйича ташаббусларни илгари суриш назарда тутилади.
280.	Ўзбекистон томонидан Умумий имтиёзлар плюс (GSP+) тизими доирасида Европа Иттифоқининг имтиёзларини олиш масаласини ўрганиш.	2020 йил 1 октябрь	Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, ТИВ, вазирлик ва идоралар	—	—	Чора-тадбирлар дастури. Дастурда: Ўзбекистонни GSP+ фойда олувчи мамлакатлар рўйхатига киритиш тўғрисидаги хужжатлар тўпламини Европа томони учун тайёрлаш ва тақдим этиш; Ўзбекистонни GSP+ фойда олувчи мамлакатлар рўйхатига киритиш бўйича Ўзбекистон Республикасидан Ҳукуматидан мувофиқлаштирувчини тайинлаш назарда тутилади.
281.	Қўшма транспорт — логистика компанияларини ва курук портларни ташкил этиш.	2020 йил 1 октябрь	Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Транспорт вазирлиги, ТИВ	—	—	Чора-тадбирлар режаси. Режада Ўзбекистонда юкларнинг авиа ва автоташувларига ихтисослашган қўшма транспорт-логистика компанияларини ва курук портларни ташкил этиш ва бунинг учун дунёдаги етакчи транспорт компанияларини жалб қилиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш назарда тутилади.

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтиллаётган натижа
282.	Маҳаллий маҳсулотларнинг минтақавий ва халқаро бозорларга олиб чиқишини энгиллаштириш.	Йил давомида	Транспорт вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, ТИВ	—	—	Амалий чора-тадбирлар. Бунда: маҳсулотлар минтақавий ва халқаро бозорларга олиб чиқиладиган йўналишларда жойлашган давлатлар билан халқаро автомобиль ташувлари соҳасида узоқ муддатли битимларни тайёрлаш; Ўзбекистоннинг халқаро автомобиль, темир йўл ва ҳаво транспортида ташувларни тартибга солувчи халқаро кўп томонлама битим ва конвенцияларга қўшилиши назарда тутилади.
283.	Европа Иттифоқи билан томонлама Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик шартномасини муҳокама қилиш.	2020 йил 30 апрель	Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, ТИВ, вазирлик ва идоралар	—	—	Чора-тадбирлар дастури. Дастурда: Европа Иттифоқи томони билан музокараларнинг навбатдаги учрашув муддатини келишиб олиш; музокараларнинг навбатдаги учрашувларида иштирок этувчи ишчи гуруҳлар фаолиятини ўрнатилган тартибда мувофиқлаштириш; музокараларда Ўзбекистон вакиллари иштирокини таъминлаш назарда тутилади.
284.	Марказий Осиё бўйича Европа Иттифоқининг янгиланган амалга оширишда Ўзбекистоннинг фаол иштирокини таъминлаш.	2020 йил 1 июнь	Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, ТИВ, вазирлик ва идоралар	—	—	Чора-тадбирлар дастури. Бунда: Европа Иттифоқи делегацияси вакиллари билан 2021 — 2027 йилларга мўлжалланган кўп йиллик индикацион дастур доирасидаги ҳамкорликнинг устувор йўналишларини муҳокама қилиш учун учрашувлар ўтказиш; Стратегия доирасида ўтказиладиган икки томонлама ва минтақалараро форматдаги тадбирларда иштирок этиш назарда тутилади.

Изохлар:

Дастурда назарда тутилган тадбирларнинг амалга оширилиши жараёнида уларнинг молиялаштириш манбаларига аниқлик киритилиши мумкин.

Давлат бюджети маблағлари деганда марказлашган инвестициялар, вазирлик, идора ва ташкилотларнинг харажатлар сметасида назарда тутилган бюджет маблағлари тушунилади.

Тегишли комиссия билан келишилган ҳолда, Дастурда назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш учун қабул қилинадиган ҳужжатлар шакли заруратга қараб ўзгартирилиши, бошқа бандлардаги ҳужжатлар билан бирлаштирилиши ёки бир неча турдаги ҳужжатларга бўлиниши мумкин.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш жараёнида мутасадди вазирлик ва идораларнинг таклифлари асосида Дастурда белгиланган тадбирларнинг мазмунига мос келадиган бошқа масалалар ҳам назарда тутилади.

2020 йилда Давлат дастури тадбирларини амалга оширишнинг жами харажатлари:

18 171,4 млрд сўм ва 10 301,5 млн АҚШ доллари, шундан:

Давлат бюджетива Давлат мақсадли жамғармалари маблағлари

млрд сўмда  
12 883,7

млн АҚШ долларида  
—

Ижрочилар ва хайрия ташкилотлари маблағлари	1 426,5	—
Тижорат банкларининг кредитлари	561,2	—
Халқаро ташкилотлар, молия институтлари маблағлари ва беғараз ёрдам	3 300,0	10 301,5

*(шова Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сонли Фармони тахририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.11.2020 й., 06/20/6110/1512-сон)*

*(Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.03.2020 й., 06/20/5953/0246-сон; 27.03.2020 й., 06/20/5975/0377-сон; 31.10.2020 й., 06/20/6099/1450-сон; 13.11.2020 й., 06/20/6110/1512-сон)*